

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**“ТУПРОҚ БИОЛОГИЯСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ”
фанидан ўқув - услугбий мажмуа**

ГУЛИСТОН – 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**



“ТУПРОҚ БИОЛОГИЯСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ” ФАНИДАН

фанидан тайёрланган

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси:

100000-Гуманитар фанлар

Таълим соҳаси:

140000- Табиий фанлар

Таълим йўналишлари:

5141000 - Тупроқшунослик

Гулистон – 2018

Уразбаев И. У., Тупрок биологияси ва экологияси фанидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуа . - Гулистан, 2018. - 97 б.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа 5141000 тупрокшунослик бакалаврят таълим йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Ўқув-методик мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 18.06. 2018 йил тасдиқланган тупрок биологияси ва экологияси фани намунавий дастури (№ БД – 5141000-) талаблари асосида тайёрланган. Тупрок биологияси ва экологияси фанининг мақсади,вазифаси, тупроқларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг функцияси, ифлосланиши,тупроқ ва ер мониторинги. Тупроқ хайвонларининг таксономик бирликлари,гуруҳлари, тип ва синфлари,хайвонларнинг тузилиши ва тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти. Тупроқ сув ўтлари ва микроорганизмларининг хилми-хиллиги,тузилиши ва аҳамияти хақида баён қилинган. Ҳар бир мавзу охирида талабалар томонидан бажарилиши зарур бўлган топшириқлар ва назорат саволлари келтирилган. Ўқув-услубий мажмуа Гулистан давлат университети Илмий кенгаши томонидан (___ - баённома ___ 2018 йил) кўриб чиқилган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган.

Такризчилар: Биол.фан.док. доц. Жабборов З.(ЎзМУ).

Биол.фан.ном. доц. Турдиметов Ш. М (ГулДУ)

МУНДАРИЖА

I. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	4
II АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.....	63
III. НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	120
IV. ТЕСТ	122
V. ФАННИНГ НАМУНАВИЙ ДАСТУРИ	134
VI. ГЛОССАРИЙ.....	147
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	148

Кириш

Фаннинг мақсади. Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича қилинган илмий ишлар натижалари асосида юзага келган биологик ва биотехнологик билимлар мажмуасини билишдир.

Фаннинг вазифаси – қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш бўйича тупроқда содир бўладиган барча биологик жараёнларни ва бу жараёнларнинг барқарорлигини таъминлайдиган омилларни бошқаришни ва улардан фойдаланиш технологияларини ўрганиш.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма кетлиги.

Тупроқ биологияси фани биринчи навбатда тупроқшунослик ва биология (табиий мураккаб системалар) ҳақидаги фаннинг ҳам таркибий қисмидир. Бу фан экология билан тупроқшунослик фанларининг барча тармоқлари (тупроқ физикаси, тупроқ кимёси, тупроқ географияси, агрономия, дехқончиликни) бирлаштириб келган фан ҳисобланади.

Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган микробиология, вирусология, фитопоталогия, умумий фитопоталогия, қишлоқ хожалиги фитопоталогияси, ўсимликшунослик, агрокимё, физика, математика фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар.

Тупроқ биологияси ва экология ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- Тупроқ ҳосил бўлишининг назарий асослари, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнининг умумий тавсифи ва тупроқларнинг географик тарқалишига оид асосий қонуниятлари ва ҳоссалари, тупроқда яшайдиган барча тирик организмлар ёки ҳаёти маълум даражада тупроқ билан боғлиқ бўлган ҳайвонлар ва микроорганизмлар, улар орқали юзага келадиган жараёнлар ҳусусида;
- Тупроқ унумдорлигини ошириш биотехнологияси бўйича ҳозиргача эришилган ютуқлар ва келажакда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолари; тупроқ, ўсимлик ва микроорганизмлар орасидаги боғлиқлик; тупроқ унумдорлигини оширишда микробиологик препаратлардан фойдаланиш усуllibарини билиши керак;
- Тупроқнинг биологик қисми, тупроқда яшовчи бир ҳужайрали ҳайвонлардан бошлаб, мураккаб тузилган сут эмизувчилар, уларнинг таксономик таркибини ўзаро муносабатларининг ва тупроқ ҳосил қилувчи она жинс ҳамда ўсимликлар ва бошқа организмлар билан таъсирини ўрганиш;
- микроорганизмларни ажратиб олиш ва қўпайтириш;

- азотфиксатсияловчи тизимларнинг асосий ҳусусиятларини таҳлил қилиши;
- азотфиксаторлар билан ўсимликлар симбиозини ўрганиш;
- эндосимбионтларнинг ривожланиш регулятциясини қузатиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак;
- тупроқ биотаси тўғрисида тушунча, тупроқ биотасида ҳаёт кечирадиган ёки у билан бирон даражада боғланган тирик организмлардан иборатлиги, тупроқ фаунасининг гурухлари ҳақида, биология ўғитлар ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллаш;
- атмосфера азотини ўзлаштирадиган микроорганизмларни ажратиб олиш ва уларнинг ген структурасини аниқлаш тушунчалар бўйича малакаларига эга бўлишлари керак.

Фаннинг ҳажми ва мазмуни

Билим соҳаси: 100000-Гуманитар фанлар
Таълим соҳаси: 140000- Табиий фанлар
Таълим йўналишлари: 5141000 - Тупроқшунослик

Тупроқшунослик йўналиши 1-курс 1-семестир

Умумий соат: 245соат

Шу жумладан: Маъруза – 59 соат

Амалий – 68 соат

Мустақил иш – 128 соат

МАЪРУЗА МАШГУЛОТЛАРИ

I-бўлим Тупроқ экологияси

Сўз боши.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятига юз тутишида унумдор, серҳосил ер ресурсларининг ўрни беқиёсdir. Келажакнинг эгалари бўлган бугунги ёшлар Она заминни кўз қорачигидек асрashлари, энг илфор илмий қарашлар ва замонавий тажрибалар асосида муаммоларни ечишга тайёр туришлари лозим. Бугунги кунга келиб, жаҳон ҳамжамияти ер ва сув ресурсларини асрash, улардан оқилона фойдаланиш, долзарб муаммоларни дунё миқёсида ҳал этилишини кун тартибига қўймоқда. Мазкур ўқув қўлланма Республика тупроқларини ифлосланиши ва тегишли тупроқ-экологик муаммоларни ўрганиш, ҳамда муҳофаза қилишга қаратилган замонавий янгиликлар асосида тузилди.

Қўлланманинг дастлабки саҳифаларида тупроқларнинг кимёвий ифлосланиши ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий вазифаларига эътибор қаратилади. Давлатимиз мустақиллигидан сўнг экологик муносабатларнинг ислоҳ қилиниши, тегишли қонун ва меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши, амалга оширилаётган тадбирлар хақида фикр юритилади. Қўлланманинг кейинги саҳифаларида тупроқларнинг заҳарли моддалар ва техноген чиқиндилар билан ифлосланиши, чиқиндиларнинг хусусиятлари, асосий манбалари, кимёвий элементлар ҳамда моддаларнинг қабул қилинган меъёри (КҚМ), биосферанинг умумий тавсифи, тупроқ, сув, ўсимликларда оғир металлар миқдори ва тупроқ хоссаларига таъсири келтирилади. Тупроқ қопламининг радиоактив моддалар билан ифлосланиши, биосферадаги ҳаракатланиши, унинг тупроқ ва инсон саломатлигига таъсири ҳамда, уларнинг олдини олишдаги замонавий тозалаш усувлари кўрсатилади.

1-Мавзу: Тупроқ экологияси фанининг мақсади ва вазифалари. Тупроқни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш.

Асосий саволлар

1. Тупроқ экологияси фанининг мақсади ва вазифалари.
2. Тупроқни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш.

Экология организмларни ташки муҳит билан алоқасини ўрганадиган фан сифатида 19 асрда вужудга келди ва ташкил топди. Бу вақтда мавжудотларнинг кўплиги ҳамда яшаш шароитлари хақида маълумотлар тўпланган эди. Уларнинг тузилиши ва ривожланишидан ташқари ташки муҳит билан алоқаси хам маҳсус қонуниятлар асосида ҳар тарафлама ўрганилиши керак эди.

“Экология” терминини фанга киритган олим немис зоологи Эрнест

Геккель ҳисобланади. Экология фани бошка хамма фанларнинг ютуқларида ва уларнинг илмий натижаларини бир-бирига боғлаган ҳоллад жамиятнинг хаётий масалаларини хал қилади. Хозирги кунда экология тармокланган фанлар тизимиға ажралди. У барча мавжудотларга тааллукли булган атроф-муҳитнинг боғланиш конуниятларини ўрганувчи (усимликлар 1 экологияси, агрономик экология ва хакозо) кенжә экологияга бўлинади. Шу билан бирга кейинги йилларда биохимик экология, физиологик экология кишлоқ хўжалиги экологияси ва бошқалар хам ривож топмоқда. Маълумки хар бир организм бошқаларидан ажралиб, якка ҳолда яшамайди. Шунинг учун маълум бир шароитнинг ўзида яшовчи бир нечта организм экологияни ўрганишда хар хил фанларни, яъни ботаника, зоология, генетика биогеография фанлари жалб қилиши мумкин. Организм ўзи яшаидиган атроф-муҳит билан чамбарчас болгандан бўлиб, ягона тизмни, яъни экосистемани ташкил қилади. Хозирги вактда жуда кўп ўсимлик ва хайвонот турларини хаёти экология нуктаи назаридан яхши текширилмаган шўрланган. Экосистема (экотизим)-экологиядаги энг асосий ўрганувчи омил ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, шу жумладан дехқончиликнинг хам ўз экологияси ва экосистемаси мавжуддир. кишлоқ хужалигига экологик тизимга (экотизимга) таъсир кўрсатувчи омилларни ижобий томонга ўзгартирувчи тадбир-кишлоқ хўжалигини жадаллаштириш хисоблаиади. Жадаллаштиришнинг асосий йуналишлари, ерларни мелиорация этиш хамда фан ютқарини дехқончиликка жорий қилишдир, бирок жадаллаштириш восфандар . италари хозирги вактда экологик талабларни хисобга олмаган ҳолда кўлланилмоқда. Пахтачиликда технологик интизомнинг бузилиши хамда агрономик тадбирларни ўз вактида ва сифатли бажармаслик салбий экологик оқибатларга олиб келмоқда. Масалан, тупрокка ишлов беришни сифатсиз ўтказиш, хаддан ташкари минерал ўғитлар солиши, зарапкунандаларга карши захарли моддаларни кўплаб қўллаш, мелиорация ишларини бажарши натижасида ер сатхи ва остидаги сизот сувлар ифлосланиб эрозия пайдо булмоқда, тупроқ унумдорлиги пасаймоқда, ерлар шўрланиб ишдан чикмоқда.

Маълумки, республикамида сув таъминоти коникарли эмас. 1> уеса кишлоқ хужалиги экинлари хосилдорлиги камайтирмоқда. Республикаиздаги умумий сув миқдори аник бўлиб турган бир вактда лиги грларии узлаштиришни режалаштириш экологик мутаносиблигни бузмоқда. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихини эслайлик, сугориш меъёрларига амал қилмаслик, мелиоратив тадбирларни кўлламаслик натижасида сизот

сувларини 17-20 м дан 2-3 метргача күтарилиб кетиши руй берди. Натижада купгина майдонларда иккиламчи парланиш вужудга келди. Бундай ходисалар сувдан фойдаланишини самарали усулларини ишлаб чикишини талаб қилмокда. Хозирги маълумотларга кўра Республикаиздаги кучли ва ўртacha шўрланган ерлар 1-1,3 миллион гектарни ташкил қиласди. Бу ерлардаги захарли тузларни ювиш учун хар йили 5 дан 7 куб км гача сув сарфланиши кераклиги хисоб-китоб қилинган. Агар биз келгусида янги ерларни ўзлаштирасак, улар мелиорация жихатдан нокулай бўлганлиги сабабли, захарли тузларни ювиш учун янада кўп сув сарф бўлади. Сувга бўлган талаб тобора ортиб, танқислик туғдиради. Хозирги вактда Ku.wunii воситаларнинг самарасини хам каноатли деб булмайди. Пахтачиликда ишлатиладиган минерал озуқа элементларининг тупрокка солингандан кейин ўсимликлар томонидан ўзлаштириш даражаси пастдир. Масалан, азот 40-50 фоиз, фосфор 15-20, калий 50-60 фоиз ўзлаштирилади. Бу ўғитларнинг қолган қисми шу тупроқлардан ювилиб зовурларга, кейин дарёлар ва бошқа сув хавзаларига оқиб тушади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган касаллик ва зааркунундаларга қарши қўлланилаётган кимёвий воситалар хам атроф мухитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Юкорида кўрсатилган маълумотлар агроэкология фанини тупроқшунослик, дехқончилик, мелиорация, агрохимия бошқа фанлар билан алокада эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари ўсимликларни химоя қилишда зааркунанда ва касалликларга карши курашиш учун захарли моддаларни қўллаш натижасида купгина салбий оқибатлар келиб чиқмоқда. Демак, агроэкология фанини энтомология ва фитопатология фанлари билан алокадор эканлигини кўрсатади.

Агроэкология муаммоларини ҳал килиш учун бу йуналишдаги асосий топфа ва терминларни белилаб олиш катта ахамиятга эга.

Табиий мухит-атроф мухитнинг бир қисми бўлиб, ерда ва унинг атрофида мавжуд бўлган табиий материал жисмлар, физик, химик ва биологик ҳодиса ва жараёнлар.

Антрапогенез-табиий ландшафтларни антропоген омиллар таъсирида ўзгариши. Техноген экотизим техноген омиллар таъсирида тирик организмлар ва мухитнинг функционал тизимини келиб чиқиши.

Геосфера-табиий ландшафтлар ёки ернинг географик қатлами, яъни литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосферанинг пасткн қисми ҳамда улар

бир-бирлари билан узвий алоқададир.

Биосфера-ер шарининг устки қатлами бўлиб, у ерда микроорганизмлар, усимлик, хайвон ва инсон ҳаёти мужассамланган. Биогеосферада энергия манбаи булиб, қуёш радиацияси ҳисобланади.

Агробиоценоз-бу экосистемани инсон фаолияти натижасида ўзгарган алоқасидир. Агробиоценозни бошқариш агрономии фанлар мажмуи агрохимия, тупроқшунослик, ўсимликлар физиологияси ва биохимияси, дехкончилик, мелиорация ва кишлоқ хужалиги метерологияси фанлари билан амалга оширилади.

Кишлоқ хужалиги инсоннинг атроф-муҳитга таъсир қилувчи энг кучли омили ҳисобланади. Кишлоқ хужалиги корхоналари, дала, ҳашак, сабзавот, узум, ғўза ва бошқа экнинлар-бу агрономик экосистемада ва антропоген омил натижасида вужудга келган.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқни муҳофаза қилиш чоралари.
2. Экологиянинг қиўлоқ хўжалигидаги аҳамияти
3. Антропогенез-табиий ландшафтларни антропоген омиллар таъсирида ўзгариши.

2-Мавзу: Тупроқнинг экологик функцияси, тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг рўли.

Асосий саволлар

1. Тупроқнинг экологик функцияси
2. тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг рўли.

Тупроқ қопламининг атмосфера, гидросфера, литосферага таъсири, биосфера ва тупроқ қопламидаги органик ва минерал моддалар харакати, биоценозлар ўртасидаги муносабат, тупроқнинг биосферадаги функцияси.

Тупроқшунослик фанининг ривожланиш тарихи ва тупроқ қопламини ҳосил қилувчи жараёнлар ва омилларини таҳлили асосида биз тупроқ полидисперс, табиий тана шаклида, ўзининг унумдорлик даражаси билан табиатда ажralиб туради. Шу патгача биз тупроқ қоплами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва инсониятини кийим-кечак ва бошқа хом-ашё маҳсулотлари билан таъминдайдиган манба, ишлаб чиқариш воситаси сифатида талқин қилиб келдик.

Саноатнинг юксалиши, одам сонининг ер юзасида кўпайиб кетиши сабабли тупроқ қопламининг биосферадаги аҳамияти, унинг экологик аҳволининг оғирлашиб кетиши, пестицидлар ва саноат қурилиш, майший чиқиндилар таркибидағи оғир металлар билан ифлосланиши ва уларга қарши кураш чоралари тўғрисидаги масалаларга эътибор бериш – экологик

барқарорликка эришишни хал қилиш, асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тупроқ қоплами инсон, ҳайвонот дунёси, ўсимликларнинг яшайдиган, ўсадиган, ривожланадиган, кўпаядиган ва тарқаладиган макони бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими тупроқ қоплами бисфера нинг ҳаётий қобиғи биоценоз ва зооценозларнинг манбаи ва кони бўлиб хизмат қилади.

Шу пайтгача тупроқ пайдо бўлишида атмосфера, гидросфера ва литосфера агентларининг таъсири ҳар тарафлама талқин этиб келинди, аммо тупроқ қопламининг, атмосфера, гидросфера ва литосферага унинг экологик функциясига таъсир этиши каби масалаларига етарли эътибор берилмади.

Республикамизнинг миллий ва вилоят университетларида агрокимё ва тупроқшунослик тизими бўйича таълим олаётган талабаларга тупроқшунослик фани миқёсида тупроқ қопламининг биосферадаги роли, шаклланган хосса ва таркибининг атмосфера, гидросфера, литосферага экологик таъсири ҳақидаги маълумотлар масаласини ушбу бобда келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тупроқ қоплами қуёш энергиясининг асосий қисмини ўзида тўплаб, ўсимлик дунёсини сув, азот, углекислота ва бошқа озиқа унсурлари билан таъминлаб, фотосинтез жараёнининг амалга ошишида иштирок этади. Тупроқ устида ўсадиган ўсимлик қоплами йил давомида $0,5 \times 1015$ киловат/соат энергияни фотосинтез орқали органик модда сифатида ўзлаштиради. Инсоният томонидан бир йил ичida ёқилғи, озиқ овқат ва ем хашак сифатида $7,0 \times 1012$ кв/соат энергия истеъмол қилинади. Инсонлар томонидан олдинги ўтган геологик жараёнларда ўсимликлар дунёси томонидан ҳосил қилинган кўмир, торф, нефть сифатида ҳар йили $16,2 \times 1012$ кв/соат энергия сарфланиши ҳисобланган. Агар ҳозирги даврда атом, шамол, дарё оқимлари энергиясини ҳисобга олинмаса, келажакда тупроқ-ўсимлик-ҳайвонот дунёси ҳосил қиладиган энергетика манбаълари инсоният учун салмоқли ҳизмат қилади. Чунки тупроқда қуёш нури энергиясини, кинетик ва потенциал энергияга айлантирадиган, инсониятни кимёвий энергия ва озуқа моддалари билан тайъминлайдиган ягона манба бўлиб тирик жониворлар ва яшил ўсимликлар ҳизмат қилади.

Ер юзида ҳаёт қуруқликда, океан, денгиз, кўлларда ва атмосферанинг 2-3 км баландлигида ер қаърининг ўн, юз, минг меир чукурликда ривожланиши мумкин. Тирик организмлар яшаб, ҳаёт кечирадиган ва ривожланётган ер қобиғи биосфера дейилади. Тупроқ биосферанинг таркибий қисми бўлиб, литосферада бўлаётган жараёнларнинг таркибий маҳсулоти сифатида бевосита иштирок этади. Тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, микроорганизмлар яшайдиган, ўсадиган, кўпаядиган, тарқаладиган, ривожланадиган макон ва манба бўлиб ҳизмат қилади.

Бундан ташқари у ўсимлик ва тирик организмлар қолдиғи, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва майший чиқиндилар йигиладиган омбор ҳисобланади. Қуруқликда, яъни тупроқда ўсимликлар томонидан 10×10 тонна

фитомасса ҳосил бўлади, шунингдек 0,5 % минералланиш жараёнларига дучор бўлади. Инсон томонидан йилига фитомассанинг 3,6 x 108 т истеъмол қилинади. Демак, биосферада тупроқ – организимлар, айниқса, тупроқ-ўсимлик орасида умумпланетар энергия ва озуқа алмашинуви занжири амалга оширилади.. Уларга ютилиш, органик модда ҳолатига ўтиш ва органик моддаларнинг азот, углерод, кислород, водород, олтингугурт, кальций, калий, кремний, темир ва магний унсурларига қадар минерализацияланиш жараёни мисол бўла олади. Агар ўсимлик кулида биологик жараёнда $n \times 10^8$ т ўсимлик ассимиляция қиласидан унсурларга айланади. Аммо, унинг асосий қисми ўсимликларнинг чириш ва минералланиши натижасида тупроқ ва сув ҳавzasига қайтиб тушади.

Тупроқ қоплами қуёшдан келадиган ридиацияни ютувчи ва қайтарувчи сифатида иштирок этиш, тупроқнинг рельефи, ўсимлик билан қопланганлиги, намлиги, механик таркиби, донадорлиги, қаттиқлиги ва юмшоқлиги, органик-минерал моддаларнинг таркиби билан боғлиқдир.

Тупроқ қоплами атмосферадаги намлик ўзгариши, ҳаракати ва алмашинувида иштирок этади. Тупроқ қопламидан атмосферага майда, ўртача, чанг ва лой ҳамда коллоид заррачалари, микроорганизмлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Атмосфера таркиби, яъни азот, кислород, водород, карбонат ангидрид, сув бўғи, тупроқ-ўсимлик-ҳайвонот дунёси-микроорганизмлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Юқорида айтиб ўтилган элементлар ўсимлик томонидан органик моддалар ҳосил қилишда иштирок этиб, тупроқдаги жониворлар ва микроорганизмлар томонидан қайтадан ишланиб бошқа моддаларни вужудга келтиради. Тупроқ билан атмосфера орасида газ алмашинуви бўлиб туради, яъни CO₂, NH₃, NO₂, N₂, H₂S, CH₄ ва сув бўғлари тупроқдан ҳавога ўтади.

Тупроқ қоплами ер усти ва ости сувлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, сув геокимёвий жараёнларда иштирок этади. Тупроқ таркибидаги сув, унинг ғовакларида, органик ва минерал моддалар таркибида, эритмасида ҳам иштирок этади ва геокимёвий жараёнларда қатнашади. Тупроқдаги сув моддаларни эритувчи ва ҳосил бўлган маҳсулотларни транспортировка қилишда иштирок этади.

Тупроқ таркибидаги сув, гидросфера суви манбаъларининг бири бўлиб ҳисобланади. Дарё, кўл, денгиз океанларнинг шаклланиши ва гидрокимёвий таркиби тупроқ қопламиning морфологик тузилиши, сув физик хоссалари ва ҳолати, кимёвий ва минерал таркибига боғлиқ бўлади. Дарё сувида 0,2-0,4 г/л минерал моддалар, гумус ва микроорганизмлар бўлиб, тупроқ заррачалари эса 2-5-10 г/л ҳосил қилиши мумкин. Сув ҳавзаси таркибидаги органик ва минерал моддалар тупроқ ва уни ҳосил қилувчи тоғ жинсларининг емирилишидан пайдо бўлган маҳсулотлар тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида бир неча милиард йиллардан бўён, яъни силур давридан бери давом этиб келмоқда. Тупроқ

таркибидаги органик ва минерал моддалар, турли микроорганизмлар, чанг, лой ва коллоид заррачалари шамол ва сув эрозияси жараёнида ҳаракатга келиб, тўзонлар сифатида атмосферага кўтарилиши ва гидросферани ифлослантириши мумкин.

Тоғ жинслари, айниқса чўкинди ётқизиқларида ҳосил бўлган нефть, қўмир, торф ва газ заҳиралари тупроқ ҳосил бўлиши жараёnlари билан боғлиқдир.

Литосферадаги ётқизиқлар тупроқ орқали атмосферадан ҳаво, сув ва бошқа моддаларни олиб, ўсимлик ва микроорганизмлар ёрдамида, қўмир, нефть, торф, газ, темир, марганец, алюминий, олтингугурт, гилмояли лойлар, тузлар ва фосфорли моддаларни ҳосил қилган.

Тупроқ қопламининг биосферадаги роли катта геологик ва кичик биологик доира бўйича моддалар ҳаракати алмашинуви жараёнида яққол кўринади.

Тупроқ қопламининг биосферадаги асосий вазифалари қўйидагилар:

1. *Тупроқнинг биоэкологик вазифаси* – тупроқ экология манбай ва муҳит бўлиб, унда кўплаб органик моддалр тўпланади. Академик В.А.Ковданинг хисобида ер юзасида (асосан ўрмонларда) тўпланадиган биологик қисм микдори қарийиб n·1013 тоннани ташкил этади. Ер ости илдиз қисми ҳамда ҳайвонот ва микроорганизмлар фаолияти Билан боғлиқ органик моддалар микдори бундан кам эмас.

2. *Тупроқ қатламининг биоэнергетик вазифаси* – тупроқ қопламини ўз ичига олувчи экологик системада ўсимликлар ҳар йили ерда тахминан n·1017 ккал микдордаги кимёвий актив энергия тўплайди. Тупроқнинг ўзида органик моддалар (детрит, гумус-чиринди)да n·1018 ккал микдорида энергия тўпланади. Ҳар бир тонна гумус 5·106 ккал потенциал энергияга эга 1 г гумус 4,5-5 ккал кимёвий энергия сақлайди.

3. *Тупроқ қопламининг азот оқсил тўплаш вазифаси* – тупроқ – ўсимлик тарзидаги экологик система, атмосферадаги молекуляр N ни тўплаб, уларни аминокислоталар ва оқсилларга ацлантириш хусусиятига эга. Ер юзаси қуруқлик қисми тупроқларидағи азотнинг биологик фиксацияланиш ҳар йили 140 млн. тоннани ташкил этади.

4. *Тупроқ қопламининг биокимёвий вазифаси* – тупроқда тўпланадиган биойигилма турли кимёвий элементлар ва улар бирикмаларининг манбай ҳам ҳисобланади. Ўсимликларнинг илдиз системаси тупроқнинг пастки қисмларидан кўплаб кимёвий элементлар (C,N,H,O,P,Ca,K,Mg,Al) ни сўриб олади ва тупроқ қатламларида тўплаш имкониятини беради.

5. *Тупроқ қатламининг гидрологик вазифаси* – тупроқ қопламининг ер гидрологик циклидаги ва гидросферадаги роли ҳам ниҳоятда катта. Тупроқ қопламида атмосфера ёғинлари тўпланади, бўғсимон сувлар конденсацияланиб эркин сувга айланади.

6. Тупроқ қопламининг атмосфера газ таркибига таъсири вазифаси – тупроқ қопламининг ер шарининг газ режими ва атмосфера таркибининг шаклланишида, фотосинтезида, карбонат ангидридининг бирикиши, азот тўплаши, кислород ва водороднинг тўпланишида, денитрификация, десульфификацияда, оксидланиш ва нафас олишда, карбонат ангидридининг атмосферага қайтиши ва айланиши каби жараёнларида ҳам катта роль ўйнайди.

Биологик нураш. Тоғжинслариваминаллартурлиорганизмлар (микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвонот организмлари) ва уларнинг ҳаёти туфайли вужудга келган маҳсуллар таъсирида механикавий равишда парчаланади ва кимёвий ўзгариш юз беради. Организмлар таъсирида юзага келадиган ана шундай ўзгаришларга *биологик нураш* дейилади. Биологик нурашда организмлар тоғ жинслардан ўз ҳаёт шароитлари учун керакли моддаларни ажратиб олади ва минерал жинслар юзасига тўплайди. Бу жараён натижасида тупроқ пайдо бўлиши учун қулай шароит вужудга келади. Ўсимлик илдизлари ва микроорганизмлар ҳаёти давомида ташқи муҳитга ажralадиган карбонат ангидриди ва ҳар хил кислоталар кимёвий нурашга сабабчи бўлади. Биологик нурашда микроорганизм (бактерия, замбуруғ ва актиномицет) ларнинг аҳамияти каттадир, чунки 1 г.тупроқда миллионлаб-миллиардлаб микроорганизм бўлади.

Микроорганизмлар таъсирида кечадиган нитрификация ва сульфификация жараёнлари натижасида ҳосил бўладиган нитрат ва сульфат кислоталари ҳам кўпгина минерал бирикмаларни эритади ва биологик нурашни кучайтиради. Шунингдек, замбуруғлар чиқарадиган органик кислоталар нураш жараёнига чидамли бўлган дастлабки бирламчи минералларни парчалайди.

Тоғ жинслари ва минералларда пайдо бўлган ёриклар орасига ўсимлик илдизларининг кириб ривожланиши натижасида улар майдалана бошлади. Шунингдек, курт-қумирсқа ва каламуш сингари ер қазувчи жониворлар ҳам тоғ жинслари ва минералларнинг механикавий майдаланишида актив иштирок этади. Бундан ташқари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўплаб қолдиқлари ер юзасида тўпланади - чирийди, улардан пайдо бўладиган органик кислоталар ҳам тоғ жинслари ва минералларни кимёвий равишида ўзгартади.

Ҳамма тоғ жинслари ва минераллар нураш жараёнида бир хил ва бир текис парчаланмайди. Баъзи тоғ жинслари (кварцит) ва минераллар (кварц) нураш факторлари таъсирига жуда чидамли бўлса, айримлари (чўкинди тоғ жинслари ва тоғ шпатлари) чидамсизлигидан тезроқ парчаланади. Нураш фақат механикавий парчаланиш жараёнидан иборат бўлмай, балки айни пайтда бу жараён туфайли иккиласми минераллар шаклидаги янги бирикмалар ҳам пайдо бўлади.

Тирик организмлар таъсирида қайта ҳосил бўлган моддалар ўсимликлар танаси таркибига ўтиб ўзлаштирилади ёки камроқ ҳаракатчан формаларга айланиб, кейинчалик нураш қобиғи ҳамда тупроқ ҳаётида катта роль ўйновчи мураккаб органик - минерал бирикмаларни ҳосил қиласди.

Ўсимликлар нобуд бўлгандан сўнг улар ўзлаштириб олган тоғ жинсларининг емирилиш маҳсулотлари микроорганизмлар таъсирида ўзгарган шаклдаги янги минерал ҳамда органик - минерал бирикмаларни ҳосил қиласди. Бу бирикмаларнинг бир қисми тупроққа ўрнашиб қолади, бир қисми эса ювилиб кетиши натижасида моддалар алмашинишининг катта геологик даврасига қўшилиб, табиий сувлар орқали денгиз ҳамда океанларга боради.

Мухокама учун саволлар.

1. Тупроқ қопламишининг атмосфера, гидросфера, литосферага таъсири
2. Тупроқ қопламишининг биосферадаги асосий вазифалари
3. Биологик нураш

3-Мавзу: Тупроқнинг оғир металлар билан ифлосланиши Асосий саволлар


1. Тупроқда оғир металларнинг миқдори.
2. Тупроқнинг оғир металлар билан ифлосланиши.

Тупроқларнинг кимёвий ифлосланиши турли омиллар таъсирида пайдо бўлиб, йиллар давомида тупроқ қоплами заарланиши кузатилади. Тупроқлар ифлосланиши турлича бўлиб, асосан саноат корхоналари, майший ва бошқа чиқиндилар ҳамда турли жараёнлар мобайнида ифлосланади (3-расм).

Ҳар бир давлатда табиий ресурслар ҳисобланувчи ер ресурсларини муҳофаза қилувчи ташкилотлар бўлиб, мазкур ташкилотлар томонидан доимий тарзда тупроқларни кимёвий ифлосланиш ҳолати назорат қилинади ва шу асосда тегишли тадбирлар белгиланади.

3-расм

Тупроқларни кимёвий ифлосланиш жараёнларини акс эттирувчи айрим лавҳалар



Ўзбекистон

Республикасида ер ресурсларининг ҳолати, уларни муҳофазаси ва тегишли масалалар билан Табиатни муҳофаза қилиш Кўмитаси, Гидрометрология хизмати ва бир қатор илмий – тадқиқот институтлари шуғулланади. Буларда лаборатория шароитида ифлословчи модда таркиби, миқдори ва бошқа хоссалари ўрганилиб, ифлосланишга тавсиф берилади.

Кимёвий ифлосланган тупроқларнинг ҳавфли – заҳарли хусусияти, кимёвий таркиби ва умумий миқдори бўйича турларга ажратилади.

Ҳавфли-заҳарли хусусияти бўйича тупроқлар қўйидаги кимёвий ифлосланишларга ажратилади: 1. Радиоактив ифлосланиш, 2. Оғир metallar ва кимёвий моддалар билан ифлосланиш, 3. Турли чиқиндилар билан ифлосланиш.

Таҳлилларга кўра радиоактив ифлосланиш энг ҳавфли ўринда туради, чунки радиоактив ифлосланишда дастлаб биологик дунё жиддий зарар кўради ва жуда катта радиусда ҳам таъсир этиш хусусиятига эга, энг ачинарлиси инсон соглигига жуда ҳавфли таъсир этиб, унинг келажак авлодларига генлар орқали таъсир этиши билан бошқа ифлосланиш турларидан фарқ қиласди.

Оғир metallar билан ифлосланишнинг ҳавфли томони шундаки, биринчидан, оғир metallar билан ифлосланишни вужудга келтирувчи омиллар ва манбалар кўп (транспортлар ва саноат – корхоналари) бўлиб, иккинчидан, тупроқ қопламида сақланиш (емирилиш) муддати бир неча минг йилларга тенг.

Тупроқларни турли чиқиндилар билан ифлосланиши юқоридаги ифлосланишлар қатори жуда кўп ҳисобланади. Унинг ҳавфли томони шундаки, турли чиқиндилар инсон таъсири ва саноат корхоналари томонидан жуда катта миқдорда тупроқ қопламига тўпланади. Махсус чиқиндилар кўмиладиган “қабристон” лар йиллар давомида атроф – муҳит тупроқ қопламига салбий

таъсир қилади. Чиқиндилар заҳарли хусусияти бўйича қуидаги гурӯхларга ажратилади (3-жадвал).

3-жадвал

Чиқинди турлари ва уларнинг синфларга бўлиниши

<i>№</i>	<i>Чиқинди турлари</i>	<i>Ўлчов бирликлари</i>
1.	Заҳарсиз чиқиндилар:	Турлича
2.	Ишлаб чиқариш саноат чиқиндилари	Тонна
3.	Қайта ишлаш саноати чиқиндилари	куб/метр
4.	Маиший чиқиндилар	тонна
5	Заҳарли чиқиндилар: 1 -синф-ўта ҳавфли заҳарли чиқиндилар 2- синф - юқори заҳарли чиқиндилар 3- синф -ўртача ҳавфли чиқиндилар 4- синф -кучсиз заҳарли чиқиндилар	тонна тонна тонна турли хил

Чиқиндилар асосан кимёвий таркибиغا ва таъсир этиш хусусиятиг кўра бир – биридан фарқ қилади. Тупроқ қопламига кўпроқ тўғридан – тўғри ишлаб чиқариш саноати ва майший чиқиндилар тушади. Қайта ишлаш саноати ва бошқа турдаги чиқиндилар нисбатан камроқ. Тупроқ қопламини кимёвий ифлосланишида турли омиллар етакчи ўрин эгаллайди. Ифлосланган тупроклар қуидаги категорияларга бўлинади (4-жадвал).

4-жадвал

Кишлоқ хўжалик соҳасида фойдаланиладиган тупроқларнинг кимёвий ифлосланиш категориялари

<i>Тупроқларни ифлосланиши категорияла ри</i>	<i>Ифлосланиши тавсифи</i>	<i>Фойдалани ш ҳолати</i>	<i>Тавсия этилган тадбирлар</i>
---	----------------------------	---------------------------	---------------------------------

I категория ифлосланмаган	Тупроқ таркибида кимёвий моддалар ҚҚМ кўрсаткичидан ошмайди.	Барча экинларни экиш мумкин	Тупроқ ифлосланишига бўлган таъсирини камайтириш.
II категория ўртacha ҳавфли	Кимёвий моддалар микдори ҚҚМ кўрсаткичигача, умумий санитар меъёр ҳолатида бўлиб, тупроққа етиб келиши сув ва ҳаво орқали кечади.	Сифат таркибини назорат қилган ҳолда айрим ўсимликларни экиш мумкин.	Сув ва ҳаво орқали тарқалувчи йўлларни назорат қилиш ва чегараларини, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардаги сув манбаларини назоратга олиш
III категория юқори ҳавфли	Тупроқ таркибида кимёвий моддалар микдори ҚҚМ дан ортиқ ва транслакацион кўрсаткичларга зарарли ҳисобланади.	Фақат техника экинлари экишда фойдаланиш мумкин. Қишлоқ хўжалик экинлари экиш тақиқланади.	1. Қатъий равишда I категория тадбирларини қўллаш ва заҳарли моддалар микдорини ўсимликлар, маҳсулотлар таркибини назорат қилиш. 2. Ҳосил берувчи ўсимликларни тоза тупроқ шароитига кўчириш ва назорат қилиш.3. Ўсимликлар яшил массаларидан фойдаланишни чеклаш.
IV категория ўта ҳавфли	Тупроқ таркибида кимёвий моддалар ҚҚМ дан ортади ва тупроқнинг барча кўрсаткичлари учун зарарли ҳисобланади.	Барча турдаги экинларни экиш тақиқланади.	Ифлосланган тупроқ қопламини ифлосланиш даражасини камайтирувчи тадбирлар қўллаш. Қишлоқ хўжалигида фойдаланувчи сув таркибини назоратга олиш ва табиий ҳимоя омилларини шакллантириш

Тупроқни кимёвий ифлосланиш даражаларини таснифлашда барча кимёвий ифлосланиш турларида бир хил белгиланмайды, балки муайян ифлословчи модданинг кимёвий таркиби, тупроқдаги миқдори, ҚҚМ, заҳарли хусусияти ва бошқа хусусиятларига кўра алоҳида-алоҳида тарзда белгиланади. Бироқ умумий формула сифатида кимёвий ифлосланган тупроқлар учун қуидаги ифлосланиш даражалари ва коэффициентлар қабул қилинган (5-жадвал).

5-жадвал

Кимёвий ифлосланган тупроқларнинг ифлосланиш даражалари ва коэффициентлари

<i>Ифлосланиш даражаси</i>	<i>Ернинг ифлосланганлик даражаси</i>	<i>Ифлосланиш коэффициенти</i>
1	Ифлосланмаган	0
2	Кучсиз	0,3
3	Ўрта	0,6
4	Кучли	1,5
5	Жуда кучли	2,0

Тупроқларни кимёвий ифлосланишини муҳофаза қилиш бугунги кунда ер куррасида энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади, шу боис бу масалага жиддий ёндашишни талаб этилади. Чунки бу инсониятнинг барча турмуш фаолияти билан узвий боғлиқдир. Юқоридаги кўрсаткичлар асосида айrim элемент ва моддалар учун тегишли ифлосланиш даражалари келтирилади (6-жадвал).

6-жадвал

Айrim кимёвий модда ва элементларнинг ифлосланиш даражаси

<i>Элементлар ва моддалар</i>	<i>Ифлосланиш даражалари, миқдорига кўра (мг/кг),</i>				
	1 даражали, ифлосланмаган	2 даражали, кучсиз	3 даражали, ўрта	4 даражали, юқори	5 даражали, жуда юқори

Неорганик бирикмалар

Қадмий	<ҚҚМ	ҚҚМ дан 3 гача	3 – 5	5 - 20	> 20
Қўргошин	<ҚҚМ	“ҚҚМ” -125	"125 " 250	" 250 " 600	> 600
Симоб	<ҚҚМ	“ҚҚМ” - 3	" 3 " 5	" 5 " 10	> 10

Мишьяк	<ККМ	"ККМ" - 20	" 20 " 30	" 30 " 50	> 50
Рух	<ККМ	"ККМ" - 500	"500 "1500	"1500 "3000	>3000
Мис	<ККМ	"ККМ" - 200	"200 " 300	" 300 " 500	> 500
Кобальт	<ККМ	"ККМ" - 50	" 50 " 150	" 150 " 300	> 300
Никель	<ККМ	"ККМ" - 150	"150 " 300	" 300 " 500	> 500

Органик бирикмалар

Фенол	<ККМ	"ККМ" - 1	" 1 " 5	" 5 " 10	> 10
Циклогексан	<ККМ	"ККМ" - 6	" 6 " 30	" 30 " 60	> 60
Пиридин	<ККМ	"ККМ" 0,1	"0,1 " 2	" 2 " 20	> 20
Стирол	<ККМ	"ККМ" - 5	" 5 " 20	" 20 " 50	> 50
Нефт	<ККМ	1000 дан	2000 дан	3000 дан	>5000
Бензол	<ККМ	"ККМ" - 1	" 1 " 3	" 3 " 10	> 10
Толуол	<ККМ	"ККМ" - 10	" 10 " 50	" 50 " 100	> 100

Дунё олимлари (С.Л.Давыдова, В.И.Тагасов, 2002 й.) томонидан турли кимёвий моддаларнинг ҳавфлилик нуқтаи назаридан стресс – индекс кўрсаткичлари белгиланган, бунга кўра пестицидлар – 140, оғир металлар – 135, АЭС чиқиндилари - 120, қаттиқ шаклдаги заҳарли чиқиндилар – 120, металлургия материаллари – 90, тозаланмаган оқава сувлар – 85, олтингугурт (II) – оксиди – 72, нефт – 72, кимёвий ўғитлар – 63, органик майший чиқиндилар – 48, азот оксидлари – 42, сақланаётган радиоактив чиқиндилар – 40, шаҳар чиқиндилари – 40, учувчан углеводородлар – 18, углерод оксиди – 12 индекс кўрсаткичлари билан белгиланган.

Бир сўз билан айтганда тупроқ қопламини кимёвий моддалар билан ифлосланишини олдини олиш муҳимроқ. Акс ҳолда тупроқ ва бошқа табиий компонентлар билан боғлиқ муаммолар вужудга келаверади. Ифлосланишнинг ҳар қандай тури ва даражаси тупроқ хоссаларига салбий таъсир кўрсатади, шу нуқтаи назардан муаммонинг келиб чиқиш механизмлари ва муҳофаза қилишининг илмий асосларини яратиш муҳим ҳисобланади.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқ қопламини кимёвий ифлосланиш даражаларини кўрсатинг?
2. Ифлосланиш даражасини аниқлашда нималарга эътибор берилади?

3. Республиkaning қайси вилоятларида тупроқларни кимёвий ифлосланиши юқори?
4. Кимёвий ифлосланиш категорияларини айтинг?
5. Тупроқларнинг энг ҳавфли ифлосланиш турлари?

4-Мавзу:Тупроқда радионуклеотидлар ва радиактив ифлосланиш. Асосий саволлар

1. Тупроқдаги радионуклеотидлар
2. Тупроқдаги радионуклеотидлариши билан ифлослан

Биосферанинг радиоактив элемент ва моддалар билан ифлосланиши XX асрнинг иккинчи ярмида глобал муаммога айланди ва барча ифлосланишлар орасида энг ҳавфли ифлосланиш шакли ҳисобланади. Узоқ йиллар давомида радиусли λ ва β нурланиш тирик организмларнинг генида салбий ўзгаришлар ҳосил қилиб, бир неча авлодга заҳарли салбий таъсирини қўрсатади.

Радиоактивлик хақидаги таълимотга асос солган олим, икки карра Нобель мукофоти совриндори, физик ва кимёгар аёл Мария Кюри ҳисобланади.

Тупроқларнинг радиоактив элементлар билан ифлосланиши 1950 йилларда кузатилган. Бу вақтга келиб ядро қуролини синаш авж олиб, тупроқлар ифлосланган. Ҳозир эса ядро қуролидан тинчлик мақсадида фойдаланиш йўллари қўпайди ва ифлосланишнинг ҳавфи ошди, буларга АЭС лар, атом музёар кемалари, уран шахталари, рудниклар, заводлар ва бошқалар киради. Айниқса сланец билан ишлайдиган иссиқлик электр станциялари, кўмир, нефть ёқилиши ва бошқалар ҳам атроф – муҳитни радиоактив элементлар билан ифлослади.

Радиоактив ифлосланган тупроқларда pH, гумус миқдори, озиқа элементлари ва бошқа хусусиятлари ўзгармайди. Фақат шу заррачанинг, яъни радиоактив элементнинг ҚҚМ қўрсаткичи ўзгаради.

Тупроқнинг ифлосланишида унда узоқ яшайдиган изотопларга Sr^{90} , I^{129} , Cs^{137} , Ce^{144} , Ra^{226} , Th^{292} , U^{238} , Pu^{239} лар киради. Буларнинг тупроқдаги ҳаракатчанлиги қуйидагича: $Sr^{90} > Ru^{106} > Cs^{137} > Ce^{144} > I^{129} > Pu^{239}$ фаоллик кетма кетлигига жойлашади.

Тупроқнинг ўз-ўзини тозалаш қобилияти элементнинг ҳаракатланиш жадаллигига ва емирилиш тезлигига боғлиқ бўлади. Антропоген радионуклидлар тупроқнинг устки қатламига ёки юзасига тушади. Шу сабабли оғир механик таркибли тупроқларда, ёғин кам тушадиган минтақаларда тахминан 10 см қалинлик атрофида сақланиб, жуда ҳавфли ҳолатни юзага келтиради. Фақат енгил механик таркибли тупроқлардагина 10-15 йил давомида 40- 50 см чуқурга тушиши мумкин. Гумусли тупроқларнинг ўз-ўзини тозалashi нисбатан қийин, чунки, радионуклидлар бундай тупроқларга яхши ютилади, натижада кучсиз ҳаракатланади.

Шўр тупроқларга радионуклидлар кам ютилади ва кам сақланади, тоғли тупроқларда бунинг акси. Тупроқнинг радиоактив элементлар билан ифлосланиши қуйидаги ҳолларда фаоллашади, кўмирни ёқишида (Ra , U , Th), ядро куролларининг портлашида (Sr^{90} , Sr^{89} , Cs^{137} , U^{231} , Ru^{106} , Ce^{144}), ядро реакторларидан фойдаланишида (Ca^{45} , Fe^{55} , C^{14}), элементлари билан, АЭС лар таъсирида эса трансуранилар билан ифлосланди.

Бу элементларнинг ҳаммаси радиоактивлик хоссаларига эга, шу боис ифлосланган тупроқлар ва озиқа занжирини тўла ўрганилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Радиоактив элементлар заҳарли ҳусусиятига кўра 5 гурухга бўлинади:

A – гурух жуда юқори радиоактив заҳарли изотоплар: ^{210}Pb , ^{210}Po , ^{226}Ra , ^{228}Th , ^{230}Th , ^{232}Th , ^{232}U , ^{237}Np , ^{238}Pu , ^{239}Pu , ^{241}Am , ^{242}Cm ;

B – гурух юқори радиоактив заҳарли изотоплар: ^{90}Sr , ^{106}Ru , ^{124}Sb , ^{126}I , ^{129}I , ^{131}I , ^{144}Ce , ^{170}Tm , ^{210}Bi , ^{223}Ra , ^{224}Ra , ^{227}Th , ^{234}Th , ^{230}U , ^{233}U , ^{234}U , ^{235}U , ^{241}Ru ;

B – гурух ўртача заҳарли радиоактив элементлар изотоплари: ^{22}Na , ^{24}Na , ^{32}P , ^{35}S , ^{36}Cl , ^{54}Mn , ^{56}Mn , ^{59}Fe , ^{60}Co , ^{82}Br , ^{89}Sr , ^{91}Y , ^{90}Y , ^{95}Nb , ^{95}Zr , ^{105}Ru , ^{125}Sb , ^{132}I , ^{133}I , ^{134}I , ^{134}Cs , ^{137}Cs , ^{141}Ce , ^{171}Tm , ^{203}Pb , ^{206}Bi , ^{231}Th , ^{239}Np ;

Г-гурух кучсиз заҳарли радиоактив элементлар изотоплари: ^{14}C , ^{38}Cl , ^{55}Fe , ^{64}Cu , ^{69}Zn , ^{71}Ge , $^{91\text{m}}\text{Y}$, ^{97}Zr , $^{96\text{m}}\text{Tc}$, $^{99\text{m}}\text{Tc}$, ^{131}Cs , $^{134\text{m}}\text{Cs}$, ^{136}Cs ;

Д – гурух жуда кучсиз радиоактив элементлар изотоплари: ^3H .

Заҳарли ҳусусиятига кўра гурухларга бўлинган ушбу изотоплар биосферада яшовчи тирик мавжудотларга ички ва ташки нурланиш жараёнлари орқали таъсири этади. Агарда ифлосланиш даражаси юқори бўлса, яқин радиус худудда деярли тирик жонзот қолмайди, яъни юқори нурланишлар натижасида нобуд бўлади.

Куйида айрим радиоактив ҳусусиятли элементларга тавсиф берилади:

Йод – табиий ҳолатда ^{127}I изотопи шаклида учрайди бундан ташқари унинг 115-126, 128-141 изотоплари ҳам бор. Кўп ҳолларда ^{129}I , ^{131}I , ^{132}I , ^{133}I изотоплари учрайди. Йод асосан биология ва медицина соҳаларида кенг фойдаланилади, даволаш ва диагностика учун ^{131}I ва ^{125}I кабиларни ишлатиш мақсадга мувофиқ. Йод юқори ҳаракатчанлик ҳусусиятига эга бўлиб, ички ва ташки нурланишлар орқали инсон нурланади. Асосан у ўсимлик – инсон, ўсимлик-ҳайвонлар-сут-инсон, ўсимлик, ҳайвон-гўшт-инсон, ўсимлик, парранда-тухум-инсон, инсон-гиробионт-инсон занжири орқали инсон танасига ўтади. Йоднинг радиоактив шакллари инсонга тушганда қонга тез сўрилади ва буйрак, юрак ва қон айланиш тизимиға тегишли касалликларни келтириб чиқаради.

Цезий – табиий ҳолатда цезийнинг ягона изотопи ^{133}Cs мавжуд бўлиб, унинг 23 та радиоактив 123-132, 134-144 изотоплари учрайди. Асосан у кимёв ва радибиология соҳаларида қўлланилади.


Инсонга заҳарли таъсири кучли ҳисобланади, мисол учун ^{137}Cs радиоактив тури билан ифлосланганда 14.8×10^7 Бк дозада нурланади ва 3 суткада ич кетиши, бош оғриши, ҳолсизланиши қузатилиб, юрак уруши секинлашади. 17 суткада эса териларнинг кўчиши, рефлексларни сустилашиши, лейкоситларнинг камайиши қузатилади.

Стронций - табиий ҳолатда стронцийнинг бир қатор изотоплари: ^{84}Sr (0,56%), ^{86}Sr (9,86%), ^{87}Sr (7,02%), ^{88}Sr (82,56%) ва 77-83, 85, 89-99 изотоплари ҳам учрайди. Асосан атом жараёнларида қўлланилади, унча кенг бўлмаган жараёнлар медицинада кўз ва тери касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Инсон зааррланганда сужа ва скелет тузилишига таъсир қилиб, мўртлашади ва синувчан бўлиб қолади.

Биосфера ва унинг асосий бўлаги ҳисобланган тупроқ қопламини радиоактив моддалар ва элементлар билан ифлосланиш манбалари қуидагилар ҳисобланади (13-расм):

- радиоактив маданларни олиш ва қайта ишлаш жараёнлари;
- атом ядро станциялари ва у билан боғлиқ жараёнлардаги ҳалокатлар;
- қишлоқ хўжалигига кимёвий моддалардан (минерал ўғитлар) фойдаланиш.

13-расм Биосферанинг радиоактив ифлосланиш омил-манбалари



Расмдаги маълумот асосида айтиш мумкинки, биосфера ва унинг асосий қисми бўлган тупроқ қопламини радиоактив ифлосланиши табиий ва антропоген омиллар таъсирида келиб чиқади, йиллар давомида

ифлосланишнинг ортиши ҳамда атроф-муҳит хусусан тупроқ биологик оламиининг жиддий ҳавф остида қолиши давом этаверади.

Ҳозирги кунда янги-янги аниқ ифлосланган майдонлар Чернобиль, Семепалатинск ва Невада каби ҳудудлар ифлосланган майдонлар ҳисобланади. Ҳалқаро стандартлаш ташкилоти (ХСТ) тамонидан 2007 йил 19 февралда радиоактив нурланиш ҳавфлилигини акс эттирувчи ҳалқаро белги қабул қилинди (14 расм).

14-расм

Радиоактив нурланиш ҳавфлилигини акс эттирувчи ҳалқаро белги



Радиоактив ифлосланиш ер юзи аҳолиси соғлиги, ҳаёти ҳамда барча тирик мавжудотлар тақдири учун жуда катта ҳавф борлигини англаған ҳолда бутун жаҳон ҳамжамияти радиоактив ифлосланишни олдини олиш ва ифлосланган ҳудудларда тозалаш тадбирларига йўналтирилган хуқуқий, илмий ва амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Республикамида радиоактив моддалар билан ифлосланиш деярли учрамайди, бироқ айрим ҳудудларда локал нуқталарда радиоактив элементларни ҚҚМ дан ортганлиги аниқланган. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси хузуридаги Гидрометрология Маркази назорат қиласи. ЎзГидрометнинг турли вилоятларда “Экологик шаҳобчалар” мавжуд бўлиб, уларда доимий равишда ифлосланиш жараёнлар кузатилиб борилади.

Мухокама учун саволлар:

1. Қандай моддалар радиоаткив моддалар ҳисобланади?
2. Радиоактив моддаларнинг тупроқ қопламига келиб тушиш манбалари?
3. Радиоактивлик ҳақидаги таълимот асосчиси ким?
4. Радиоактив жараёнлар тупроқда қандай ўзгаришларни келтириб чиқаради?

5-Мавзу: Тупроқнинг нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши.

Асосий саволлар

1. Тупроқнинг нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши.
2. Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларни тозалаш усуллари.

Тупроқнинг кимёвий ифлосланишлари орасида нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши кенг масштабда учрайди. Чунки нефт ҳом ашёсидан ҳалқ хўжалигида кенг фойдаланиб, бугунги кунда 1000 хилдан ортиқ маҳсулотлар олинмоқда.

Ифлосланишнинг пайдо бўлишида асосан нефт конларининг очилиши, нефт ҳом ашёсини олиниши, ташиш жараёни, сақлаш омборлари, кутилмаган авария ҳолатлари ва нефт маҳсулотларини нозамонавий технологиялар воситасида қайта ишлаш, транспортлар томонидан чала ёқилиши ва бошқалар ўрин тутади.

Айниқса нефтга бой бўлган Араб мамлакатлари, Россия, Қувайт, Озарбайжон ва Украина худудларида нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланиш ҳолатлари кўпроқ кузатилади. Биргина Россиянинг ўзида йилига 50-70 минг тонна нефт ва нефт маҳсулотлари катта-катта худудларни ифлослайди, жумладан 1996 йилда 50 минг гектар ер кучли даражада ифлосланган. Украинадаги катта ҳалокат атроф-мухит экосистемасининг ифлосланишига сабаб бўлган.

Тупроқ қопламини нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланишининг асосий омиллари ўрнида Ю.А.Мажайский, И.Ю.Давыдова, В.Ф.Евтюхин, К.Н.Евсенкин (1999), В.И.Соловьев, В.А.Пушкина, Г.А.Кожанова, Т.В.Гудзенко (2001), В.М.Кондрашенко, В.П.Холоденко (2001), Л.А.Деминалар (2000) табиат компонентлари айниқса, тупроқ қопламининг нефт билан ифлосланишида қуйидаги асосий омилларни кўрсатишади:

-нефт саноати тармоқларидағи чиқинди сувларининг тупроқ қопламига ва сугориш суви манбаларига тушиши;

-нефт ва бошқа ёқилғи турларининг ташиш кемалари, транспортлари ва узатувчи қувурларидағи ҳалокат ҳолатлари;

-нефт конларининг ёниб кетиши;

-нефт сақлаш омборларидағи ноқулай ҳолатлар натижасида тупроқ қоплами ва экосистеманинг асосий қисмлари ифлосланади. Бундан ташқари нефт ва нефт маҳсулотларидан нотўғри фойдаланиш мобайнида ва ифлосланган худудларда рекультивация ишларини етарли даражада йўлга қўйилмаслиги оқибатида ҳам бир қатор муаммолар келиб чиқади.

Ҳар бир нефтнинг ўзига хос кимёвий таркиби бўлиб, ифлосланиш ҳарактери ҳам шунга монанд ҳолда турлича бўлади. Нефт асосан оч кулрангдан тўқ қўнғир ранг оралиғида баъзан яшил рангда ҳам учрайди. Ўртача молекуляр массаси 220-230 г/мол (баъзан 450-470 г/мол), зичлиги 0,65-1,05 (одатда 0,82-0,95 г/см), қайнаш ҳарорати 28-100°C оралиғида (парафинлар микдорига боғлиқ ҳолда), ёпишқоқлиги 1,98-265,90 мм²/с (оғир фракцияли таркиб кўп бўлса ёпишқоқлик юқори бўлади).

Углеводородлар таркиби ҳам турлича бўлиб, парафинлар 30-35 %, наftenли углеводородлар 25-75%, ароматик таркибли-10-20 % оралиғида

углеводородлар учрайди, элемент таркиби эса (%): С-82-87, Н-11-14, S-0,01-6, N-0,001-1,8, О-0,005-0,35, бундан ташқари 50 га яқин элемент учрайди.

Нефт ёки нефт маҳсулотлари таркибиде Ni, Pb каби оғир металларни бўлиши тупроқ қоплами учун яна бир заҳарли ҳавф ҳисобланади.

Ҳар бир худуд, хаттоки бир минтақадаги иккита нефт конидан чиқаётган нефт кимёвий таркиби жиҳатидан фарқ қиласи ва вақт ўтиши билан нефтнинг кимёвий таркиби ўзгаради. Тупроқ таркибига тушганда енгил фракцияли таркиби учиши, тупроқ қатламларига ютилиши ҳамда табиий тарзда микроорганизмлар томонидан парчаланиши ҳисобига ўзгаришга учрайди ва тупроқ қатламларида смола ёки асфальт кўринишида қолади.

Юқорида таъкидланганидек нефт маҳсулотларига нисбатан тупроқ қопламини ифлосланиши қўпроқ учрайди (бензин, мазут, мотор мойи ва бошқа ёнилғиларни транспортлар томонидан чала ёниши натижасида асосан атмосфера ҳавоси ифлосланади) ва ифлосланган тупроқларни тозалаш ва унумдорлигини қайта тикланиши узоқ йиллар талаб этади.

Тупроқ қопламини нефт билан ифлосланиши турли омилларга кўра турлича бўлади ва тупроқ таркибига тушган нефт миқдорига кўра қуйидаги даражаларга бўлинади:

- ифлосланмаган тупроқлар 1,0 г/кг;
- кучсиз даражада ифлосланган тупроқлар 1,0-5,0 г/кг;
- ўртача даражада ифлосланган тупроқлар 5-12 г/кг;
- кучли даражада ифлосланган тупроқлар 12-25 г/кг;
- жуда кучли даражада ифлосланган тупроқлар 25 г/кг дан ортиқ;

Тупроқда нефтнинг КҚМ кўрсаткичи 1г/кг га тенг бўлиб, бу кўрсаткичдан ортиқ миқдори салбий оқибатларга олиб келади. Жуда кучли ифлосланган тупроқлар асосан нефт кони, нефт саноати, ёнилғи қўйиш шахобчалари атрофидаги тупроқларда кўп учрайди.

Нефт ёки нефт маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларни хосса - хусусиятларини ўзгаришида унинг ифлосланиш вақти муҳим ўрин тутади. Ифлосланиш вақтига кўра қуйидагича белгиланади:

- янгитдан ифлосланган тупроқлар - 4 йилгacha;
- ўртача ифлосланиш вақти 4-10 йилгacha;
- эскитдан ифлосланган тупроқ қоплами 10 йилдан ортиқ.

Ифлосланиш вақти тупроқ хоссаларини ўрганишда унинг рекультивация тадбирларини олиб боришда муҳим рол ўйнайди, яъни олиб борилган тадқиқотларнинг тури, тегишли методикалар ва технологияларни белгилаш мезонларидан бири ҳисобланади.

19-расм

Нефт билан ифлосланган ўтлоқи-аллювиал тупроқ ва ундан ажратиб олинган нефт миқдорининг кўриниши
(Т.Абдрахмонов, З.Жабборов 2006)

**Жуда күчли даражада
ифлосланган тупрок намунаси**



**Күчли даражада ифлосланган тупрок
намунаси**

Изок: Лаборатория шароитида тупрок таркибидаги нефт микдори ажратилгана ва ифлосланған даражалари аникланган

Республикамизда ҳозирги кунгача қўплаб нефт конлари очилган. Натижада суғориладиган тупроқлар кучли даражада ифлосланмоқда, тупроқнинг кимёвий, физикавий, биологик, микробиологик хоссалари ўзгарди ва сув, озиқа ҳамда ҳаво режимлари бузилиб, барча тупроқ фазаларига салбий таъсир қилмоқда. Хусусан, Наманган вилояти Мингбулоқ туманида 1992 йил 2 марта тўсатдан очилган Мингбулоқ нефт кони атрофида турли даражада тупроқлар ифлосланган (19-расм). Расмдан кўриниб турибдики, тупроқ ўртacha, кучли ва жуда кучли даражада нефт билан ифлосланганда ўзининг морфологик белгиларини йўқотади.

20-расм

**Нефт билан ифлосланган тупроқ қоплами ва атроф- муҳит ҳолатини
кўриниши**



Ўзбекистон Республикаси табиий бойликлар, жумладан нефт конларига жуда бой ҳисобланади ва ўзининг эхтиёжини тўлиқ таъминлайди. Республикаизда нефт конлари қуидаги 5 та: Устрют, Бухоро – Хива, Шимолий – Ғарбий Гиссар, Сурхондарё ва Фарғона нефтгазрегион бўйича тарқалган бўлиб, асосий қисми сугориладиган тупроқлар ҳудуди ва туташ ҳудудларда жойлашган.

Нефт билан ифлосланган ҳудудда ўсуви ёввойи ўсимликлар ҳамда қишлоқ-хўжалик экинларининг вегетация жараёни кечиши учун ноқулай шароит пайдо бўлади ва уларнинг нобуд бўлиши кузатилади (20-расм).

Орадан 14 йил ўтишига қарамай тупроқ қоплами ўзининг ҳолатини тиклай олгани йўқ. Нефт ёки нефт маҳсулотлари тупроққа тушганда генетик қатламда радиусли кимёвий парда пайдо бўлиб, ушбу пардадан сув ёки ҳавонинг ўтиши камаяди ва тупроқ микроорганизмлари аксарияти нобуд бўлади, натижада ўсимликлар озиқланиши учун ноқулай шароит вужудга келади, провардда эса биологик дунёning ўзгариши кузатилади. Бундан ташқари заҳарли кимёвий моддалардан зарар кўрган ва нобуд бўлган микроорганизмлар иштироқида борадиган биокимёвий, биологик жараёнлар издан чиқади ва тупроқнинг бир қатор хоссалари ёмонлашади.

Нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланишнинг йил сайин кенгаяётгани, тупроқ унумдорлигига заҳарли таъсирини кучлилигини ҳисобга олиб, ифлосланишни олдини олиш ва ифлосланган тупроқларни тозалаш ҳамда унумдорлигини қайта тиклаш масалаларига қатъий эътибор бериш лозим.

Мухокама учун саволлар:

1. Нефтнинг кимёвий хусусиятлари ва таркиби қандай?
2. Нефт ва нефт маҳсулотларининг тупроқ қопламига тушиш йўллари?
3. Хорижий тадқиқотчиларнинг бу борада олиб борган ишларига мисоллар келтиринг?
4. Тупроқларни нефт билан ифлосланиш даражаларини айтинг?

6-Мавзу: Тупроқ мониторинги. Тупроқни кузатиш усуллари Асосий саволлар

1. Тупроқ мониторингининг аҳамияти
2. Тупроқни кузатиш усуллари

Тупроқнинг экологик мониторингини ташкил қилиш ва олиб борища ўзлаштирилган ерлардан фойдаланишининг хусусиялари аниқланади ва назорат қилинади. Ишлаб чиқариш жараёнида ернинг табий потенциали, текис фойдаланиш, эрозия ва жарликлар хосил бўлиши, ер устининг ювилиши даражаси, силжиши, ёмғир ва сел кетиш натижасида пойқа бўлиш, ботқоқ юзага келиши, тупроқ шўрланиши ва чўманиш холатлар аниқланади.

Тупроқ холатини бошқариш чора – тадбирларида дехқончилик худудлари ерларидан омилкорлик билан фойдаланиш, унинг табий потенциалини сацяшида тупроқ мепиоратив, агротехник, агрокимёвий услубларни ишга солиш ва эрозияга қарши курашишдан иборат.

Тупроқнинг экологик мониторинги қўйидаги вазифалардан иборат:

- Сув ва шамол эрозияси ривожланишидан тупроқ ўқолишини аниқлаш;
- Тупроқнинг нордон ва ишкор холатларининг ўзгаришини назорат қилиш, ерга берилаётган минерал ўғитлар миқдори ортиши ва саноат чиқиндилирини ишлитиш оқибатларини аниқлаш;
- Тупроқнинг сув – туз режими ва сув – туз балансининг ўзгаришларини кузатиш;
- Қишлоқ хўжалик эсинларини тупроқдаги озиқа балансининг бузилишини аниқлаш, тупроқда гумус ва азот – фосфорнинг ўсимликка тез ўтадиган формасининг ўқолиши сабабларини топиш;
- Тупроқнинг оғир металлар билан ифлосланишини назорат қилиш; атмосфера ёғинлари билан тушадиган ва атрофдаги саноат корхоналари хамда автомагистраллар таъсирини аниқлаш назорат қилиш;
- Ахоли зич жойлашган худудлар тупроқини турли дитергентлар ва хўжалик чиқиндилари билан меросланишини назорат қилиш;
- Тупроқ тузилиши ва унга ўсимликларнинг озуқа моддалари муқдори, ер ости сувларининг жойланишива ва таркибини фасллар бўйича узоқ вақт назорат қилиш.

-Гидромеоиорация системалар қурилишидан кейин тупроқ таркибининг ўзгаришини экспертли баҳолаш; дехқончиликда технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида экин майдонларига яқин қурилаётган саноат корхоналари ва объектлар тасирини назорат қилиш;

Табиий шароитнинг кўп хиллиги ва тупроқ холатига антропоген омилларнинг мураккаб тасири асосида тупроқда бўлиб утадиган ўзгаришларни аниқлаш, назорат қилиш ва чора – тадбирлар кўриш учун умумлаштирилган тупроқнинг экологик мониторинг даетури қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Тупроқ экологик мониторингининг биринчи босқичида: тупроқ ва тупроқ катламанинг холатини баҳолаш, уларга антропоген омилларининг тасир қилиш кучи, йўналиши аниқланади, назорат қилинади ва чоралар кўрилади.

2. Стоционар босқичи – тупроқ параметрлари, сув, хаво, харорат режими, озуқа захираси, тупроқ организмлари, тупроқнинг физикавий, кимёвий холатига тасири, тупроқнинг биологик хусусияти яхшиланишига олиб келиши кузатилади.

3. Бу босқичда – маршурут йўли билан тупроқ ва унинг қатлами холати назоратга олинади, бунга ернинг меморатия системаси, агросистемалар; улvrнинг таркиби, хосилдорлик даражаси аниқланади “маршурут йўлида мухитда агроэкосистема ерларида ноқулай холатлар (сув, босим, зовурларни ўтбосиши, тупроқ шўрланиши, эрозия ва бошқалар) аниқланса, шу ерлар учун далолатнома харита тузилади, харитага олинади, назорат кучайтирилади, мухитни яхшилаш чоралари кўрилади.

4. Худудни текшириш – худуд тўла текширилади, табиий ва сунъий холатлар инвентразизация қилинади, картографик характеристика берилади, ердан тўғри фойдаланиш учун таклифлар берилади. Бу босқичда ерни хариталаштириш услуги катта рол ўйнайди.

Тупроқнинг экологик мониторингни ташкил қилиш ва иш олиб борища кузатиш системалари параметрлари қўйидаги 2 та гурухга бўлинади.

1. Тупроқ ва тупроқ қатламининг холатида содир бўлган ноқулай воқейликнинг белгилари умумлаштирилади, яъни тупроқ биотасининг холати ёмонлашиши, ферментлар активлиги, нафас олиш, тупроқда азотнинг тўпланиши, мухитда оксидланиш, тикланиш хамда нордонлик – ишкоралик жараёнларини, ткпроқ зичлиги ва тупроқ эритмасимириализацияси, ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришларига назорат қилинади.

2. Тупроқнинг турғун ўзгаришлари, гумус микдори ва таркиби тупроқ қопламининг тузилиши ўсимликлар озуқа моддаларининг трансформацияси, тупроқдаги оғир металлар, углеводлар ва табиий ва сунъий биоценозлар маҳсулдорлигининг ўзгариб туришига оид холатлар кузатилади

3. Тупроқ хусусиятларида юзага келадиган чуқур ва баркодор ўзгаришлар кўрсаткичлари: тупроқнинг заррачалиги кимёвий таркиби, тупроқ қалинлиги каби кўрсаткичлар назорат қилинади.

Агроэкологик мониторингнинг асосий компонентларидан бири – бу ўсимликлар бўлиб, улар вегетация охиридаги хосил микдори, сифати, биомассанинг хосил бўлиши, барглар юзаси, агроценоз тузилиши, қўёш энергиясидан фойдаланиш даражаси, ўсимликлар маҳсулоти тўпланиши ва тақсимланиши каби холатлар инобатга олинади. Агроценозларда бундай кузатишларни олиб бориш орқали агротехник ва агрохимик тадбирларни ўтказиш вақтлари аниқланади ва хосилнинг йетишиш жараёнлари назорат қилинади.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишида тупроқка ишлов бериш, дехқончилик экинларини экиш, тупроқдан биоген элементларнинг чиқиб кетиши, экин майдонларига кимёвий моддаларининг ишлатилиши, заарли элементлар, оғир металлар қолдигининг тупроқда қолиши муҳит ифлосланишига олиб келади.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқнинг экологик мониторинги нима.
2. Тупроқ экологик мониторингиниг вазифалари
3. Тупроқнинг экологик мониторингининг босқичлари
4. Тупроқнинг экологик мониторингининг кузатиш гурухлари

7-Мавзу: Тупроқ зоологияси фанининг обекти, предмети, вазифаси Асосий саволлар

1. Тупроқ биологияси фанининг мақсади.
2. Тупроқ биологияси фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Планетамиздаги ҳаёт асосан 2 та катта жараён яни фатосинтез протессида ҳосил бўлган органик модда ва унинг этапи чириши, парчаланиши туфайли ушлаб турилади. Фотасинтез жараёнини юксак ўсимликлар амалга ошиrsa, органик моддаларнинг парчаланишини микроорганизмлар таъминлайди. Тупроқ биологияси фани тупроқдаяшайдиган барча тирик организмларин ва улар моддаларнинг кичик биологик айланишда тутган ўрнини ўрганади.

Тупроқ биологияси, тупроқшунослик фанининг бир бўлими хисобланаб, тупроқ хақидаги умумий билмларни тўлдиради. Иккинчи тамондан бу фан биогетсенология фани бўлими бўли, планетада кечадиган мураккаб табиий системаларни ўрганади.

Тупроқ биологияси, биология ва тупроқшунослик фанлари таркибида вужудга келган янги фан ҳисобланади. Бу фан микробиология, биокимё, алгология, микология, тупроқ зоологияси ва протистология фанларининг предметларини ўрганиш билан бир қаторда, генетик тупроқшунослик фани шуғулланади: тупроқнинг келиб чиқиши, тупроқ профилининг ҳосил бўлиши. Тупроқ физикаси ва кимё ўрганадиган, сувѓв чидамли агрегатларнинг ҳосилбўлишида микроорганизмларнинг роли, элементларнинг табиатда

айланиши ва тупроқ профилида аккумуляцияланиш, агрокимё ва дәхқончилик фанлаври билан боғлиқ ҳолда тупроқ унумдорлиги ва ўсимликларнинг озиқланиши каби

муаммоларни ҳам ўрганади. Тупроқ биологияси тупроқда кечадиган биокимёвий жараёнлар механизмини таърифламайди, балки ушбу жараёнларни келтириб чиқарувчи ва уларнинг босқичларини ўзига хос маҳсус услублар орқали ўрганади ва алоҳида фан бўлиб шакланади.

XIX асрнинг охирида Тупроқшунослик ва микробиология фанига асос солинган бир даврда, тупроқ биологияси фани ҳам вужудга келди. 1983 йилда рус олими В.В.Докучаев тупрокка табиий тана деб қараб унинг пайдо бўлиш назариясини яратиб, тупроқнинг пайдо бўлиши учун зарур омиллар: тупроқ пайдо қилувчи она жинси, иқлим, рельеф, вақт ҳамда ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳаёт фаолиятларини кўрсатган. В.В.Докучаев тупроқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида, тупроқ микроорганизмларнинг иштирокини биринчи бўлиб изоҳлайди.

В.И. Вернадский биосфера ҳақидаги биогеохимия фанига асос солган. Тирик организмларнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб, уларни ер юзидағи геологик жараёндаги энг катта куч деб изоҳлайди. Тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти туфайли ерда азотли кислородли атмосфера вужудга келган, гидросфера ва литосферанинг таркиби ўзгарган.

А.Левенгук ўзи ясаган 250-300 марта катталаштириб кўрсатадиган микроскоп ёрдамида бактерияларни, содаларни, сувотларининг хужайравий тузилишини, ўсимликларнинг тўқима тузилишини ва қизил қон таначаларини кашф қилиб, микробиологик ва гистология фанларига асос солди.

Л.Пастер 1857 йилда сув кислотали, сирка кислотали, спиртли бижгиш жараёнини ўрганди ва мой кислотали бижгишни кашф қилиб, ушбу жараёнларнинг барчасини ҳар хил турга мансуб микроорганизмлар келтириб чиқаришни исботлади ва яна эрибиоз-кислород бўлмаган муҳитда яшовчи бактериялар анаеробларни кашф қилди. Тупроқ ичидаги органик моддалар, клечатка, пектин ва ҳар хил қолдиқлар анаероб шароитида парчаланиши яъни чиришига асос солинди.

С.Н. Виноградский ва унинг сафдошлари олдида, ўсимликлар тупроқдаги нитратни ўзлаштириб озиқланади, лекин нитрат тупроқда қандай пайдо бўлади деган муаммо тураг эди. С.Н. Виноградский электив озиқали муҳит услубида, микроорганизмлар иштирокитда, амиак аероб оксидланиб, нитратга айланишини кашф қилди. Ушбу қашфиёт асосида хемосинтез жараёни яратилди, яъни тирик организмларнинг CO₂ ўзлаштириб олиши анерганик бирикмаларнинг оксиданишида ҳосил бўлган энергия ҳисобидан бўлиши исботланди.

С.Н. Виноградский томонидан, азотнинг анаероб фиксатсияланиши, тселтолозанинг аероб парчаланиши, тупроққа тушган органик моддаларнинг,

мураккаб органик бирикмага гумусна айланишида микроорганизмларнинг роли каби илмий тадқиқот ишларини олиб борди ва аҳамияти очиб берилди.

Мұхокама учун саволлар:

1. Тупроқ биологияси фанининг мақсадларини изохланг.
2. Тупроқ биологияси фанининг вазифасини тушунтириб беринг.
3. Планетадаги ҳаёт қандай жараёнлар асосида ушлаб турилади.
4. Тупроқ биологиясининг генетик тупроқшунослик фанлари билан алоқасини тушунтириб беринг.

8-МАВЗУ: Тупроқ хайвонларининг асосий таксономик гурӯҳлари.

Асосий саволлар:

1. Тирик организмларнинг бўлиниши.
2. Тупроқ биотаси ҳақида тушунча.

Юксак ўсимликлар яъни продутсентлар томонидан яратилган органик моддалар кичик биологик айланишига тушиб, фитофаглар ҳайвонлар яъни консументлар томонидан ўзлаштирилади, озиқланиш занжири кенгайиб ўсимлик ва ҳайвон қолдиклари тупроқдаги микроорганизмлар парчаловчи редутсентлар томонидан ўзгаришларга учрайди. Тупроқдаги асосий редутсентлар замбуруғ ва бактериялар ҳисобланади. Тупроқда кўплаб ҳайвонлар, сувўтлар, замбуруғлар ва бактериялар яшайдилар. Тупроқ биотаси тупроқда ҳаёт кечирадиган ёки у билан бирон даражада боғланган тирик организмлардан иборат. Биота таркибида ўсимликларнинг ер ости қисмлари, бактериялар, замбуруғлар, сувўтлари ва ҳайвонларнинг турли систематик группалари киради. Тупроқ биотаси таркибига киравчи ҳайвонлар жуда хилма хил бўлиб улар катта-кичиклиги, тупроқ билан боғланиш даражаси, озиқланиш усули ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласи. Тупроқда яшайдиган барча ҳайвонлар тупроқ фаунасини ташкил этади. Уларни катта-кичиклиги билан бир-биридан фарқ қилучи 5 та гурӯҳга ажратиш мумкин. Биринчи гурӯҳ- нонофауна жуда майда, узунлиги 5 микрон (мкм) гача бўлган микроскопик ҳайвонлардан иборат. Бу группага бир ҳужайрали ҳайвонлар соҳта оёқлилар, хивчинлилар, инфузорияларнинг ҳамма турлари хамда каналар имиллаб юрувчилар, немотодлар, бош айлангичлар ва оёқдумлиларнинг бир қанча вакиллари киради. 1 м-кв тупроқдаги нафауна бир неча ўн мингдан бир неча миллиардгача бўлиши мумкин. Иккинчи гурӯҳ-микрофауна 150 мкмдан 1,3 мм гача бўлган ҳайвонлар (немотодлар, оғизайлангичлар, каналар, имиллаб юрувчилар, оёқдумлилар, симфиллар) киради. Уларнинг 1мкв даги миқдори бир неча мингдан, бир неча юз мингача етиши мумкин. Учинчи гурӯҳ- мезафауна таркибига узунлиги 1,3 мм дан 10 мм гача бўлган ҳайвонлар киради. Мезафауна ўргимчаклар, кўпоёқлилар хашаротлар, энхитреидлар ва захкашларнинг асосий қўпчилик қисми ҳамда молюскалар, каналар, оёқдумлиларнинг бир қанча

турлари киради. Улар 1 мкв тупроқда ўнлаб, хатто юзлаб учратиш мүмкин. Тўртинги гурух- макрофауна узунлиги 1 см дан 8 см гача бўлган хайвонлар, кўпчилик молюскалар ҳамда кўпоёқлилар, хашоратлар, захкашлар ва энхитреидларнинг бир қанча турларидан ташкил топган.

Бешинчи гурух – мегафауна узунлиги 8 см дан катта бўлган ҳайвонлар ҳамда хашаротхўрлар ва ёмғир чувалчангларнинг бир қанча турларидан ташкил топган.

<i>Нанофауна</i>	<i>Микрофауна</i>	<i>Мезафауна</i>	<i>Макрофауна</i>
			a

Фитофаглар – тирик ўсимликларнинг илдиз тўқималари билан озиқланиб қишлоқ хўжалик экинларига жуда катта зарар етказадилар. Масалан май қўнғизининг личинкаси ёш лновдаларнинг илдизларини кемиради. Немотодалар ўсимликлар илдизларининг хужайралари ичига кириб олиб озиқланиб зарар етказади. Зоофаглар- булар ертқич ёки паразит ҳолда бошқа тупроқ хайвонлари билан озиқланади. Буларга хашаротхорлар соддалар билан озиқланувчи немотодлар, оғизайлангичлар, немотодлар билан озиқланувчи йиртқич каналар, оёқдумлилар, энхитреидлар киради. Некрофаглар - хайвонларнинг ўлик таналари билан озиқланувчилар. Ўрта Осиё чўл минтақасида яшаб хашоратларнинг қолдиқлари билан озиқланувчи чумолилар. Сапрофаглар- тупроқ хайвонлариининг ичидаги асосий ўринни эгаллайди. Улар ўсимликларнинг ер устки ва ер остки қолдиқларини қайта ишлайди. Бу гурухга чувалчанглар, хашоротларнинг личинкалари, баъзи бир каналар киради. Булар детрид озиқ занжирида экологик гурух хисобланиб, тупроқда органик моддаларнинг ўзгаришига учрашида иштирок этадиган тупроқ хайвонлари ичидаги энг аҳамиятиларидир.

Тупроқ биотасига киравчи хайвонлар тупроқ муҳитида доимий ҳаёт кечириши ёки узоқ қисқа яшашига қараб уч гурухга бўлинади.

1-гурух. Геобионтлар-тупроқда доимий ҳаёт кечирадиган хайвонлардан ёмғир чувалчанглари, энхитреидлар, каналр, кўпоёқлилар, оёқдумлилар, немотодалар, оғиз айлангичлар киради.

2-гурух. Геофиллар- ҳаётнинг маълум бўр қисмини тупроқда кечиравчилар, қонхўр каналар айрим хашоротлар ва уларнинг личинкалари.

3-гурух. Геоксинлар- тупроқда вақтинча яшовчи ёки ундан вақтинчалик ошпана сифатида фойдаланувчи хайвонлар, чигирткалар, қандалалар, ўргимчаксимонлар киради.

Узоқ вақтгача тирик олам ҳақидаги тушунчанинг турли туманлиги, уни иккита шохликка ўсимликлар ва хайвонот организмлари, яъни мос равища

флора ва фаунага бўлиш билан чегараланиб келинди. Бу тушунча Аристотелдан бошланиб К.Линней ўзининг «Табиат системаси» асарида мустахкамлайди, бу икки оламга бўлинишнинг асосий сабаблардан бири бўлиб организмларнинг озиқланиш усули (гетеротроф ва голозой хайвонларда, автотроф ва осмотроф- ўсимликларда) ҳужайра деворларининг тузилиши (Ўсимликларда) харакатчан ва харакатсиз ҳаёт кечиришларидир. Микроскопик тузилишга эга бўлган организмлар икки олам ўртасида куйидагича ажратилди, сув ўтлар, замбуруғлар ва бактериялар ўсимликларга киритилди, содда хайвонларига.

Бир ҳужайрали микроскопик тузилишга эга бўлган организмларни ўрганиш натижасида уларнинг орасида баъзи бир турларни ўсимлик ва хайвонларга бўлиш бир мунча қийинчиликларга олиб келади, чунки бу турларда у ёки бу оламга хос бўлган уйғунлашган белгилар мавжудлиги намоён бўлди. Масалан баъзи бир ҳужайрали хивчинлиларнинг хромоторфлари бўлиб, ўсимликлар сингари фотосинтезлаш қобилятига эга бўлсада лекин ҳужайра тузилиши таснифи бўйича содда хайвонларга хосдир, ёки миксомитсетлар. Соддалар сингари фаготроф бўлиб хисобланишсада, мева тана ҳосил қилиши жихатидан замбуруғларга ўхшайди.

Хайвонот ва ўсимлик оламини система га солишда юқоридаги қийинчиликларни бартараф этиш учун тирик табиатни учинчи бир оламга бўлиш таклифи (Е.Геккел) туғилди, яъни соддалар олами, қайсиким бунга сув ўтлар, соддалар, замбуруғлар ва бактериялар киритилди. Натижада биологик тузилишлари оддий бўлган аралаш олам вужудга келди.

Эволюцион нуқтаи назардан маълумки бу икки олам авлодларнинг вакиллари, ҳаёт даражасининг шажарага яъни ўсимлик ва хайвонот оламига бўлинишига қадар мавжуд бўлган.

Тирик оламнинг турли туманлиги хақидаги ва эволюсион тушунчалардаги бурилиш, хар бир ҳужайранинг нозик тузилишлари ўрганилганлан кейин яъни эукариот ва прокариот типларидаги ҳужайра тузилишлари кашф қилингандан кейин барҳам топди. Электрон микроскопнинг кашф қилиниши ва улар ёрдамида ҳужайра ядроларидаги тситологик фарқларнинг топилиши, ҳужайра деворидаги биокимёвий тузилишлар ҳақидаги маълумотлар ва ҳужайра органиодларининг ишлаш механизми, синтезланган макромолекула ахборотларнинг етказдирилиши кабилар ўрганилгач, соддалар оламига барҳам берилди.

Прокариёт (ядрогача тузилишли организмлар) ва эвқариёт (ядровий тузилиши организмлар) ўртасидаги ажралиш, ўсимлик ва хайвонот оламига бўлинишга нисбатан кўпроқ аҳамиятлидир. Ушбу бўлиниш (тсионабактериялар) прокариоларга, содда ҳайвонлар замбуруғлар ва қолган бошқа сувўтлар эукариотга киритилди.

Ер юзидағи тирик мавжудодлар, иккита асосий тарифига нисбатан яғни озиқланиш типи ва тана тузилиши типига құра еттіта гурухга бўлинади ва тирик табиатнинг 4 та олами шаклланади.

1. Плантае-ўсимликлар, фотосинтезловчи эукариот организмларни бирлаштиради. (бир ҳужайрали сувўтидан тортиб, ўтказувчи системасига эга бўлган тўқима тузилишли ёпиқ уруғлиларни ўз ичига олади). Булар органик моддани ҳосил қилувчи яғни дастлабки продутсентлар ҳисобланади.

Озиқланиш типлари					
	Фототроф	Осмотроф	Голозой		
Еукариот тўқима тузилиши	Плантае ўсимликлари	---	Анималиа ҳайвонлар	Макро	
Еукариот бир ва кўп ҳужайрали	Сувўтлар	Мўсота замбуруғлар	Соддалар	Мезомикро	
Прокариот да кўпчилиги бир ҳужайрали	Прокариотае		---	Микро Ултра Микро	ЎЧАДЛАЙ БЎЙЧА
	Сианобактериялар	Бактериялар, Актиномитсетлар			
	Продетсентлар	Редутсентлар	Консументлар		
	Екологик гурухлар				

2. Анималиа. Хайвонла, буларга бир ҳужайрали содда тузилишли голозой типида озиқланувчи эукариот организмлардан тортиб танаси мураккаб, тўқима тузилишли, мутахассислашган органлар системасидан иборат бўлган организмлар киради. Булар органик моддани хар хил микдорда истемол қилувчилар яғни консументлардир.

3. Мўсота. Замбуруғлар. Бир ва кўп ҳужайрали, митсепиал тузилишли, осмотроф озиқланувчи, эукариот организмларни ўз ичига олади. Органик моддаоларнинг асосий парчаловчиси (чиритувчи) редутсентларидир.

4. Прокариотае. Прокариотлар деярли кўпчилиги микроскопик тузилишга эга бўлган организм бўлиб, озиқланиш типи бўйича фототроф ва осмотрофларга бўлинади. Тирик табиат оламининг 4 та шохликка бўлиниши, қачонким барча бир ҳужайрали эукариотлар организмлар бита противстаратларга бирлаштирилганда сақланиб қолади. Бунга сувўтлар, замбуруғлар ва содда хайвонлар бирлаштирилади.

Тупроқда юқоридаги 4 та шохликларнинг барча вакиллари учрайди. Тупроқда юксак ўсимликларнинг илдизлари ривожланади, сувўтлари тупроқнинг юзасида ва унинг қатламларида яшайди, хайвонлар тупроқда

яшашга мослашган ҳолда ундан фойдаланадилар, баъзи бирлари тупроқ ғовакларида агрегатлараро бўшликларда, тупроқдаги сув шакларида доимий яшаси, бошқалари ҳаётнинг бир қисмини тупроқда ўтказадилар, учинчи бирлари тупроқда уйлар, ғовакликлар ҳосил қилиб тупроқ қовушмаларини ўзгартиради.

Тупроқда яшовчи соддалар асосан унинг суюқ муҳити фаол ҳаёт кечирадилар, микроскопик тузилишга эга бўлган замбруғлар, бактериялар, актиномитсетлар тупроқ заррачалари устига ёпишиб олиб, у ёки бу даражада ривожланган жамоалар ҳосил қиласди. Баъзи бир бактериялар тупроқнинг капилляр ғовакликларидағи сувўтлар бўйлаб ҳаракатланиб ҳаёт кечиради.

Тупроқда яшовчи барча тирик организмлар тўплами тупроқ биотаси деган номни олади. Бу термин таксономик бирликларга ажратишга эга эмас.

Биота-бу тупроқда яшовчи барча организмларнинг умумий бир бирликда олиб қаралишига айтилади ва у баъзан эдафон деб аталади. Қуйида биз тупроқда яшовчи барча тирик организмларнинг таксономик бирлик асосида, моддаларнинг биологик айланишидаги экологик аҳамиятга қараб, дастлабки моддани ҳосил қилувчилардан бошлаб, уни парчаловчиларга кетма-кет кўриб ўтамиз.

Мухокама учун саволлар:

1. Тирик организмлар дастлаб қандай шохликларга ажратилган?
2. Микроскопик тузилишга эга бўлган организмлар икки олам ўртасида қандай ажратилди?
3. Ер юзидағи тирик организмлар озиқланиши ва тана тузилиши бўйича қандай гуруҳларга ажратилади?
4. Тирик организмлар қандай экологик гуруҳларга ажратилади?

9-МАВЗУ: Бир хужайрали ҳайвонлар. Тузилиши ва ривожланиши.

Асосий саволлар:

1. Саркомастигофорлар синфи.
2. Хивчинлилар синфи
3. Инфузориялар синфи.

Хозиргача фанга ҳайвонларнинг 2,5 млн дан ортиқ тури маълум. Барча ҳайвонлар битти ҳайвонот дунёсига бирлашади. Ҳайвонот дунёси иккита кенжа дунё: бир ҳужайралилар ва кўп ҳужайралиларга ажратилади. Ҳар иккала кенжа дунё типларга, типлар синflарга, синflар туркумларга, туркумлар оилаларга,

оилалар авлодларга ва авлодлар бир қанча турларга ажралади. Ҳамма хайвонлар 25 га яқин типларга ва 70 дан ортиқ синфларга бирлаштириладилар. Тупроқ биотасида яшовчи ҳайвонлар 10 типнинг 20 га яқин синфларга мансуб бўлган вакиллардир. Айрим синфларнинг вакиллари фақат тупроқ муҳитида яшайди. Бир ҳужайралилар кенжа дунёсига мансуб бўлган хайвонларнинг танаси ёлғиз битта ҳужайрадан тузилган. Аммо бу ҳужайра мустақил ҳаёт кечириш хусусиятига эга бўлиши билан кўп ҳужайралиларнинг алоҳида олинган битта ҳужайрасидан катта фарқ қиласди. Масалан бир ҳужайралиларда харакатланиш, ажратиш ва бошқа органоидлари бўлади. Бир ҳужайралилар ҳамма тупроқларда кенг тарқалган бўлиб, 1 м гача чуқурликда учраши мумкин. Хайдаладиган тупроқларда илдиз атрофидаги микроорганизмлар тупроқдаги умумий микроорганизмлар массасининг 70 %га яқин қисмини ташкил қиласди. Ўрта Осиё иқлимида уларнинг 1 г тупроқдаги сони 10 мингдан 10 млн га этиши мумкин. Ўтлок тупроқларда уларнинг 1 гектар майдондаги биомассаси 40 кг ни ташкил этади.

Ҳамма бир ҳужайралилар тупроқ нанафаунаси таркибида киради. Уларнинг фаоллиги тупроқнинг суюқ муҳитига боғлиқ. Тупроқда яшовчи бир ҳужайрали ҳайвонлар муҳитга биологик фаол моддалар ишлаб чиқариб, ўсимликлар ва микроорганизмларнинг ўсиши ва ривожланиши, уруғларнинг униб чиқиши жадаллаштиради, айрим касаллик туғдирувчи микроорганизмларнинг ривожланишини сусайтиради. Бундан ташқари улар бошқа ҳайвонлар учун озуқа бўлиб ҳисобланади.

Бу типга сохта оёқлар ёки хивчинлари ёрдамида харакатланадиган бир ҳужайралилар киради. Тупроқда саркодолилар ва хивчинлилар синфининг вакиллари учрайди

Саркодалилар энг содда тузилган бир ҳужайралилар. Танаси сиртида қаттиқ пўст бўлмаганлиги туфайли уларнинг шакли доимо ўзгариб туради. Ҳужайра ситоплазмаси сохта ёки илдиз оёқлар деб аталадиган муваққат ўсимталар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Бу ўсимталар ҳаракат қилиш ёки озиқасини қамраб олиш вазифасини бажаради. Ситоплазма битта ядро ва айриш вазифасини бажарувчи қисқариш вакуолалари жойлашган.

Тупроқ саркодалиларга яланғоч амёба ва чиганоқли амёбалар киради. Яланғоч амёбаларнинг катталиги 20 мкм гача бўлса чиганоқли амёбаларнинг катталиги 65 мкм гача бўлади. Амёба турли бактериялар, ачитқи замбуруғлар, бир ҳужайрали сувўтлари ва бошқа бир ҳужайрали ҳайвонлар, коловраткалар билан озиқланади.

Чиганоқли амёбаларнинг танаси чиганоқ ёки сувўт ичидаги жойлашган чиганоқнинг кенгайган томонидан сохта оёқлари чиқиб туради. Чиганоқли амёбалар сапрофаг ҳайвонлар бўлиб, сфагнумли ботқоқ тупроқларнинг биотсенози таркибида кўп учрайди. Уларнинг 1 г тупроқдаги сони бир неча ўн мингтага етади. Шўрланган тупроқларда чиганоқли амёбалар тупроқнинг бир мунча кам шўрланган оралиқ (В) қатламида, шўрланмаган тупроқларда устки

(А) қатламда учрайди. Чиганоқли амёбалар бир хужайралилар суктессияси жараёнида хивчинлилар, амёбалар ва инфузориялардан кейинги ўринда туради.

Хивчинлилар синфи

Хивчинлилар синфиға мансуб бўлган хайвонларда қилга ўхшаш хивчинлиларнинг мавжудлиги ва шу хивчинлари ёрдамида харакат қиласи. Уларнинг танаси қаттиқ пеликула қобиқ билан қопланган бўлиб доимий шаклга эга. Хивчинлиларни озиқланиш усулига биноан ўсимлик ва хайвон хивчинлиларга ажратиш мумкин. Ўсимлик хивчинлилар яшил ўсимликлар каби фотосинтез қилиш хусусиятига эга. Уларнинг хужайрасида хлорорфил пигментли таначалар хромотофорлар бўлади. Тупроқда яшил рангли эвглена, хламидоманада, қўнғир рангли криптomonада, сарфиш рангли охромонода кабилар учрайди. Айрим яшил хивчинлилар (евглена) қоронғида хлорофил пигментини йўқотиб, рангизланади ва осмотроф (сувда эриган моддаларни танаси орқали шимиб олиш) озиқланишига ўтади. Бундай ҳайвонлар аралаш озиқланадиган (микротроф) дейилади. Хайвон хивчинлилар рангиз бўлиб, ҳақиқий ҳайвонлардек тайёр озуқа билан гетератроф озиқланади. Улар осмотроф ва голозой (озиқ зарраларни ютиш) озиқланадиган Монас, Бодо, Серсомонос, Оркомонос авлодларининг турларидир. Тупроқда яшовчи хивчинлилар жуда майда бўлиб, айрим турларининг тузунлиги 2-4 мкм ни ташкил этади. Улар тупроқ биомассасининг ҳосил бўлишида муҳим ўрин тутади.

Инфузориялар синфи.

Инфузориялар типига мураккаб тузилишга эга бўлган бир хужайралилар киради. Инфузориялар асосан сув хавзаларида яшайди-ю тупроқда уларнинг сони бунча кам бўлиб, айрим вакилларининг катталиги 1-1,5 мм келади. Инфузорияларнинг танаси қўп сонли кипричалар билан қопланган.

Тупроқда яшовчи инфузориялар қуйидаги кенжасинжаларга Ҳолотрича ҳайвон ҳужайраси бўйлаб киприклар кенг тарқалган тананинг орқа учидан оғиз томонга қараб киприклар спирал шаклида жойлашган ва танаси хар хил киприклар билан қопланган. Тенг киприклар туркумига мансуб бўлган инфузорияларнинг танаси бир текис жойлашган ва бир хил узунликдаги кипричалар билан қопланган. Бу туркумнинг типик вакили сифатида оддий туфелкани кўрсатиш мумкин. Сохил бўйидаги қумларда ўзига хос псаммофил (кумсевар) инфузориялар тарқалган. Уларнинг танаси чўзиқчувалчангсимон шаклда, кипричалари танасининг бир томонида жойлашган бўлиб, қумга ёпишиш учун хизмат қиласи. Кипричалари инфузорияларни сувда ювилиб кетишдан сақлайди.

Инфузориялар бактериялар, бир хужайрали сув ўтлари ва хар хил органик моддалар билан озиқланиб тупроқда уларнинг сонини чеклаб туради.

Нокулай шароитда яъни нам етишмагандан, ҳароратнинг пасайганида бир хужайралилар систага ўралиш хусусиятига эга.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқ саркодалиларига қайси амёбалар киради?
2. Тупроқда яшовчи хивчиниларнинг рўли?
3. Инфузорияларнинг танаси нима билан қопланган?

10-МАВЗУ: Циклонейролиялилар катта типи Асосий саволлар:

1. Нематодалар синфи.
2. Енхеитридларнинг тупроқ мезафаунасидаги рўли.

Юмалоқ чувалчанглар кўп хужайралилар кенжада дунёсига мансуб хайвонлар. Улар танасининг кўндаланг кесими доира ёки тўгарак шаклида бўлади. Тана бўхлиги суюқлик билан тўлган, унда ички органлари жойлашган, овқат хазм қилиш, айриш ва нерв системалари ривожланган, айрим жинсли хайвон юмалоқ чувалчангларнинг 12000 дан ортиқ тури маълум бўлиб, тупроқда яшайдиганлари, оғиз айлангичлар ва нематодалар синфларининг вакилларидир. Нематодалар синфи ипсимон ёки дуксимон таркибига киради. Нематодалар кўп хужайралилар орасида тупроқда энг кўп тарқалган сон жиҳатидан бактериялардан кейин иккинчи ўринда туради. Маданийлашган тупроқларнинг хайдалма қатламларида нематодаларнинг биомассаси гектарига 50 кг ни ташкил этади. Ўтлоқ тупроқнинг бир метр квадрат юзасида 20 млн дона нематодалар учрайди. Нематодаларнинг кўпчилик турлари тупроқ микрофаунаси таркибига киради. Улар тупроқ заррачалари сиртидаги пардасимон ва капилляр сувларда яшайди. Тупроқда яшовчи нематодаларнинг ўртача узунлиги 0,4-1,0 мм ни ташкил этади. Кўпчилик турларнинг хар бир бўғимида 4 жуфтдан вакиллари иккитадан гурухга бўлиниб жойлашган. Кам туклилар орасида энчитреидлар ва ёмғир чувалчанглари катта ахамиятга эга.

Енхеитридлар бу оиланинг вакиллари тупроқ мезафаунаси таркибига киради. Уларнинг ўлчамлари 2-3 мм дан 40-45 мм гача бўлади. Энг кичик вакиллари тупроқ зарралари орасида табиий бўшликлар ва капилляр ғовакликлар орқали харакат қиласи. Йирикроқ туплари эса орасидан ўзларига йўл очади. Ёки тупроқни ичагидан ўтказиш орқали харакат қиласи.

Енхитреидлар совук иқлимга жуда чидамли, ҳатто 0 С дан паст ҳароратда музлаган тупроқда хам тирик қолади. Лекин улар юқори ҳароратга ва қуғоқчиликка жуда чидамсиз бўлади. Асосан чириётган илдизла ва ўсимликлар қолдиқлари билан озиқланади. Улар тупроқнинг юза қатламида айниқса ўрмон тўшамасида кўп учрайди.

Енхитреидларнинг кўп турлари тупроқни ютади ва ичидаги органик ва минерал моддалар билан аралаштириб, копролитлар холида ташқарига чиқаради. Ўтлоқ тупроқларда уларнинг зичлиги 1m^2 да бир неча минга биомассаси 50 г га этиши мумкин.

Ҳаёт кечириш тарзи ва озиқланиш усулига биноан нематодлар бир неча экологик группаларга: ҳақиқий сапробионтлар, чала сапробионтлар, илдиз атрофида эркин яшовчилар, ўсимлик паразитлари ва йиртқичларга ажратилади.

Хақиқий сапробионтлар рабдитидлар туркумига киради. Улар органик чириндиар, гүнг, компост, ўсимлик ва хайвонларнинг қолдиқлари ўрмон тўшамасида яшаб чириётган муҳим микрофлараси билан озиқланади. Улар одатда анча кичик узунлиги 1 мм дан ошмайди, лекин жуда серпушт ва тез ривожланиш хусусиятларга эга. Тупроқда одатда чала сапробионтлар кўп учрайди. Улар тупроқдаги бактериялар, ачитқилар, майда бир хужайралилар ва ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади.

Немотодалар бошқа микроорганизмлар билан бирга органик қолдиқларни парчалашда иштирок этади. Улдар фақат микроорганизмлар билан озиқланиб қолмасдан, ана шу микроорганизмларнинг кўпайиши ва ривожланиши тезлаштирадиган биологик актив моддалар чиқаради. Рематодаларнинг асосий орзиқаси бактериялар оқсилга бой бўлганида, уларнинг экскрементида хам азот кўп бўлади. Бундан ташқари рематодалар биомассаси ҳам тупроқда азот манбай хисобланади.

Мухокама учун саволлар:

1. Енхитреидларнинг ҳаёт кечириш тарзи ва озиқланиш усули қандай?
2. Немотодалар бошқа микроорганизмлардан фарқли томонлари?

11-МАВЗУ: ТУПРОҚ БИОТАСИГА КИРУВЧИ МОЛЮСКАЛАР ТИПИ. ХАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ.

Асосий саволлар

- 1.Тупроқ биотасига киравчи молюскалар
- 2.Юмалоқчувалчанглар типи

Молюскалар (*Mollusca*) типи

Млюскаларнинг танаси бўғинлар билан бўлинмаган ва мантият деб аталувчи тери билан қопланган. Танасининг асосий қисми охак мoggдадан иборат чиганоқ билан қопланган.

Тупроқ биотасига киравчи молюскалар қрин оёқлилар синфига мансуб. қорин оёқлилар гавдаси бош, тана ва мускулли ясси оёқдан иборат. Тупроқда қорин оёқли молюскалардан хар хил шиллик куртлар учрайди.

Шиллик куртлар ўпка билан нафас оловчи хайвонлардир. Улардан мамлакатимиз худудида 700 дан ортиқ тури учрайди.

Шиллик куртлар тупроқ гексонлари хисобланади. Улар тупроқга тухим қўяди ва унда қишлиайди. Иссиқ ёз даврида пана жойга бекинади. Шилликлар ясси оёғининг товони билан сирғалиб харакат қиласида. Шиллик куртлар орасида яшил ўсимликлар билан озиқланувчи фитофаглари, тўкилган барглар билан озуқланадиган сапрофаглари хамда хайвонлар билан озиқланувчи йирқич вакиллар бор.

Халқали чувалчанглар (Аннелида) типи

Халқали чувалчанглар танасип кўп сонли халқаларга бўлинган. Тупроқда чучук сувларда ва денгизларада яшайди. Тупроқда ва чучук сувларда яшайдиган халқасимонларнинг бош қисми ва харакатланиш органлари редуктсияга учраган, бу тип кўп туклилар, кам туклилиар ва зуликлар синфига бўлинади.

Кам тукли халқали чувалчангларнинг танаси 5 тадан 500 тагача бўғимлардаан иборат.

Ёмғир чувалчанглари учта экалогик группаларни ҳосил қиласди.

1. Тупроқ юзасида ёки тўшамада яшайдиган гамиедафон турлари.
2. Тупроқ ва тўшама (гумус) да яшайдиган турлари.
3. Тупроқнинг чуқур қатламларида ин қуриб яшгайдиган эугдофан турлари.

Тупроқ тўшамасида яшайдиган Дендросена астоедра хумбрикус состанеус? Аллосопхра Салидиноса каби чувалчанглар жанубдан узоқ шимолий худудларгача тарқалаган бўлиб, тайганинг ботқоқлашган тупроқларида хам яшайди. Уларнинг узунлиги 6,5 см ва ундан ортиқ бўлади.

Тупроқ тўшалма турлари тупроқнинг гумус қатламида яшайди. Улардан Хумбрикус рубеллус анча ймрмк бўлиб, 13 см га етади. Инда яшовчи турлари эса анча йирик чувалчанглар ҳисобланади. Уларнинг узунлиги 25 см ва ундан хам йирикроқ бўлади. Суғориладиган ерларда Нисодрибус Салигиносус жуда кенг тарқалган. У кулранг тусли, узунлиги 15 см га яқин бўлади. Тупроқнинг хайдалма қатламида 10-15 см чуқурликда яшайди, ер юзига деярли чиқмайди. Чувалчанг чириётган илдизлар ва гумус билан озиқланади. қурғоқчилик бошланиши билан тупроқнинг чуқурроқ қатламларига тушиб шилимшиқ моддадан иборат капсула ҳосил қиласди ва диапауза холатига ўтади. Ёмғир чувалчангларининг тарқалишига тупроқнинг намлиги ва харорати қаттиқ таъсир кўрсатади. қурғоқчилик йиллари ва тупроқда нам жуда камайиб кетганида шунингдек тупроқ музлаганида чувалчанглар кўплаб қирилиб кетади. Юқори харорат хам уларга салбий таъсир кўрсатади. Кислатали тупроқларда чувалчанглар кам учрайди, ўтлоқ тупроқларда уларнинг сони 7,5-12 млн.га биомассаси 0,5 -4,0 т га teng бўлади.

Ёмғир чувалчанглари тупроқда жуда катта ахамиятга эга, уларнинг инлари тупроқни ғовак қилиб, сув шимилиши ва хаво алмашиниши яхшилайди, ўсимликлар илдиз системасининг яхши ўсишига имкон яратади. қулай шароитда 1м² тупроқдаги чувалчанглар ҳосил қилган инларнинг узунлиги 1 км га, баъзан эса 8 км га етиши мумкун. Чувалчанглар спробионт ҳайвонлар бўлиб, турли чириётган органик моддалар билан окзиқланади. Уларнинг ичидаги хар бир бактериялар ёрдамида гумус ҳосил қилинади. Ичакдаги полимеризатсия жараёнидаги органик моддаларнинг парчаланиш махсулотидан гумин кислаталари ҳосил бўлади. Бу кислаталар минерал компанетлар билан биргаликда оргона - минерал комплекс ирикмалар ҳосил қиласди. Ёмғир чувалчангларининиг жигилдонида жойлашган безлар ажратиб чиқарадиган

максус моддалар тупроқнинг кислаталилигини нейтраллаб, тупроқнинг кимёвий таркибиغا таъсир кўрсатади. Чувалчангларнинг тупроқнинг ичаги орқали ўтқазиб майда донодор капролитлар холида чиқаради. Капролитлар сувда эзилмайди. Намни яхши шимади. Уларнинг таркибида 10-15% гумус бўлади. Бир йил давомида 1 га майдондагичувалчанглар 400-600 тонна тупроқни қайта ишлаб беради. Чувалчанглар ичагида яшайдиган аммонифакатсияловчи бактериялар азотли огонлар моддаларни аммиаккача минераллаштиради. Шунинг учун ёмғир чувалчанглари кўп бўлган тупроқларининг милиоратив холати бошқа тупроқларга нисбатан яхши бўлади.

Мухокама учун саволлар:

1. Шиллик қуртлар орасида яшил ўсимликлар билан озиқланувчи вакил қайси?
2. Ёмғир чувалчанглари қайси экологик группаларни ҳосил қилади?

12-МАВЗУ: Бўғим оёқлилар (Artrapoda) типи

Асосий саволлар

1. Бўғим оёқлилар тузилиши
2. Бўғим оёқлиларнинг таксономик бирликлари

Бўғим оёқлилар типига танаси қаттиқ хитин пўсти билан қопланган умуртқасиз хайвонлар киради. Уларнинг оёғи ва танаси бўғимларга бўлинган, бош қисми танадан яхши ажраб тураади. Бу типга 2 млн дан ортиқ тур киради. Ер юзида тарқалган бўғим оёқлилар жабра ва нафас олувчилар ва трахеялилар кенжа типларига бўлинади. Биринчи кенжа типга қисқичбақасимонлар синфи, иккинчисига ўргимчаксимонлар синфи ва охирги кенжа типга кўп оёқлилар хамда хашоратлилар синфи киради. қисқичбақасимонлар (Срустасеа) синфи Қисқичбақасимонлар синфида асосан сувда яшовчи ва жабра билан нафас олувчи бўғим оёқлилар киради. қисқичбақасимон-лардан фақат захкашлар (Ониссус аселлус) қуруқликда яшашга мослашган. Захкашлар тупроқ мезафаулнаси таркибиغا киради.

Захкашларнинг 1000 дан ортиқ тури маълум улар ер юзида кенг тарқалган, деярли ҳамма миintaқаларда учрайди. Кўпроқ нам жойда яшаганлари туфайли уларга шундай ном берилган. Ўрта осиё қозогистон ва Закавказенинг соз тупроқли соҳроли, тақир тупроқлар ва дарёларнинг қадимги сахроларида яшайдиган захкашларнинг орқа тамонида қалин тарақсимон ўсимталари бўлади. Бу ўсимталарга ишлашиб қолган тупороқ заррачалари уларни иссиқ хароратдан сақлайди. Сахро захкашлари калонния бўлиб яшайди, 1 м 2 майдонда 80 га яқин захкашларин учратиш мумкин. Улар чуқурлиги 40 - 50 см баъзан 80 см гача бўлган ин қуради. Ин қуриш бирга ёз давомида 1 га майдонда, 0,5 т тупроқни ер юзига чиқариш ва ин яқинида 1 т гача органик моддага бой экскремент қолдириш мумкин. Шунинг учун уларнинг атрофдаги тупроқлар азотга бой бўлади ва бу ерда ўсимликлар қалин бўлиб ўсади. Захкашларнинг тана қоплагичи калтсийга бой бўлади, улар бу моддани

озиа таркибидан олдаи. Ёш ва туллаган захкашларнинг калтсийга талаби катта бўлади. Шунинг учун улар ўзи ташлаган қобиқни ёки ёш наслни ейиши мумкин. Сахро захкашлари калтсийли тупроқларда кенг тарқалган ва тупроқдаги калтсий микдорининг индикаторлари ҳисобланади.

Ўргимчаксимонлар (Арачноидае) синфи

Ўргимчасимон қуриқликда яшашга мослашган 4 жуфт оёққа эга бўлган бўғим оёқлиллар бўлиб 70000 дан ортиқ тури фанга маълум. Тупроқда бу синфнинг каналлар ва ўргимчакларнинг вакиллари яшайди.

Каналар - (Асариформес) туркуми вакиллари оёқдумлилар ва имиллаб юрувчилар билан бирга тупроқ микрофаунасини ташкил этади. Каналарнинг тупроқдаги биомассаси 1 - 2 г-м² ташкил этади. Уларнинг сони тупроқнинг механик таркибига ва сув режими билан боғлиқ. Енгил ва қум тупроқларда улар тупроқнинг юза қатламида хайдаладиган ерларда эса тупроқнинг хайдалма қатламида кўп бўлади.

Тупроқ кесмаси бўйлаб тарқалишига кўра каналар тўшама, тўшама тупроқ ва тукпроқда яшовчи гурухларга бўлинади.

Ўргимчаклар - (Арачнеа) туркуми факат фуриқликда яшовчи 20 000 дан ортиқ турни зў ичига олади. Ер юзининг барча иқлиmlарида тарқалган. Улар ўргимчак иплари ёрдамида хаво орқали тарқалади.

Кўпчилик ўргумчаклар тупроқда ин қуриб яшайди. Инлар хар хил чуқурликда бўлиб, иннинг оғзини варанкасимон найсимон ёки қопқоқ шаклдаги ўргимчак тўри ёпиб туради. Чул ва сахро зўналарида йирик бўлиб, 30 смдан 1 мгача чуқурликда вертикал ин қуради. Одатда тарантула ер ости сувлари анча юқори жойлашган тупроқда учрайди шунинг учун уларни сахрода ер ости сувлврининг жойлашишига индекатор ҳисобланади.

Муҳокама учун саволлар

1. Таксономик гурухлар нима?
2. Ҳайвонот олами қандай кенжা оламга бўлинади.
3. Турли тупроқларда тупроқ ҳайвонлари микдорининг у ёки бундай бўлиши сабаблари.
4. Тупроқ ҳайвонелари тупроқларнинг физик - кимёвий хоссаларига қандай таъсир кўрстади.

13-МАВЗУ: Трахеялиларнинг муҳим вакиллари ва уларнинг тупроқдаги аҳамияти.

Асосий саволлар

1. Трахеялиларнинг морфологик тузилиши.
2. Трахеялиларнинг синфлари.

Хашоратлар хақиқий қуриқликда яшовчи ҳайвонлар бўлиб, танаси бош, кўкраг ва қорин қисмларга бўлинган. Улар трахея ёки бутун танаси ёрдамида

нафас олади. Хашоратлар жуда хилма хил хайвонлар бўлиб 2 млн га яқин турларни ўз ичига олади. Турлар сони жихатдан улар хайвонларнинг 70% ни ташкил этади.

Хашоратлар 30 дан ортиқ туркимга бўлинади. 20 га яқин туркимларининг вакиллари тупрорқ билан боғланган бўлиб, тупроқ биотасининг геофил ва геоксиллар группасига киради. Хашоратлар орасида хақиқий геобионтлар кам учрайди.

Оёқ думлилар - тубан тузилган қанотсиз хашоратлар уларнинг узунлиги 1 - 2мм дан 5-10 мм гача, айрим вакилларининг узунлиги 15 мм гача боради. Биомассаси ўртacha 1 кгғга ни ташкил этади. Оёқ думлиларнинг сони тупроқнинг хаво режими ва ғоваклигига боғлик. Шунинг учун хам улар қумли тупроқларда анча кўп бўлади. Ўтлоқ тупроқларнинг устки қатламида, огратсенозларда эса хайдалма қатламида кўпроқ учрайди.

Озиқланишга кўра оёқдумлилар қуидагиларга бўлинади; сапрофаглар, микрофаглар ва фитофаглар сапрофаг турлари хар қандай органик қолдиқлар ва уларнинг микрофаунаси билан озиқланади . оёқдумлилар ўсимлик қолдиқларининг парчаланиши ва микроблар микроорганизмлар сонини бошқариб туришда катта ахамиятга эга.

Сувараклар - (Блаттоидаe) энг қадимги хашоратлардан бўлиб, субтропик ва тропик иқлимда кенг тарқалган тупроқ хайвонларидан ҳисобланади. Уларнинг тупроқ юзасида яшаб, ўсимлик барглари ва меваларининг чиришида мухим ахамиятга эга. Ўрта осиёнинг сахро зонасида йирик миср сувараги учрайди.

Сувараклар микроорганизмлар билан мураккаб симбиотик комплекс ҳосил қиласи. Уларнинг симбионтлари бўлган бактериялар хам эвалютсия давомида кучли ўзгаришга учраган. Бактериялар ўсимлилар қолдиқлари суваракларга ёрдам беради.

Термитлар - (Исоптеру) жамоа бўлиб яшовчи хашоратлар уларнинг оиласида бир неча юзмингача хашоратлар бўлади. Уларда жинсий деформизм яхши ривожланган. Урғочи ва эркак термитларнинг кўпайиши даврида қанотлари бўлади, уруғланиш тамом бўлгандан сўнг тушиб кетади. Уларнинг оиласи тупроқ ёки ёғочлар ичida яшайди. Термитлар тупроқ ичда ин қазиб уни юмшатиб, физик хоссаларини яхшилаб, тупроқ кимёвий таркибига яъни тузлар мигратсиясига таъсир кўрсатади. Термитларнинг тана қолдиқлари тупроқдаги азот миқдорини оширади.

Қаттиқ қанотлилар - (Слеоптера) ёки қўнғизалар жуда хилма хил хашоратлар туркимлари бўлиб, кўпчилик қўнғизлар личинкалик ва ғумбаклик даврдагина тупроқ билан боғланган. Пластинка мўйловлилар қирсилдоқ қўнғизлар, узун тумшуқлилар ва бошқаларининг личинкалари тупроқда ривожланади. Улардан айримлари ўсимликларга зиён келтирса, бошқалари сапрофаг ёки йиртқич ҳисобланади. Сим қуртлар ва май қўн физининг личинкалари CO_2 газнинг ёюқори кантцентратсиясига жуда чидамли бўлиб, сув

босган тупроқларда bemalol яшайверади. Май қўнғизининг личинкаларида хемотаксис хусусияти яхши ривожланган. Улар ўзлари заарлайдиган ўсимликни илдизи орқали ажратиб чиқарилаётган CO₂ гази орқали топиб олади.

Қўнғизларни озиқланиш усулига биноан: фитофаглар, зоофаглар, сапрофаглар ва некрофагларга ажралиши мумкин. Фитофаглар яшил ўсимликлар билан озиқланиб уларга зиён келтиради. Сапрофаглар органик моддаларнинг қолдигини ўзлаштиради. Тупроқ қўнғизлар, хайвонлар гўнгининг парчаланиб минераллашида катта ахамиятга эга.

Пардақанотлилар - (Хіменоптера) туркими жуда хилма хил бўлган қанотли хашоратларни ўз ичига олади. Улар орасида фитофаг, йиртқич, паразит ва некрофаглари бор.

Пардақанотлилар орасида айниқса чумолилар тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида катта ахамиятга эга. Н.А.Димонинг кўрсатишича чумолилар 15 см гача қалинликда тупроқни 8-10 йил давомида қайта ағдариб чиқади. Улар айниқса тропик ва субтропик иқлимли ўлкаларда кенг тарқалган.

Ўрта осиёда кенг тарқалган тури бу қир чумолилари дидир. У ўсимликларнинг уруғлари билан озиқланади. Қум чопқир чумолиси оиласи 100-130 индивидлардан иборат. Бу чумоли гил соз тупроқли сахрода ин қуриб яшайди. Ини тегишли тупроқдан ҳосил қилинган ҳалқасимон дўнглик билан ўралган. Чумоли ўсимликларнинг уруғларини инига ташиб тўплайди. Тақир тупроқларда эса қора чопқир чумоли тарқалган.

Чумолилар ин қазиб тупроқни юмшатиб, ғовак қиласи, тупроқнинг қуийи мтнерал қатламларини юқорига кўтарилишига сабаб бўлади. Чумолилар ўсимлик уруғларини инига оилб кириб тупроқни органик моддалар билан бойитади.

Микроорганизмлар каби тупроқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида бўғим оёқлилар типи вакиллари катта ахамиятга эга. Булар тупроқдаги органик қолдиқларнинг парчаланиб, минерал холатга ўтишида маълум босқичда туради.

Мухокама учун саволлар:

1. Озиқланишга кўра оёқдумлилар қайси гурухларга бўлинади?
2. Жамоа бўлиб яшовчи хашоратларга мисоллар келтиринг.

14-МАВЗУ: Тупроқ микробиологиясининг пайдо бўлиши, ривожланиши, мақсади ва вазифалари.

Асосий саволлар

1. Тупроқ бактерияларининг хиллари
2. Бактерия хужайрасининг тузилиши

Табиий экосистемаларда муҳим организмлардан бири прокариотлардир. Барча прокариотлар микроскопик организмлар бўлиб, уларнинг катталиги микролитр(мкм)ларда, ички тузулмалари эса нанометр(нм)ларда ўлчанади. Одатда шарсимон бактерияларнинг диаметри 0.5 – 1.5 мкм, таёқсимонларининг эни 0.4 – 1 мкм, узунлиги эса 0.7 – 10 мкмни ташкил этади. Кўпинча бактерияларнинг ўлчами мухитдаги шароитга боғлиқ бўлади.

Бактерияларнинг шакли турли – туман бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани шарсимон бактериялар (кокклар) ва таёқсимонлариdir. Шарсимон бактериалар орасида – монококклар, диплококклар, тетракокклар, стрептококклар, стафилококклар ва сарциналари мавжуд. Таёқсимон бактериялар орасида спора хосил қилувчилари ватцилла, спора хосил қилмайдиганлари эса бактерия деб номланади. Булардан ташқари табиатда буралган таёқчалар (спирилла ва вибрион) шарсимон таёқчалар (спирохетлар), ипсимон ва турли ўсимтасимон бактериялар, юлдузсимон, учбурчак ва бошқа шакилдаги бактериялар хам учрайди. Бактериялар қаттиқ озиқали мухитларда хужайралари бўлиниб кўпайиб, тўпламколониялар хосил қиласиди. Колониялар оддий кўз билан кўринади ва хар бир тур бактериалар ўзига хос колониялар хосил қиласиди. Тупроқда амонификатор, нитрофикатор, азотофикатор, денитрификатор, темир, олтингугурт, метан хосил қилувчи ва мочевинани, цемолозани, пектинни парчаловчи бактериялар кенг тарқалган.

тупроқда 400 мг/кг дан ошиб кетса, биологик жараёнга таъсир қилиб, микроблар ривожланишига тўсқинлик қилиб, органик моддалар таркибидаги целлюлоза парчаланиши сустлашади, нафас олиш қийинлашади, уреаза ферменти фаолланишини камайтириб юборади. Ўсимлик тупроқ таркибидаги рухни яхши истеъмол қилиб, уни яшил органларида тўплайди.

Мис - тупроқда 1-20 мг/кг бўлади. Агар тупроқ эритмасида миснинг микдори 0,1 мг/кг дан ошиб кетса ўсимлик учун захарли таъсир қилади. Ем-хашак таркибида мис микдори 20 мг/кг дан ошиб кетса қўй ва қўзичоқларда бир қатор касалликлар пайдо бўлади. Тупроқда мис қўпайган тақдирда агрегатлар микдори камаяди, эрозия жараёни ривожланиб, зичланиш рўй беради. Ўсимлик таркибида мис 20 мг/кг дан ошиб кетса унинг нафас олиш қийинлашиб, хлорофил ҳосил қилиш ва ферментатив фаоллиги пасайиб кетади.

Фтор - тупроқ таркибида 50-200 мг/кг, баъзи бир ифлосланган жойларда 8000 мг/кг гача тўпланиши мумкин. Фтор тупроқда суперфосфат ўғитларини солиш натижасида ва саноат чиқиндилари орқали тўпланади. Фтор тупроқда қўпайиб кетган тақдирда хашоратларнинг ҳаётига ва ривожланишига таъсир қилади. Фтор микдори тупроқда ошиб кетса ўсимлик ва ҳайвонот организми орқали инсонга ўтиб суяк тўқималари, тирнок ва тишларнинг мўртлигини ошириб уларнинг емирилишга олиб келади. Қон томирлари эса эластик хусусиятларини йўқотиб юборади.

Ер ости конларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш очиқ ва ёпиқ равища бажарилади. Айниқса маъданларни очиқ ҳолатда кавлаб олинганда тупроқ ва ўсимлик қоплами, гидрологик ва геокимёвий режим ландшафтларда бузилиб кетади.

АҚШ да ер ости конларини очиқ равища қазиб олиш натижасида 1,5 млн. гектар ер қишлоқ хўжалигидан чиқариб юборилган. Шундан 600 минг гектар ер қайта тикланиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига қайтарилган, 2000 йилда эса ишлаб чиқаришдан чиқараладиган ерлар 12 млн гектарни ташкил қилган. Англияда 70 минг гектар ернинг 25 % қазилма бойликларни қазиб оладиган карьерлар ҳисобланади. Ўзбекистон бўйича эса ишлаб чиқаришдан чиқарилган ерлар 200 минг гектардан иборатdir. Бу ерларни барчасини қайта тиклашга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича қайта тиклашни талаб қиладиган суғориладиган ерлар майдони 60 минг гектарни ташкил қилади. Ер ости бойликларни очиқ равища қазиб олинганда, атрофдаги унумдор ерлар бузилиб, чиринди ва озиқа моддаларга бой қатламлар бузилиб кетади, уларнинг майдони республика бўйича юқорида келтирилган майдондан 4-10 баробар кўпdir.

Қурилиш маҳсулотлари қум, шағал, лой ва бошқа маъданлар қазиб олинганда ернинг геокимёвий, гидрогеологик, геологик шароити ўзгариб, уларнинг тупроқ қатлами тамомила олиб ташланади. Бундан ташқари, рудалардан металларни ажратиб олиш жараёнида кўп миқдорда суюқ ва қуюқ холатдаги чиқинди маҳсулотлар корхона атрофидаги катта майдонларни эгаллаб ётади. Саноат чиқиндилари таркибидаги оғир металлар сув ёрдамида ювилиб майда чанг, қум ва лой заррачалари, шамол ёрдамида учирилиб олиб кетилади ва тупроқ таркибиға кириб уларни ифлослантиради. Бунга мисол қилиб Олмалиқ кимё комбинати атрофидаги фосфогипс чиқиндилари, қўрғошин конидан, Охангарон кўмир конидан ер юзасига чиқариб ташланган чиқиндилар катта майдонларни эгаллаб ётади. Олимларнинг ҳисобига кўра сайёрамизда яшаётган ҳар бир инсон кунига 3-4 кг чиқиндиларни чиқариб ташлайди. Барча яшаётган ҳалқ бир суткада 8-16 миллион тонна йил мобайнида эса 3-6 млрд. тонна чиқинди ҳосил қиласи. Шу 2000 йили инсон томонидан йил мобайнида йифиладиган чиқиндилар 15 миллиард тоннадан ошиб кетди. Саноат ва инсон чиқиндилари минерал ва органик таркибли, металлар, металлоидлар, кимёвий моддалар (кислота, тузлар, ишқорлар), аҳлатларни тозалаш станцияларида йифилган маҳсулотлар чанг, кул, кимёвий бирикмалар, шиша ва керамика буюмларнинг майда заррачалардир. Бу маҳсулотлар шамол ёрдамида олиб кетилади, табиатни ифлослантирадиган манбалар қўйидагилардан иборат:

1. *Табиий манбалар:*

- * тупроқ қоплами (минерал ва органик заррачалар);
- * вулқон ва бошқа табиий оғатлар;
- * минерал заррачалар-газ ва буғлар;
- * космос (космос чанги).

2. *Антропоген манбалар:*

- * иссиқлик теплоэлектростанциялар (кўмир чанги, кул, гутди ва бошқа токсик қаттиқ ҳолатдаги заррачалар), газлар (SO_2 , SO_3 , H_2S , NO , баъзи бир циклик углеводородлар) фтор ва маргимуш бирикмалари;
 - * маъданларни қазиб чиқариш саноати (шахталар, нефт маҳсулоти), чанг (SO_4 , SO_3 , H_2S , маргимуш ва қўрғошин бирикмалари);
 - * қора metallurgия (рудалар чанги, темирли чанг, темир, марганец, маргимуш оксидлари, кул, қоракуя, SO_4 , SO_3 , NH_3 , NO , HCl);
 - * рангли metallurgия (чанг, буғ, қўрғошин, рух, кадмий, мис, симоб, маргимуш оксидлари, SO_2 ва бошқа бирикмалар);
 - * қўрғошин саноати маҳсулотлари (цемент чанги, фтор ва бошқа моддалар);

- * кимёвий саноат, неорганик ва органик маҳсулотлар (SO_2 , SO_3 , Cl , HF , H_2S , HCl , HNO_3 , NH_3 , фтор бирикмалари ва (углеводородлар, эритувчи моддалар эфирлар, феноллар, меркаптан, қоракуя);
- * целлюлоза ва қофоз ишлаб чиқариш саноати (чанг, SO_2 , Cl , меркаптан ва бошқа бирикмалар);
- * фармацевтика саноати (углеводородлар);
- * синтетик каучук чиқарадиган резина саноати (эфирлар, ацетонлар, феноллар);
- * озиқ-овқат, гүшт ва сут ишлаб чиқарадиган саноат (чанг, SO_2 , SO_3 , NH_3 , H_2S , қўрғошин бирикмалари);
- * транспорт (углеводородлар, натрий, қўрғошин, автомобил тутун заррачалари, кўмир чангни, кул, SO_2 , SO_3 , H_2S);
- * шахар ва қишлоқдаги тураржойлар (кул, тутун, SO_2 ва бошқа моддалар);
- * қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (ўғитлар, пестицидлар).

Тупроқ таркибидаги ифлослантирадиган моддалар уч турга бўлинади:

1. Қаттиқ минерал заррачалар ва сульфат, фосфат, карбонатли кимёвий бирикмалар;
2. Газ ҳолатдаги олтингугурт, азот, углерод ва углеводород оксидлари;
3. Кумуш, марганец, бериллий, бром, кадмий, суръма, ванадий, рух, селен, хром, мис, фтор, симоб, никел, қўрғошин каби кимёвий элементлар.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқ таркибини оғир металлар билан ифлослантирадиган манбалар нималар?
2. Оғир металларга қайси кимёвий элементлар киради?
3. Оғир металларнинг тупроқ, ўсимлик, тирик организмлар занжиридаги ҳаракати қандай амалга ошади?
4. Оғир металларнинг инсон, ўсимлик ва ҳайвон дунёсига таъсири қандай?
5. Тупроқ қопламиининг оғир металлар билан ифлосланишини олдини олиш усуулларини тушунтиринг?

3-МАВЗУ: Кимёвий ифлосланган тупроқларни таснифлаш.

Кейинги йиллар мобайнида инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти туфайли республикада тобора кўпроқ бузилган, баъзида ҳаётсиз ерлар пайдо бўлмоқда, атриф муҳит ҳолати ёмонлашмоқда (тупроқ қатлами, гидрологик режимнинг бузилиши ва техноген рельефлар вужудга келиши муносабати билан), бу эса кишилар саломатлиги ва жамиятга моддий зарар етказмоқда. Ваҳоланки, ҳисобкитобларга қараганда, табиий ҳолатда 100 йилда 0,3 - 2 см тупроқ шаклланали.

Республика ҳудудида рекультивациялаш объектларига қуйидаги ерлар киради:

- норуда қурилиш ашёлари олиниши (тупроқ, қум, шағал ва бошқалар);
- газ, нефт қидируви ва қазиш;
- суғириш каналлари, коллектор-дренаж тармоқлари;
- трубопровод ва йўл;
- қурилиш ишлари;
- шаҳар ва саноат чиқиндилари ташлаш натижасида бузилган ерлар.

Тупроқ тўкиш йули билан яхшилаш мумкин бўлган майдонлар ҳам рекультивация обьектидир.

Ерларни рекультивациялаш - бу бузилган ерлар унумдорлиги ва халқ хўжалик қимматини тиклаш, шунингдек атроф муҳит табиатини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар комплекси ҳисобланади. Ерларни бузиш билан боғлиқ корхоналарда рекультивация ишлари технологик жараённинг ажralмас қисми бўлиши керак.

Рекультивациянинг умумий жараёни икки асосий - техник ва биологик бисқичдан иборат. Улардан аввал бузилган ерларни таҳлил қилиш, фойдаланиш йўналишини аниқлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини олиб бориш лозим.

Техник босқичда ерни халқ хўжалигига мақсадга мувофиқ фойдаланишга тайёрланади.

Биологик рекультивация бузилган ер унумдорлигини тиклаш, қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалигига фойдаланиш учун қайтариш, инсон яшаси ва фаолиятига қулай ландшафт яратишни ўз ичига олади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ерларни рекультивациялаш катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, дарҳол ечимини талаб қилмоқда, чунки фойдаланилмаётган қўриқлар (ўзлаштириладиган) ресурси тугамоқда, халқ хўжалигини ривожлантириш учун эса янги-янги ер майдонлари зарур. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири ер резервларини рекультивациялашdir, устига устак улар суғориладиган зоналарда жойлашган. Шу туфайли ҳам бузилган ерларни рекультивациялаш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди.

Ватанимиз ва чет эл тажрибаси кўрсатганидек, бузилган ерлардан қуйидаги йўналишлар бўйича фойдаланиш мумкин:

- қишлоқ хўжалигига (биринчи навбатда: пахта, сабзавот, озиқа ва бошқа экинлар ўстириш, шунингдек, мева ва токзорлар учун;

- ўрмон хўжалигига фойдаланишга мўлжалланган ёғочли дарахтлар ўтқазиш, тупроқни химоя қилувчи, эрозияга қарши, санитария-гиgiene ва бошқа мақсадлар учун;

- сув хўжалигига - чуқур рельефларда турли мақсадга мўлжалланган ҳавзалар (туби заарсиз жинслардан ташкил топган бўлса) барпо этиш;

- рекрацион - бузилган ерларда дам олиш зоналари, боғлар, саноат отвалларида кўкаламзорлар, спорт иншоотлари барпо этишда.

Экспертлар баҳоси бўйича Ўзбекистонда бузилган ерларнинг барча турлари майдони 200 минг гектардан ортиқ, шундан 60 минг гектари сугориладиган ва қишлоқ хўжалиги учун қулай худудларда жойлашган.

Сугориладиган ерларда унумдор тупроқ бузилишининг энг катта қисмини сугориш тармоқлари ёқасидаги тўғон, каналлар, коллектор-дренаж қуришда ковланган ўнқир-чўнқирлар ташкил этади. Улар қишлоқ хўжалик оборотидан чиққан ва қайтарилиши керак. Республикада бундай ерлар 25 минг гектар атрифида.

Ерларни техник рекультивациялаш

Рекультивациялашнинг техник босқичига текислаш, қияликларни тартибга солиш ва унумдор қатламни йиғиб, ташиб келиб тўкиш, мелиорациялаш, кўллар қуриш ва бошқалар киради.

Тупроқ келтириб тўкиш ишлари қуйидагicha бўлиши мумкин:

1. Резерв майдондан унумдор тупроқни йиғиб олиш, ташиб ва рекультивация майдонига солиш;

2. Резерв майдондан унумдор туприқ йиғиб олиниб, кейинчалик солиш учун яқинроқقا тўплаб қўйиш;

3. Резерв майдондан унумдор тупроқ йиғилиб, рекультивация қилинадиган майдонга тўплаш ва кейин ерга солиш.

Энг самаралиси унумдор тупроқни тўплаб қўйиб асрарни талаб қилмайдиган 1-вариантдир. Аммо рекультивация ва тупроқ йиғиш муддатлари мос келмагани учун амалда кўпроқ 2-3-вариантлардан фойдаланилади.

Трансплант резервларига қуйидагилар киради:

- йўл, сув кувурлари, каналлар, каръерлар, шунингдек саноат ва қурилишлар;

- қирлардан оқизилган унумдор тупроқ, жарлик, кичик дарёлар туби ва бошқа жойлардан олинадиган тупроқ.

Трансплант сифатида тўлақонли тупроқдан фойдаланилганда ҳам тўплаб қўйишга тўғри келади. Бу ҳолда А горизонтининг энг унумдор тупроғи йиғилади, резерв ёки рекультивация қилинадиган майдонга тўпланади. Кейин унуми камроқ В горизонтига ташиб солинади.

Ерни бузиш билан боғлиқ турли ишларда тупроқ қатлами унумдорлигини асрар, лойиҳа ҳужжатлари тузищда эса тупроқ унумдорлигини баҳолаш ва йиғиб олинадиган қатлам қувватини аниқлаш керак.

Кейинги пайтларда трансплантни асраш бўйича қатор стандартлар чиқди. Жумладан, линияли иншоотлар барпо этилганда унумдор қатlam йиғиб тўпланмай, қурилиш туфайли бузилган майдон ва икки ёнидаги унумсиз ерларни рекультивация қилишда фойдаланиш тавсия этилади. Гил, соз, соз-қумтупроқли майдонларда иш олиб борилганда юза қисм албатта йиғиб олиниши зарур. Қумоқ тупроқ эса фақат ўзлаштирилган ерларда йифилади.

Йиғиб олинадиган қатlam қалинлиги унумдорлигининг асосий кўрсаткичларига қараб белгиланади.

Гумусли қатlam қуввати генетик горизинт бўйича 3 дан I - 1,5 фоиз бўлиши лозим. Узоқ вакт сугорилган яримчўл ва чўл зоналарида мустасно тариқасида гумус микдори 1 фоизгача қатlam йиғиб олинади.

Трансплантни йиғиш, ташиб, солишиб, текислашда тупроқ бузилади, генетик горизонтлари аралашади ва бу тупроқдаги гумуснинг 30 - 50, азотнинг 35-48 фоиз ҳамда микробиологик фаоллигининг икки баробар камайишига сабаб бўлади.

Унумдор тупроқ уюми узоқ (5 йилдан ортиқ) сақланганда таркиб агрегат тузилиши ёмонлашади, кесакка айланади, фаол гумус пассив ҳолатга ўтади, биологик фаоллик даражаси камаяди.

Тўпланганда унумдор тупроқ уюми баландлиги 5, потенциал унумдор тупроқни эса 10 метрдан ошмаслиги керак.

Тупроқни йиғиш, ташиб, солишиб скрепер ва булдъозерлар ердамида бажарилади.

Рекультивация қилинаётган қатlam қуввати Р отвал жинс агпитехник ва шизик хусусиятлариға боғлиқ ва

$$Pc = h b + h k + 0,2 m$$

формуласи билан ифодаланди.

қум - 0,5; соз-қум - 1,0 - 1,5; созтуприқ - 1,5 - 3,0;

$h k$ – илдиз жойлашадиган қатlam қуввати:

$h k$ - донлилар учун - 0,8; мевали дараҳтлар учун - 1,5 - 2; ўрмонзор учун - 2,5 - 4.

Камунум майдонларга тупроқ маҳсулдорлилиги табиий из ерлар киради ва улар кислота ёки ишқорли, юқори даражада эрозияга учраган, шўрланган, тошлоқ, шунингдек, органик моддалар, озиқа элементлари камбағаллиги билан характерланади.

Бир хил тупроқли майдонларга ёппасига, турли тупроқли ерларга эса танлаб трансплант солинади. Унумдор қатламнинг нами меёрида, яъни уваланадиган бўлганда солишиб лозим.

Бу жараён оддий ва комбинациялашган бўлади. Оддийсида камунум майдонларга аралаштиrmай бир йўла, комбинациялашганида икки марта: дастлаб 10 - 15 см қалинликда солиниб аралаштирилади, кейин лойиҳадаги нормага етказилади.

Оддий усулда унумдор ва унумсиз тупроқлар гранулометрик таркиби кам фарқ қиласи, комбинациялашганда эса фарқ катта бўлади.

Тупроқ солишнинг мақбул қуввати Мз

$$\hat{I}_{\zeta} = \frac{\hat{A} \cdot 30}{\hat{A} \cdot \hat{E} 1}$$

формуласи билан ифодаланали. Бунда

А - қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили билан озиқа моддаларининг чиқиши;

В - 30 см қалинликдаги унумдор қатламнинг озиқа моддалари миқдори; К₁-тупроқдаги озиқа моддалардан фойдаланиш коэффициенти.

Бузилган ерлар тупроқ қатламидаги ҳолатига қараб тўрт хилга бўлинади:

1 - унумдор қатлам тўла йиғиб олинган - карьер, йўл ёқалари, турли мақсадларда эгалланган очик майдорлар, жарликлар;

2 - 50 ва ундан ортиқ фоизи йиғилган, унумдор қатлам пастки унумдор жинс билан аралаштирилган – газ-нефт қувурлари, еости алоқа, электр линиялари ва бошқа қурилишлар ўрни;

3 - унумдор қатлам остидаги 20 см ва ундан ортиқ чуқурликдаги унумсиз жинс билан қўшиб йиғилган - каналлар ёқаларидаги дўнгликлар, геология-қидириув отваллари;

4 - унумдор қатлам геология-қидириув ва бошқа ишларда бузилган, машина ва механизмлар, турар жойлари ва бошқа жойлар тупроқлари.

"Рекультивация бузилган ерлар турига қараб ўз хусусиятига эга.

Ҳар бир турдаги бузилган ер техник рекультивациясининг йўналиш ва технологик ечимини кўриб чиқамиз.

I. Карьер қазув ишлари натижасида заарланган ерларни техник (тоғ-техник) рекультивацияси тўрт йўналишга эга: қишлоқ хўжалик, ўрмон, сув хўжалиги ва реакрацион.

Чуқурлиги 5-15 метр майда карьерлардан қишлоқ хўжалиги, ўрмон, шунингдек саноат қурилиши, чуқурроқларидан (гилли ёки созтупроқли) сув ҳавзаси сифатида фойдаланган маъқул.

Фаолияти тўхтаган карьерлар рекультивацияси аввалдан унумдор қатлами йиғиб олиниб асраб қўйилмагани учун рекультивация ўтказилмайди. Бундай ҳолатда у ерлардан пичанзор ёки яйлов сифатида фойдаланиш лозим.

Кишлоқ хўжалик рекультивацияси. Фаолияти тўхтаган карьерлардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун фойдаланишининг икки варианти мавжуд: устки қатлами жинси билан кўмиш ва яқин атрофдаги шу мақсадда ажратилган майдон тупроғидан солиши.

Биринчи вариантда қуидаги асосий ишлар бажарилади:

- юзаки карьерлар унумдор қатлами йиғилиб асраб қўйилади;
- юза қатлам жинслари аралаштирилади ва солинади;
- солинган тупроқ текисланаб, зичланади;
- йиғиб олинган қатлам аралаштирилади ва текисланади.

Унумдор қатlamни аввал түкилган жинс яхши жойлашгандан кейин солиш тавсия этилади.

Рекультивация қилинган каеръер қиялиги шудгорларда 2, яйдов учун - 2 - 4 ва бөг учун 5 даражадан ишмаслиги лозим.

Иккинчи вариантда қуидаги ишлар амалга оширилади:

- тупроққа махсус ажратилған майдонда ишлов беріш ва карьерга ташиб түкиш;

- махсус ажратилған ердан унумдор қатlamни йиғиш ва зарур ҳолатда асрапш учун уйиб қўйиш;

- трансплантни тапиш, тўкиш ва текислаш;

- махсус ажратилған майдонни (резерв) тиклаш.

Карьер аҳоли пунктига яқин жойлашган бўлса, кўмиш учун қурилиш чиқиндиси, шлак, хўжалик майший ахлатларидан фойдаланиш мумкин. Улар устидан эса тупроқ тўкилади.

Одатда резерв учун ноқулай жойлар, яъни кўпинча эрозияга учраган ёки сурилиб тушадиган қир-қияликлар ажратилади. Ишлов берішда аввал гумусли қатlam йиғилиб тўпланади. Ишни мазкур майдон келгусида фойдаланишга яроқли бўлишини ҳисобга олган ҳолда бажариш зарур. Биринчи вариантда тадбир асосий тоғ ва транспорт ускуналари ёрдамида амалга оширилиши керак, бу рекультивация харажатларини анча камайтиради.

Жарликка айланган оралиқ техник рекультивацияси қуидаги ишларни ўз ичига олади: ўсимликлар сақланиб қолган қатlam кўчирилиб йиғиб қўйилади; жарлик атрофидаги тепалик тупроғи суриб тўкилади, у чукур бўлса, бошқа жойдан тупроқ келтирилади; юзаси текисланади; аввал кўчириб олинган қатlam ётқизилади.

Ерларнинг техник рекультивацияси бўйича лойиҳа ҳужжатларига қуидагилар киради: лойихадаги майдон плани; ҳар 10-15 метрда дўнгликлар текисланиб, чуқурлари кумиладиган мураккаб тузилишли ерлар лойиҳа профили; карьерга туташ тупроғи йиғиб олинадиган ҳудуд (1-варинатдаги) тупроқ ишлари картограммаси; карьерни рекультивация қилиш бўйича тупроқ ишлари картограммаси; бузилган ерлар лойиҳа горизонталларидағи рекультивациядан кейинги) майдони плани.

Ишлар схемаси қабул қилингач, маълум бир жойдаги ва жами техник ҳужжатлар тузилади.

Ўрмон рекультивацияси. Рекультивациялаш мўлжалланган норуда қурилиш ашёлари карьерлари яроқли, кам яроқли ва яроқсизга бўлинади. Қиялиги 7 даражагача (сув босмайдиган), туприфидаги шағал миқдори 30 - 40 фоиздан ортиқ бўлмагаи, 15 фоиз карбонат ва 6-10 фоиздан ортиқ гилли, карьерлар яроқли, қиялиги 12 - 20 даражада, сув босадиган. Шагали 50 ва карбонат 20-40 фоиздан ортиқлари кам яроқли турга киради.

Ўрмон рекультивацияси карьерни тўлиқ кўмиш ва ерни пухта текислашни талаб қилмайди. Бироз текислаш, дўнгликлар учини қирқиши, гилли кияликларни 10 - 12, қумоқларини 4 - 6 даражага келтириш кифоя.

СредазНИИЛХ тадқиқотларининг кўрсатишича, Ўзбекистон худудида тез ўсуви терак, оқ акация, шумтол, тол экиш самаралидир. Терақ, айниқса қоратерак табиий ва сунъий шароитларда яхши ривожланиши билан ажралиб туради. 10 йил мобайнида унинг ёғоч заҳираси гектарига 230 м^3 дан ошади.

Шунингдек ғишт заводи карьерларидан бўшаган майдонларга ҳам терак экиш мақсадга мувофиқдир.

Пахтазорларда ўрмон-ҳимоя минтақаси яратиш очик даладагига нисбатан ҳосилдорликни 13 фоизга оширади.

Сув хўжалиги рекультивацияси. Фаолияти тўхтаган карьерларда ҳавзалар барпо этишда сувни бир меъёрда ушлаб туриш, сингиб ёки еости ўйиқларига оқиб кирмаслигини таъминловчи гидротехник иншоотлар қуриш назарда тутилиши лозим. Ҳавзадаги сув миқдори буғланиш, фойдаланиш истеъмоли, сингиш сарфларини қопладиган, санитария-гигиена талабининг муҳим шарти ҳисобланмиш 1,5 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Шунингдек қирғоқдаги дўнгликлар сурилиб тушмаслиги учун мустаҳкамланиши, туби текисланиши зарур.

Рекультивациянинг рекреация йўналиши. Рекреация мақсадларида ўтказилиган рекультивация ишлари ижтимоий-иктисодий жиҳатдан жуда самаралидир. Рекреация ҳудуди базасида заминавий энг сердаромад ва фойдали тадбирлардан бири дам олиш индустириясини барпо этиш мумкин. Бунга Чирчик дарёси ўзанидаги бузилган ерлардан фойдаланиш тажрибаси мисол бўла олади. Шағал карьери ўрнида Тошкент шаҳар аҳолиси учун бир неча кўлли "Роҳат" дам олиш зонаси яратилган. Бунда ниҳоятда кам маблағ сарфланди, фойда эса катта.

Газ-нефт қувурлари, еости кабеллари ўтказилиши натижасида бузилган ерларни техник рекультивациялаш ва технология бўйича амалга ошириладиган ишлар қўйидагидардан иборат:

- қурилиш полосасидаги унумдор қатламни йиғиш. Трасса ёқалаб 45 метр кенгликгача ер ишдан чиқади;
- тупроқни ташиб уйиш;
- трубопровод ётқизиб бўлингач, юза қатламни қайтариб тўкиш ва текислаш;
- унумдор тупроқни қайтариб солиш ва текислаш.

Бир қатор муаллифларнинг ҳисоб - китобларига кўра, гумусли қатламни ташиш рекультивация харажатларининг ярмига яқинини ташкил этади. Шунинг учун муаллифлар магистрал трубопровод қурилиши туфайли бузилган ерларни рекультивация қилишнинг икки вариантини тавсия этадилар:

1. Жойлаштирилган қувур ўрнидан чиққан ҳимоя зонасидаги тупроқни юза қатлам билан аралаштириш;

2.Олдиндан юза қатlam тақсимланиб, 7 метр кенглик ва 40 см чуқурликда плантаж плуг билан ёппасига шудгорлаб юбориши.

Бу ишларни бажариш учун қуйидаги механизмлар керак: унумдор қатlamни йиғиб, траншеяларга ишлов берадиган ЭТР=254 экскаватори; тупроқни траншеяга ётқизиш, унумдор қатlamни қайтариб солиши ва текислаш учун Д=678А булдъозери; шудгорлайдиган ПТН=40 икки ярус плугли Т=4А занжирили трактори.

Бир қатор муаллифлар текширувлардан сўнг шундай хulosаларга келдиларки, камбағал тупроқларда (гумус микдори 2,7 фоизгача) трубопровод ётқизиш пайтида йўқотиш кўп эмас, шунинг учун техник рекудътивацияни соддалаштириш ёки мустасно қилиш мумкин. Бунда унумдордикни тиклаш учун йўқотилган гумусни қоплайдиган микдорда гўнг солиши кифоя.

3. Суғориши каналлари бўйидаги уюмлар, геология-қидирив ишларидаги отвал ва бошқалар ҳам юқоридаги усул билан рекультивация қилинади.

4. Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган ерларни тиклашда айрим муаллифлар энг аввало рекультивациянинг техник босқичини ўтказишини таклиф қиласидилар. Бу мум аралашган тупроқни тозаси билан аралаштириб юбириши, минерал фаоллаштирувчи моддалар солиши, чуқур шудгорлаш ва офтобда тобланиши учун (гелиотермик мелиорация) икки йил қолдиришдан иборат. Кейинги, яъни биологик босқичда барча агротехника талаблатшга қатъий амал қилиш зарур.

Ерларни биологик рекультивациялаш.

Биологик рекультивация бузилган ерлар унумдорлигини тиклаш бўйича агротехник, фитомлиоратив ва бошқа тадбирлар комплексини ўз ичига олади, у икки йўналиш - ўрмон ва қишлоқ хўжалик рекультивациясидан иборат.

Ўрмон рекультивацияси одатда унча унумдор бўлмаган майдонларда ўтказилади, камроқ харажат талаб қиласиди ва шунинг учун кенг тарқалган.

Қишлоқ хўжалик рекультивацияси саноат қурилиши учун фаолият бошлангунча унумдор бўлган ерларда амалга оширилади. У икки бисқичда олиб борилади.

Биринчи босқичда тупроқ қишлоқ хўжалик экинлари ўстиришга яроқли даражагача тикланади. Бунинг учун тупроқ шароитига унча талабчан бўлмаган, касаллик ва бегона ўтларга чидамли, кўп микдорда еrosti ва ерусти массаси яратадиган ўсимликлардан фойдаланади.

Иккинчи босқичда туприқнинг қанчалик тикланишига қараб нормал даражада ҳосил берувчи қишлоқ хўжалик экинлари экилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ерларни биологик ўзлаштириш қуйидагича амалга оширилади: техник рекультивациядан кейин тупроққа дастлабки ишлов бериш, ўғитлаш ва кўп йиллик ўтлар экиш. Биологик ўзлаштириш даври одатда 3 йил (баъзан кўпроқ), ундан сўнг майдон қишлоқ хўжалигига фойдаланишига киритилади.

Тупроққа дастлабки ишлов бериш нам сақланиши ва түпланиши, бегона ўтлардан тозаланиш, сув-ҳаво ҳамда озиқа режимиининг меъёрга тушиши, аэрациянинг кучайиши, биологик жараёнларнинг фаоллашуви, заҳарли бирикмаларнинг парчаланишига олиб келади.

Дастлабки ишлов, беришга қўйидаги операциялар киради:

- пайкални енгил, лекин пухта текислаш, бу суғоришини енгиллаштиради ва механизация ишлаш сифатини оширади;
- ағдармай ҳайдаш, бу баҳорда тупроқни эрозиядан ҳимояловчи анғизни асрайди;
- молалаш билан бир вактда бороналаш - тупроқдаги намни саклаш учун;
- кесакларни майдалаш, юзани текислаш ва экишдан олдин тупроқни зичлаш учун молалаш.

Ўзлаштирилаётган майдонлар юза қатламидаги лзиқа моддалари етишмаслиги ёғин микдори, пайкалнинг қиялиги, қатlam сифатига қараб биологик босқичда белгиланган микдор, тур ва нормада ўғит солиб бартараф этилади.

Шудгорлашга мўлжаллаб рекультивация қилинган майдонлардаги чиринди захираси тикланиши учун суперфосфат аралаштириб компостга айлантирилган ғўнг солиш тавсия этилади. Гўнгга суперфосфатни юклаш ёки штабелга жойлаб пайтида аралаштириш мумкин. Гўнгни штабелларда зичлаш, устини тупроқ билан ёпиш ва икки-уч марта сув қўйиш ёзда юқори сифатли ўғитга эга бўлишни таъминлайди.

Ерни ўзлаштираётган экинларга минерал ўғитлардан аммофос, калий тузи ва амиак селитраси солиш тавсия этилади.

Ўғит микдорини

$$\hat{I}_0 = \frac{\hat{A} - \hat{A} - \hat{E}_1}{\hat{E}_2}$$

формуласи бўйича ҳисоблаш мумкин.

Бунда M_y - ўғит микдори;

А - озиқа моддаларининг қишлоқ хўжалик экинлари билан чиқиб кетиши;

В - унумдор қатламдаги озиқа моддалари микдори;

K_1 - озиқа моддаларининг тупроқда фойдаланиш коэффициенти;

K_2 - озиқа моддаларининг ўғитдаги фойдаланиш коэффициенти.

Барча минерал ўғитлар бир турда, майда, аммо гарддан иборат эмас, доналарга осон ажralадиган, ёпишиб қолмаган бўлиши керак.

Экишолди ишлови ва ўғит солингандан сўнг тупроқ унумдорлиги ҳамда таркибини тикловчи ўтлар экишга киришилади.

Ўзлаштирувчи мелиоратив экин сифатида кучли биологик масса ҳосил қилувчи кўп йиллик ўтлардан фойдаланилади. Бошоқли ва дуккакли қўпийиллик ўтлар аралашмаси бу талабга жавоб беради. Жумладан, беда яшил ўғит сифатида экилганда тупроқнинг химик, физик хоссаларини яхшилашда фаол

иштирок этали (гектарига 300 килограммгача азот ҳосил қиласи). Кулранг тупроқларда беда, күп марта ўриладиган райграс ва оқсұхта аралашмасини әкиш катта самара беради.

Үтлар уруғи ер молаланиши билан (табиий ерлардагига нисбатан 1-1,5 хафта эрта) 2 - 4 см чукурликка әкілади.

Биринчи йили олти марта сугорилиб, иккі марта, иккінчи йили саккыз марта сугорилиб, түрт марта ўрилади. Учинчи йили яшил масса шудгорлаб юборилади ва сугорилади. Албатта, бу тавсиялар хар бир табиий зона шароитига қараб мослаштирилиши керак.

Рекультивациянинг уч йиллик биологик бисқичидан сўнг ер майдони қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Республика ҳудудида рекультивациялаш объектларига қайси ерлар киради?
2. Трансплант резервлариға нималар киради?
3. Дастрлабки ишлов беришга қайси операцияларни киритиш мумкин?
4. Ерларнинг техник рекультивацияси бўйича лойиха ҳужжатларига қайсилар киради?

4-МАВЗУ: Таркиби бузилган ерларнинг карта схемасини яратиш.

Ўзбекистонда техноген бузилган тупроқлар географияси кенгроқ. Дарҳақиқат табиий бузилган тупроқлар асосан республикамизнинг тоғли ўлкалари ёки рельеф жиҳатдан нокулайроқ ўлкаларда тарқалган бўлса, техноген бузилган тупроқлар улардан фарқли ўлароқ республикамизнинг барча ҳудудларида учраб туради. Жумладан тоғли ўлкаларда техноген бузилган тупроқларни келиб чиқиши асосан нодир металларни излашишлари ёки ер ости бойликларини қазиш билан боғлиқ бўлса, текислик ҳудудларда эса газ, нефт, олтин заҳираларини излаш ёки катта транспорт магистрлари, темир йўл қурилишлари ҳеч бўлмагандан улкан саноат марказларини қуриш ишлари давомида вужудга келади. Бундай мазмудаги ишлар республикамизнинг барча вилоятларида мавжуд. Бироқ бу ишлар бажариладиган вақтда, албатта, турли миқёсдаги ер майдонлари жумладан тупроқ қоплами катта зарар кўради, яъни ўзининг унумдор қатламидан ажралади. Бугина бу эмас, балки республикамизда мавжуд бўлган ва ҳозир иш фаолиятида бўлган катта металургия ва кимё саноати чиқиндилари билан ҳам катта миқёсдаги ерларимиз яроқ сиз ҳолга тушиб қолмоқда. Жумладан Олмалиқ аммофос ёки Самарқанд суперфосфат заводлари, Бегавот металургия заводи, Навоий ва Чирчиқ шаҳарларидағи кимёвий заводлар чиқиндилари билан ҳам жуда катта майдондаги ерлар қопланиб ётибди. Бу турдаги тупроқлар ўзининг унумдорлигини батамом юқотиб, узоқ муддатли “жонсиз чўлга” айланганлар ва атроф-муҳит экологиясига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Қуйида биз техноген бузилган тупроқлар, уларнинг генезиси, эволюцияси ва рекультивациясига тўхталиб ўтамиз. Ушбу услубий кўрсатма асосан Сибир олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳамда республикамиз миқёсида бу муоммаларни ечимиға қаратилган айрим ишлар натижаларини келтирамиз.

Фойдали қазилмаларни ковлаб олиш ҳар доим тупроқ қопламини бузиш ва бутун жонли мавжудотлар яшаши учун қатор нохушликлар туғдириш билан боғлиқ бўлиб келган, яъни об-ҳаво, дарёлар ифлосланган, ер заҳарланган. Натижада техноген ландшафтлар - кўпинча мутлақо ҳаётсиз ҳудудлар пайдо бўлган.

Дунё тоғ-кон саноати бошқа тармоқларга нисбатан 1,4 - 1,7 баравар тез ривожланмоқда. Шу муносабат билан техноген ландшафтларни рекультивация қилиш муаммоси бутун жаҳондаги энг долзарб масаладир. Бузилган тупроқларни рекультивация усуллари билан тиклаш тажрибаси жуда бой ва рангбаранг. Бироқ у ерларни қишлоқ хўжалиги учун тиклашга қаратилган таклифлар билан чегараланган, (Дороненко Е.П. ва б. 1974).

Техноген ландшафтларнинг қайта тикланиш самарадорлиги тупроқ экологик ва хўжалик юритиш функцияларининг пайдо бўлгани билан баҳоланади. Чунки тупроқнинг фойдали маҳсулот бериш имконияти билан белгиланадиган хўжалик функцияси экологиясига қараганда анча тезроқ тикланади. Бу тупроқ таркибида яшовчи организмлар ҳаётига шароит яратиши ҳамда озиқа, геокимёвий, сув-ҳаво режим ва хусусиятлари ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш имконияти бўйича белгиланади.

Техноген ландшафтда илк ўсимликларнинг ўниши ҳудудни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичидир ва уларнинг ривожланиш ҳолати экологик аҳвол кўрсаткичи ҳисибланади (Шенников А.П., 1964). Шу сабабли бузилган тупроқларда илк фитоценозларнинг шаклланиши масаласи қўплаб олимларни қизиқтиради. В.В.Тарчевский (1968), Л.В.Моторина (1970), Г.И.Махонина, Т.С.Чибрик (1975) лар ўз илмий ишларида техноген субстратларнинг табиий ўсиш жараёнини чуқур таҳлил қилганлар. Жумладан, ўсимлик гурухлари таркиби, бузилган тупроқларнинг ёши, тури, иқлими, рельефи ва бошқа омилларга қараб ривожланиш суръатларини батафсил тасвирилаганлар.

Г.А.Бондарь, Э.С.Додатко (1974), Е.Р.Кандрашин (1979) ларнинг қайд қилишларича, бузилган тупроқлардаги ўсимликларнинг ривожи учта: илк, оддий, мураккаб гурухлашув босқичидаги сингенез тури бўйича кечади. Л.В.Моторина, Т.И.Ижевская (1980) лар ҳам сингенетик сукцессиянинг уч босқичини алоҳида кўрсатадилар. Шу асосда ўсимликлар жамоаси шаклланишининг дастлабки босқичида илк ўсимликлар бегона ўтлардан иборат бўлади. У барқарор ёпиқ ценоз ташкил этмайди, тарқалиши ўзгарувчан. Отвалларда юқори табақали ўсимликлар вужудга келганидан то мураккаб ценоз босқичи қарор топгунча 10-15 йил ва ундан ортиқ вақт ўтади. Сукцессия

суръати жуда кўп жиҳатдан субстрат хусусиятига боғлиқ. Тупроқ функцияларининг табиий тикланишига узоқ вақт кетиши муносабати билан уни қисқартириш усулларини ишлаб чиқиши зарурати туғилади. Бу функциялар тикланиши тезлигини оширишнинг энг оқилона йўлларидан бири кўп йиллик ўтлар экиб биологик рекультивация усулидан фойдаланишдир. Бундан ташқари, Германияда, масалан, бошоқли ўсимликлар ўтмишдоши сифатида кўп йиллик дуккакли ўтлар экишда кимёвий мелиорант ва минерал ўғит ўрнига оҳак солинади. Тупроқни яхшилаш учун нўхат, дуккаклилар, кунгабоқар, вика, турли навли бедалар алоҳида рекультивация пайтида ёки аралаш экилади. Польшада рекультивация пайти тупроқни яхшилаш ва яшил қоплама учун бедалар, эспарцетдан фойдаланилади.

Венгрияда тезлаштирилган аралаш техник ҳамда биологик рекультивация усули кенг тарқалган. Бу усуlda, дарвоҷе, олдингиларида ҳам тупроқни қайта тиклаш масаласи назарда тутилмайди. Унумдорликни ошириш учун таркибига минерал ўғит, микро ва макроэлементлар кирувчи биоактив органик препарат ўрнини гумус босади.

Болгария, Руминияда ҳам асосий эътибор қишлоқ хўжалик ер майдонлари яратишга қаратилган. Бунга катта миқдорда органик моддалар солиш, кўп йиллик ўтлар экиш билан эришилади.

Англияда рекультивация қилинаётган ерларда манзарали дараҳтлар аралаш пичанли яйловлар яратиш кенг тарқалган.

Шуни қайд этиш керакки, яқин вақтларгача мазкур мамлакатларда биологик рекультивация энг аввало қишлоқ хўжалик ерларини тиклаш ёки ландшафт дизайнни элементи эди. Тупроқ экологик функцияларини тиклаш муаммоси иккинчи даражали эди.

Россияда рекультивация муаммоси бир қадар бошқача ҳал этилади.

Т.Сарзуманян, Н.А.Крейда (1960) гўнг солиш (80 т/га), кузги арпа. экиш усули билан биологик рекультивация қилинган гидроотвалларда тадқиқот олиб бораракнлар, тупроқ тури, шудгор қисмида таркиб пайдо бўлгани, ибтидоий тупроқ профили шаклана бошлаганини аниқладилар.

А.Н.Кругов, А.П.Крапцов, Т.Н.Келеберда (1969) Донбассда очик усуlda ўтга чидамли лой олина бошлагач, вужудга келган техноген ландшафтда ўтказган тадқиқотларида гумус пайдо бўлиш суръати субстратнинг минералогик таркиби, ўсимликлар характеристи ва гидротермик шароитларига боғлиқ эканини қўрсатдилар. Ўтлоқ соз лой жинсларда гумус қумлоқдагига нисбатан анча тез шаклланади.

А.М.Бурикин, Э.З.Засорина (1989) ларнинг таъкидлашларича, КМА техноген ерларида кўп йиллик ўсимликлар ўстириш тупроқ шаклланишини элементар тупроқ даражасида фаоллаштиради, демак, ялпи углерод ва кальцийга боғлиқ гумин кислоталарини ҳам қўпайтиради. Тупроқ шаклланиши билан бир вақтда ўсимликдар миқдори ортиб боради.

Э.В.Засорина қайд этадики, янги тўкилган она жинсда кўп йиллик ўсимликлар (ўтлар) ўстириш гумус тўпланиши ва техноген субстратнинг ёш тупроққа айланиш жараёнини тезлаштиради.

Азотга танқис бузилган ерларга дуккакли-бошоқли экинларни аралаштириб экиш уларнинг азот ишлаб чиқариш имконияти туфайли ушбу ҳамда органик моддаларга талабчан ўсимликлар учун қулай шароит яратишини А.Ф.Логинов (1989) кўрсатиб ўтган, К.Вернер (1973) ҳам буни тасдиқлайди.

А.Д.Гогатишвили (1967, 1970) Чиатур марганец конида ўтказган тадқиқотларида субстрат унумдорлигини биологик тиклашда кўп йиллик экинлардан фойдаланиш тупроқнинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини яхшилашини аниқлади.

Л.Т.Крупская, Е.В.Новикова (1989) лар дуккакли-бошоқли экинлар аралашмасидан фойданилганда тупроқ шаклланиш жараёни суръати анча тез кечишини қайд этди.

Хозирги кунда рекультивациянинг бир неча моделлари таклиф этилган. Бу, асосан, турли миқдорда минерал ўғит солиш ёки унумдор тупроқ келтириб тўкиш ва бошқалар. Унумдор тупроқ тўкмай ўсимлик ўстириш энг оддий усул ҳисобланади (Ескаревич ва б., 1969, 1976; Масюк, 1989). Кейинги ҳолда минерал ва органик ўғитлар солиб кўп йиллик бошоқли ҳамда дуккакли экинлар экиш тавсия этилади.

Техноген ландшафтлардаги бузилган тупроқни тиклашда маълум мақсадлар учун оз миқдорда гумус мавжуд ёки мутлақо йўқ қатлам ларда айrim мевали дарахт кўчатлари ўтқазилган (Чабан, 1966, 1977).

Кемерова вилоятида ниҳоятда катта қишлоқ хўжалик экин майдонлари бузилганига қарамай, рекультивациянинг энг кам ҳаражат талаб қилувчи модели-бошоқли-дуккакли экинларни аралаштириб экишдан фойдаланилади.

Афсуски, бизда ҳам, чет элларда ҳам бузилган ерларни рекультивация қилишда тупроқ функцияларини тиклаш масаласи ўртага кўйилмайди. Тупроқдаги йўқотилган хўжалик ва экологиии функцияларининг тикланиш жараёни суръати диагностикасини ишлаб чиқишига мўлжалланган дастлабки экспериментал ва дала тажрибалари Новосибирскдаги РFA лабораториясида олиб борилди. Бунда дарҳол жуда мураккаб назарий ва амалий муаммолар пайдо бўлди. Хусусан, В.М.Курачев (1993) нинг таъкидлашича, техноген ландшафтларда тупроқ ҳосил бўлиш хусусият ҳамда характерли нормал тупроқни билан таққослаш қийин. У техноген субстратда органик углерод, азот йиғилиши ва уларнинг вужудга келиш жараёнларига боғлиқ.

Органик моддаларнинг йиғилиш суръати тупроқ шаклланишининг дастлабки босқичида, айниқса, илдизлар жойлашадиган юқори қатламда жуда тез бўлади. Тупроқ ва гумус пайдо бўлиши ривожланган сари аста-секин сустлаша боради (Фаткулин, Махонина, 1992). Г.И.Махонина (1976), Т.С.Чибрик, Н.В.Кравченко (1990) ларнинг кўрсатишлари бўйича, фитоценозларнинг 15-20 ёшига бориб, органик моддалар углероди ва азот

йиғилиш тезлиги пасаяди, органик, моддаларнинг гумусга айланиши фаоллашади. Охир оқибат отваллардаги тупроқ шаклланиш тезлиги зонал тупроқдагига тенглашади.

Н.Н.Наплекова (1993) Абагур аглофабрикасининг (агломерат ҳар хил жинс ва минерралларининг бир-бирига ёпишувдан пайдо бўлган ғовак тўшами) тоғ жинсини майдаланганда ҳосил бўлган қуқунсимон маҳсулот тўкилган жойида олиб борган тадқиқотларида тупроқ функцияларини тиклашни тезлаштиришнинг энг самарали йўлларидан бири минерал ва органик ўғитларга гумит натрий, цеолит қўшиб ишлатиш эканлигини аниқладилар. Бунда ёш тупроқ унумдорлиги ортиб, биологик фаолияти кучайиши кузатилди.

Тупроқ шаклланиш жараёнидаги муҳим қўрсаткич-модданинг таркибидир. С.А.Таранов ва бошқалар (1974), Г.И.Махонина (1974, 1979), Ф.А.Фаткулин (1977, 1979) ларнинг аниқлашларига кўра, ёш тупроқ гумус таркиби техноген ландшафтдаги ўсимлик турига боғлиқ.

Ф.А.Фаткулин, Г.И.Махонина (1992) ларнинг таъкидлашларича, гумус шаклланиш жараёни характеристига жинс-модда таркиби, ундаги кальций миқдори, гранулометрик (донадорлик) таркибнинг турлиги, субстрат кислотаси, ўсимлик хили ва микрофлораси таъсир этади. Ўтлоқ жойларда ёш тупроқ органик таркибida гумин кислотаси, фульвокислотадан устун бўлади (Фаткулин, Махонина (1992). Гумус вужудга келиш жараёнининг бу хусусияти тупроқ шаклланиши зонал тупроқ ҳосил бўлишига мувофиқ кечаётганидан дарак беради.

Техноген ландшафтлар тупроғида органик моддалар углероди ва азот ииғилиши параллел боради (Фаткулин, Махонина, 1992), Бунда ёш тупроқлардаги C:N улуши, одатда, зонал ерлардагидан бирмунча кенгроқ бўлади.

Техноген ландшафтлар тупроғида азотни шаклланиши ва тўпланиши билан И.Л.Клевенская (1976, 1977, 1991) шуғулланган. У тупроқда азот вужудга келиши кўп омиллар: ҳарорат, намлик, субстрат зичлиги ва бошқаларга боғлиқ эканлигини аниқлаган. Тажриба кўрсатганидек, ёш тупроқда азот тўпланишида туганак бактериялари билан бошқа тупроқ шаклланиш жараёнларини ҳам ривожига имкон яратувчи дуккакли ўсимликлар экиш катта фойда беради. Бунинг дастлабки босқичида аммонийлашиш нитратланишдан устун бўлади (Клевенская, 1992) Ҳозирга келиб шу нарса аниқланганки, техноген ландшафтлар ёш тупроғидаги фосфор ва калий ҳаракати асосан тупроқ ҳосил қилувчи жинс таркиби ҳамда шаклига боғлиқ.

Тупроқнинг физик ва сув-физик ҳоссалари ривожланиши гумус вужудга келиш жараёни билан бирга ҳосил бўлиб, етакчи аҳамиятга эга, чунки у фитоценозлар ҳаёти учун кўплаб зарур шароит комплексини белгилайди. Натижада асосий физик ва сув-физик хусусият сифатида тупроқ шаклланиш таркиби юзага келади. Тадқиқот ёш тупроқларда таркиб шаклланиши, айниқса,

агар субстрат енгил гранулометрик бўлса, суст кечишини аниқлади. Тўпланаётган гумус бу жараённи тезлаштиради.

Шундай қилиб, муаммо таҳлили кўрсатдики, техноген ландшафтларни биологик рекультивация қилишда асосий амалий масала бевосита манба ҳисобланмиш субстрат хусусият ва режимлари шаклланиши учун барча қулай шароитларни яратиб бериш орқали шаклланаётган тупроқ қопламиининг экологик функцияси сифатини аниқлайди.

Мухокама учун саволлар

1. Табиий бузилган тупроқлар Республикализнинг асосан қайси худудларида кўпроқ учрайди?
2. Техноген ландшафтларнинг қайта тикланиш самарадорлиги нима билан баҳоланади?
3. Техноген ландшафтлар тупроғида азотни шаклланиши ва тўпланиши билан қайси олим шуғилланган?

5-МАВЗУ: Ер мониторингининг асосий вазифалари, мазмуни олиб борилиш тартиби.

“Мониторинг” сўзи лотинча бўлиб (monitor-огохлантирувчи, кузатувчи, назоратчи каби маъноларни англатади). Елканли кемада назоратчи матросни шундай деб аташади, у бошка билан тукнашиб колмасликни огохлантирувчи бўлган. Инглиз тилидан “monitoring” сўзини таржимаси “назоратни олиб бориш, текшириш ва хатто маслаҳат бермоқ, насиҳат кilmok” кабиларни англатади.

Мониторинг буйича (Найроби, 1979й.) биринчи хукуматлараро кенгашда мониторингни олдиндан тайерлаб қўйилган дастур билан мувофиқликда маконда ва вакт бўйича маълум максадлар билан табиий мухит атрофини бир еки кўпроқ унсурларини тарорий узатиш тизими деб аташ кабул килинган.

Мониторинг максади-табиатни муҳофаза килиш фаолияти ва экологик хавф-хатарсизликни бошкаришнинг ахборот билан таъминлашdir.

Ўзбекистон Республикасида хозирги бозор иктисодиёти шароитида ерлардан фойдаланиш даражасини ошириш ва ердан олинадиган махсулот микдорини купайтириш максадида ер мониторингини ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган ер мониторинги барча ер фондининг мавжуд холати тўғрисида, уни баҳолаш, ўз вактида сифат ва микдор ўзгаришларини аниклаш, ердан фойдаланишда рўй бериши мумкин бўлган салбий окибатларни бартараф қилиш бўйича кузатувлар тизимини ўз ичига олади.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вактида аниклаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва окибатларини тугатиш учун ер фондининг холатини ва сифатини кузатиб туриш тизимидан

иборат. Ер мониторинги - табиий мухит холати мониторингининг асосий қисмларидан бири бўлиб ва шу билан бирга бошка табиий-мухит мониторингининг асоси бўлиб хисобланади. Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузиш, ер фондидан белгиланган максадда ва окиона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза килиш органларини ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторинги - ерларда назорат утказиш, ерларни химоя килиш ва ерлардан самарали фойдаланиш учун умумий кузатув ишларини амалга оширувчи тадбир хисобланади. Ер мониторингини ўтказиш, ерларни рекультивация килиш тартиби ва назорат утказиш турлари ва усулларини ягона тизим асосида, давлат томонидан тасдиклангандан кейин амалга оширилади.

Ер мониторингининг мазмуни ер фонди холатини маҳсус ташкил этилган мунтазам кузатишлар (суратга олиш, текшириш ва кидирув)дан куйидагилар ўзгаришларини аниклаш, баҳолаш ва прогнозлашдан иборатдир:

- ерга эгалик килиш, ердан фойдаланиш, экинзорлар, далалар, участкалар, манзара экология комплексларининг холати;
- ерлар унумдорлигининг ўзгаришига, уларнинг таназзули ва деструкцияси (аридизация ва чулланиши, сув, ирригация ва шамол эрозияси, чиринди микдори ўзгариши, тупрок таркибининг ўзгариши, оҳаклилиги, бегона ўт босганлиги, ерларнинг пестицидлар, оғир металлар, радионулидлар ва бошка токсик моддалар, саноат, майший ва бошка чикиндилар билан ифлосланиши)га таъсир килувчи жараёнлар (омиллар);
- табиий озукабоп ўтлар коплами холатининг ўзгариши (ўсимликлар таркиби, тузилиши, хосилдорлиги, сифати ва туйимлилигининг ўзгариши) билан боғлик жараенлар;
- дарёлар кирғокларининг, орол денгизи, қўллар, сув омборлари, ирригация ва гидротехника ишноотларининг холати;
- жарликлар ва ўпконлар, ўпирилишлар, сел оқимлари, зилзилалар, сув тошқинлари "дегишилар", карст, ер чукиши, бошка экзоген ва эндоген жараенлар ва антропотехноген ходисалар туфайли пайдо бўлган жараенлар;
- ахоли яшаш жойлари, нефть ва газ казиб олиш, тозалаш иншоотлари, гўнгхоналар, ахлатхоналар енилғи-мойлаш материаллари, уғитлар, захарли химикатлар омборлари, токсик саноат чикиндилари ва радиоактив материаллар кўмилган жойлар, шунингдек бошка саноат объектлари ерларининг холати.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошкармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектураси ва курилиш кумитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Хузуридаги гидрометерология Бош бошкармаси,

Ўзбекистон Республикаси Давлат биология ва минерал ресурслар кумитаси, Ўзбекистон Республикасининг бошка манфаатдор вазирликлари ва идорлари иштирокида амалга оширилади. Вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофикаштириш, Ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат кумитаси томонидан амалга оширилади.

Вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофикаштириш, ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер мониторингининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- ер фонди холати узгаришларини ўз вактида аниклаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни прогнозлаш хамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш буйича тавсиялар ишлаб чикиш;

- давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишини, ер тузишни, ер фондидан максадли ва оқилона фойдаланиш, ер тузишни, ер фондидан максадли ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза килиш ва ер ресурсларини давлат томонидан бошкаришга доир бошка функциялар устидан давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

Ер мониторинги узлуксиз олиб бориладиган давлат тадбирлари тизимиға киришини хисобга олган холда биринчи боскичда ташкилий бошкарув ишларини амалга оширишни максадга мувофик деб хисоблаймиз. Бунда куйдаги вазифаларни амалга ошириш кузда тутилади:

- ер мониторингини илмий-услубий курсаткичларини ишлаб чикиш;
- хукукий ва меъёрий асосий курсаткичлар тизимини яратиш;
- ер мониторинги талабларига мос булган минтакавий худудларни аниклаш (иктисодий, ижтимоий, экологик шароитларни хисобга олган холда);
- ер мониторинги буйича ахборотлар тизимини ташкилий бошкарув жихатдан аниклаш;
- ер мониторингини утказишнинг замонавий технологиясини ишлаб чикиш.

Давлат ер мониторингини утказиш асослари ва тузилмаси .

Ўзбекитон Республикасининг барча ерлари, уларнинг хукукий режими, фойдаланиш максади ва характеристидан катъий назар ер мониторингининг объекти хисобланади.

Мониторинг ерлардан фойдаланиш максадини хисобга олган холда олиб борилади ва ер фонди тоифаларга мувофик булган куйидаги кичик тизимларга булинади:

- кишлоқ хужалиги максадидаги ерлар мониторинги

- ахоли пунктлари ерлари мониторинги:
- саноат, транспорт, алока, мудофаа ва бошка максадлардаги ерлар мониторинги:
 - табиатни муҳофаза килиш, соғломлаштириш, реакцион максадлардаги ерлар мониторинги:
 - тарихий-маданий максадлардаги ерлар мониторинги:
 - урмон фонди ерлари мониторинги:
 - сув фонди ерлари мониторинги:
 - захира ерлар мониторинги.

Худудий камраб олинишга кўра ерларнинг республика, минтакавий ва маҳаллий мониторинги амалга оширилади.

Республика мониторинги Ўзбекистон Республикасининг бутун худудини камраб олади. Маҳаллий мониторинг алоҳида ер участкалари ва манзара - экология комплексларни камраб олади.

Ерларнинг холати ўзгаришларнинг йўналиши ва жадаллигига оид бир канча изчил кузатишларни (даврий, мавсумий, суткалик) тахлил килиш, олинган курсаткичларни ерларнинг сифат холати нормативлари билан таккослаш орқали баҳоланади. Ер холатини баҳолаш курсаткичлари муайян давр еки сана учун хам абсалют, хам нисбий курсатгичларда (улчов бирлигига) ифодаланади. Ерлар холатини баҳолаш натижаларига кура тезкор маълумотлар, ахборотлар, прогнозлар ва тавсияномалар тузилади, уларга ўзгаришлар, айникса салбий ўзгаришларнинг динамикасини, уларнинг йуналишини ва жадаллигини тавсифловчи мавзули хариталар, картограммалар, жадваллар ва диаграммалар илова килинади.

Ер мониторинг Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кумитаси томонидан манфаатдор Вазирликлар, Давлат кумиталари ва идоралар иштирокида ишлаб чиқарилган ва тасдикланадиган ягона услугуб олиб борилади, бу услугуб ерларнинг холатини тезкор ва мунтазам кузатишларни амалга оширилувчи, тадқикотлар, текширишлар утказувчи еки хариталовчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий хисобланади.

Идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларидан катый назар ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг холатини кузатувчи корхоналар муассасалар ва ташкилотлар ер ресурслари буйича тегишли хизматларга уларнинг ваколатлари доирасида ерларнинг микдор ва сифатловчи холати тўғрисидаги маълумотларнинг ер мониторинги ва давлат ер кадастри буйича ахборотлар киритиш учун курсатилган ишлар буйича материалларнинг нусхаларни текин берилади.

Ўз навбатида ер ресурсларини буйича хизматларни хам Ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг холатини кузатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларнинг суроига биноан зарур материалларни текин берадилар.

Ер мониторинги ягона классификаторлар, кодлар, метрик бирлик тизими,

маълумотларнинг стандарт форматлари ва меъерий - техник база, координаторлар ва баландликлар давлат тизимига асосланган турли хил маълумотларнинг бир - бирларига мослиги принципига риоя килган холда амалга оширилади.

Ер мониторинги утказишда зарур ахборотларни олиш учун куйидагилар кулланилади.

- масофадан туриб зондлаш (айрокосмик суратга олиш ва кузатишлар);
- ерда суратга олиш ва кузатиш;
- фонд материаллари.

Муддатлари ва даврийлигига кура ерларнинг холатини З та гурух кузатишлар амалга оширилади:

- базавий (ер мониторингини уритишнинг дастлабки боскичидан кузатиш объектларининг хакикий холатини кайд этувчи бошла[^]ич) кузатишлар;
- даврий (йиллик ва бир йиллик устидаги даврлар буйича
- тезкор (жорий узгаришларни кайд килувчи), бир йилдан кам оралиқ даврда муентазам еки бир йула бажариладиган кузатишлар.

Экин майдонлари далалар, участкалар, манзара экология комплекслар холатини бевосита кузатиша олинган базавий маълумотлар туманлар, шахарлар кўргонлар, вилоятлар, Коракалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон республикаси буйича шунингдек алоҳида табиий комплекслар буйича умумлаштирилади.

Ерларнинг базавий ва даврий мониторинги:

- Коракалпоғистон Республикаси вилоятларида - Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари бошкармалари;
- Тошкент шаҳрида - Узгеодезкадастр бош бошкармасининг кучмас мулк давлат бошкармаси томонидан юритилади.

Ерларнинг мониторинги базавий ва даврий мониторинги маълумотлардан фойдаланилган холда:

- шахарлар ва кўргонларда - "Узгеодезкадастр" бош бошкармасининг туман ва шаҳар кучмас мулк давлат кадастри хизмат килади;
- Республиканинг колган худудларида Ер ресурслари давлат кумитасининг туман хизматлари томонидан юритилади.

Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари бошкармалари Тошкент шаҳар кучмас мулк давлат ер кадастри бошкармаси Давлат табиатни муҳофаза килиш кумитасининг худудий органлари билан биргаликда ҳар йили 1 февралдан кечиктирмай давлат хокимияти махаллий органларига, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кумитасига, Давлат табиатни муҳофаза килиш кумитасига минтакадаги ерларнинг холати тўғрисида ахборотлар (хисоботлар) тақдим этадилар, ута хавфли ва йул кўйилиши чекланган жараёнлар аникланган тақдирда тезкор маълумотлар юборадилар.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жисмоний шахслар ер

мониторинги маълумотларидан белгиланган тартибда хак тулаган холда фойдаланадилар.

Ер мониторингини юритиш буйича ишлар давлат бюджети маблағлари хисобига амалга оширилади. Ер мониторинги буйича давлатлараро ва халкаро дастурларни маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг бошка давлатлар ва халкаро ташкилотлар билан тузадиган битимлари ва шартномаларида белгиланадига тартида амалга оширилади.

Мухокама учун саволлар:

1. Ер мониторингини асосий взифалари нималардан иборат?
2. Ерларнинг базавий ва даврий мониторинг нима?
3. Муддатлари ва даврийлигига кўра ерларнинг холатини нечта гурух кузатишлар амалга оширилади?

6-МАВЗУ: Бир ҳужайралилар кенжা олами. Амёбасимонлар гурухи.

Эвглена синфи

Содда ҳайвонлар тупроқ биотасидаги нанофауна вакиллари бўлиб, ҳаммаси бир ҳужайрали; микроскопик ҳайвонлардир. Улар тупроқ ёриқларида, сувли тупрок, капиллярларида яшайди. Сув танқис бўлган пайтларда пистага айланади. Қулай шароитда 1 г ўтлоқи тупроқларда 100 мингдан ортиқ бир ҳужайрали ҳайвонлар бўлиши мумкин. Улар тупроқ бактериялари, турушлар, тупроқ сув ўтлари билан озиқланади. Тупроқ содда ҳайвонларининг ҳужайралари уларнинг чучук ва денгиз сувидаги хиллариниши инливидларидан 5-10 марта майда бўлади. Содда ҳайвонларнинг тупроқда саркодалилар, хивчинлилар ва инфузориялилар каби систематик гурухлари вакиллари яшайди.

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, томизгичлар, табиатдан олиб келинган балчикли ва торфли тупроқ намуналари, сувли ариқ қуми, карболли эритрозин бўёғи ва дараҳт элимидан тайёрланган (елим), таблитсалар.

Дарс мақсади: саркодалиларнинг тупроқ биотасидаги чиганоқли вакиллари билан танишиш. Тупроқ чиганоқли амёбалар йирик бир ҳужайрали ҳайвонлар бўлиб, катталиги 20-65 мкм келади. Яланғоч амёбалардан фарклироқ ҳужайраларининг ташқи томонида қум заррачаларидан (8,02) ёки органик моддадан ташкил топгап чиганоқлари мавжуд (12-чизма, 6). Бу чиганоқлар бир ёки кўп камерали бўлиб, уларнинг остида тешик бор. Тешикдан псевдоподиялар чиқиб озуқани қамрайди. Кўпайиши оддий бўлинниш йўли билан амалга ошади. Янги ҳосил бўлган қиз ҳужайра ўзидан ажратиб чиқарган моддага қум заррачаларини бириктириб. янги чиганоқ ҳосил қиласди. Чиганоқли амёбалар ботқоқли, нинабаргли усимлик тўшамалари кўп бўлган тупроқларда, ариқларнинг қумлоқ қисмларида яшайди. Улар тупроқ кам тўпланган қатламларда ҳам учрайди. Кўпчилик чиганоқли амёбалар сапрофит организмлариdir. Уларлан тупроқ шўрлигини аниқлашда биодиагностикадан фойдаланилади.

Вакил. Тупроқ чиганоқли амёбалар — диффлюгия ва артселла.

Бу чиганоқли амёбаларнинг хужайравий тузулиши оддий амёбага ўхшайди, лекин чиканоқлари дисксимои бўлиб, исевдоплиялар остики томондан қаралганда кўринади. Уларнинг чиганоги бир хонали, органик модда псевлохитиндан ташкил топган. Нина баргли ўрмон тупроқларида уларни минглаб учратиш мумкин. Ёш амёба чиганоқлари овалсимон, жигарранг этук амёбалар олтин рангда, ярқироқ. қолган амеба чиганоқлари тииик қум рангидаги бўлади. Улар оддий бўлиниш иўли билан кўпаяди. Чиганоқлари илдиз оёқлилиларнинг микдори тупроқ тури ва таркибига боғликдир.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан ботқокли, нинабаргли ўсимлик ўсган тупроқ, ариқ остидаги сувли қумдан олииган намуналар бимокуляр микроскоп остида кузатилади ва улардан чиганоқли амёбалар ажргиб олинади.
2. Дарсдан бир кун олдин Гелиер усулилан фойдаланиб, ажратиб олинган чиганоқли амёбалар карболли эритрозин бўёғи билан бўялади. Бунда тирик чиганоқли амёбалар тситоплазмаси малина рангига, бўш чиганоқлар пушти ранга киради. Бўялиш тугаллангандан сўнг келгусида фойдаланиш учун доимий препаратлар тайёрланади.
3. Ажратиб олинган чиганоқли амёбаларни сувли буюм ойнасига қуйиб шакли, поралари, ёлғон оёқларини ҳосил бўлиниши, овқатланиши кузатилади. Уларнинг тасвири чизиб олинади.

Мухокама учун саволлар:

1. Бир хужайралиларнинг вакилларга мисоллар келтиринг.
2. Ялонғоч амёбанинг қўрайиш тури қандай?


7-МАВЗУ: Киприклилар кенжа типи. Уларнинг тузилиши ва қўпайиши.

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўтрилағич ниналар, томилгичлар, инфузория култураси, пахта, ош тузи, фенил кўк бўёғи, тяблитсалар.

Дарс мақсади: тупроқ биотасидаги инфузорияларнинг маҳаллий турлари билан танишиш.

Инфузория турининг вакиллари содда ҳайвонлар дунёсининг табиатда энг кўп тарқалган вакилларидан бўлса ҳам, тупроқ биотасида тарқалган саркодалилар ва хивчинлиларга нисбатан анча камдир. Инфузориялар турига мансуб бир хужайралиларнинг ҳаммасида яхши ривожланган катта ва кичик ядроларнинг бўлиши хужайранинг сиртқи томонида яхши такоммилашган пелликула билан қопланганлиги учун ҳар бир тур муайян гавда шаклига эга (12-чизма, 8, 9, 10). Пелликула остида трихотисталар жойлашиб, улар ҳимоя функциясини бажаради. Хужайранинг ташки томоида бир текисда ёки спиралсимон, доирасимон ҳолдаги киприклар аппаратининг бўлиши тавсифлидир. Киприкчанинг хужайрада жойланиш тартиби систематик

аҳамиятга эга. Бу киприклар базал асосга эга бўлиб эшқаксимон ҳаракатланади. Ҳужайранинг турли қисмларида ён томонида, устки қисмида ўsicкрок, киприклар билан ўралган ботик жойни перистом (оғизолди чуқурчаси) эгаллади.



12 – чизма.

Тупроқ биотасининг содда ҳайвонлари;

1-4 — хивчиниллар; 5-7— саркодалилар; 8-10—инфузорииилар.

Перистом асосида тисистем (хужайравий оғиз) жойлашади. У маҳсус каналча билан «ҳалқум»га очилади. У эса ўз навбатида эндоплазмага туташган бўлиб, шу жойда овқат хазм қилиш вакуоласи ҳосил бўлади. Ҳужайрага тупланган ортиқча сув ва айириш маҳсулотлари қисқарувчи вакуолаларга тўпланади. Улар навбатлашиб ишлаш хусусиятига эга. Улар ҳужайраининг қиясига бўлиниш йўли билан кўпаяди. Инфуюрияларда вақти-вақти билан конюгатсия (маташиш) жараёни содир бўлади. Бу жараёнда улар генетик жиҳатдаи янгиланади ва яшовчанлиги ортади.

Тупроқ инфузорияларининг Со1рода, Рарамаесиум авлодлари текис киприклилардан бўлса, Сиротрича авлодининг вакилларида спиршюимон киприклар жойлашган. Уларнинг эркин сузуб юрувчи, ўтроқ, текинхўр, йиртқич турлари бор.

Вакил. Параметсия каудатум (*Ragatesga saia* Шт).

Бу инфузория (12-чизма, 8) текис киприклилар туркумига мансуб бўлиб, тупроқда сувли фазаларда. тупроқ каппиллярларида, тупроқ сув ўтлари орасида, чириндили чучук сув ҳавзаларида кенг трқалган. Шакли чўзиқ овалсимон, уни ўткирлашган, кейинги томони тўмтоқроқ, қорин қис-мида сезиларли батик қисми бўлган бу инфузориянинг гавдаси бир хил узунликдаги киприклар билан қоплаиган. Унинг тупроқ биотаси популяциясидаги инвидлари 0.1-0.3 мм

уузунликда бўлади. У тупроқдаги чириндилар, микроорганизмлар, шунингдек, кўпроқ тупроқ сув ўтлари билан озиқланади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Инфузория културасидан бир томчи олиб, тозаланган буюм ойнасига томиздириб, микроскопнинг кичик объективида уларнинг ҳаракатланиш усули билан танишинг.

2. Инфузорияли сув устига юпқа қилиб паҳтадан «тўр» ташланг, сўнг қоплагич ойнани ёпинг ва «тўр»га илашган инфузориянинг тузилишини микроскопнинг катта объективида кузатинг. Унинг катта ва кичик ядроларини топинг, қисқарувчи вакуолалар ишини кузатииг. Кузатганда «офиз олди чуқурчаси» — перистом атрофидаги киприкларни нисбатан узунлигига, овқатни «хўжайравий ҳалқум» орқали ўтиб, овқат хазм бўлиш вакуоласини ҳосил бўлиши ва уларнинг тситоплазмадаги ҳаракатига аҳамият беринг.

3. Инфузорияларнинг таъсирланишини кузатиш учун буюм ойнасидаги културадан бошқа томчига томон «каналча» ўтказинг ва томчининг биринчисининг четига ош тузининг бир неча донасини қуйинг. Туз эриган сари уларнинг «каналча» орқали тузсиз томонга қочишини кузатииг.

4. Култура ва намуналарда тўпланган инфузорияларнинг тасвирини чизиб олинг. Уларнинг тузилишини номланг.

Мухокама учун саволлар:

1. Пелликула нима?

2. Инфузориялilarда тристом қайерга очилади?

8-МАВЗУ: Ҳалқаличувалчанглар типи (Annelida)

Дарс жиҳозлари: стол ва қўл лупалари, Петри косачалари, ванночка, сетка, сув, эфир, тўғрилагич ниналар, 0,14-0,5% ли формалин эритмаси, таблитсалар.

Дарс мақсади: тупроқ биотасидаги ёмғир чувалчангининг тузилиши, таъсирланиши, ҳаракатланиш хусусиятлари билан танишиш.

Ҳалқаличувалчанглар юқори даржада ривожланган чувалчанглар бўлиб, танаси кўп сонли бўғинлар (сегментлар) дан ташкил топган, метамер тузилишга эга. Уларда махсус иккиласми тана бўшлиги тселом ривожланган. Тана бўшлиги диссиципмент парда билан ажралган бўлиб, бу парда ташқи тана бўғимиға тўғри келади. Тана бўшлиги махсус суюқпик билан тўлғазилган, у нафас олиш, айриш ва тана шаклини сақлашга хизмат қиласи. Тана ташқаридан нозик, нам, безли тери билан қопланган. Тери мускул тизими билан биргаликда тери мускул халтасини ташкил қиласи. Кўпчилигига овқат хазм қилиш, ҳид билиш, айирув тизими яхши ривожланган. Нафас олиш тизими

бўлмаганлиги сабабли тери орқали нафас олади. Уларда гарчан алоҳида юрак бўлмасада, қон айланиш тюими мавжуд, қон рангиз. Гавданинг ҳар бир бўғимида ҳаракатланишга ёрдам берувчи 4 жуфтдан 2 гурӯҳ тукчалари бор. Икки жинсли — хунаса организмлар ҳисобланиб, личинкасиз «пилла» қўйиш йўли билан кўпаяди.

Уларниг тупроқда энхитреиддар (оқ гул тувакчувалчанглари) ва люмбрииидлар (ёмғир чувалчанглари) оиласлари кенг тарқалган.

Вакил. Энхитреид, ёки оқ гул тувак чувалчангидар тупрок, биотасининг мезафауна вакили ҳисобланиб, совуққа чидамли, катталиги 2-3 мм.гача бўлган тулроқ чувалчангидир. Айрим вакилларининг узунлиги 40-45 мм.гача этади. Улар чириётган ўсимлик илдизлари, ўсимлик қолдиқлари билап озиқланади. Энхитреидлар тупроқнинг юза қатламида ва ўсимлик тўшалмалари орасида кўп бўлади. Улар тупроқ зарраларини чириндилар билан кўшиб ютганлиги учун капролитлар органик ва минерал моддаларга бой бўлади. Уларининг микдори ўтлоқли тупроқларда кўп бўлади.

Вакил. Ёмғир чувалчангидар туркумига киради. Бу тупроқ чувалчангидар макрофауна вакилидир. Ҳамма ёмғир чувалчанглари ҳақиқий геобионтлардир. Улар тупроқ қатламларида, ўсимликларнинг тўшалма қаватларида ин қазиб, йўл кавлаб ҳаёт кечирувчи йирик чувалчанглардир. Айримлари тунда ёки кучли ёмғирдан сўнг тупроқнинг юзасига чиққанлиги учун халқ орасида ёмғир чувалчангдари номини олган. Люмбритсидлар тупроқ биотасида 3 экологик гуруҳни ташкил қиласди: 1) тупроқ юзасида ёкл ўсимлик тўшалмасида яшовчилар; 2) тупроқ ва тўшалма (гумус)да яшовчилар; 3) тупроқнинг чуқур қатламқда ин кавлаб яшовчилар. Ўсимлик 1ушалмасида — юзада яшайдиган турлари: Дендробатн октаедра, Лумбрикус састанеус, Аллолобопхора эисенилар бўлиб, кўпчилиги майда ўлчамли, йўғонлиги 1 мм, узунлиги 2-3 см бўлган жониворлардир. Кўпчилигииинг узуилиги 6,5 см. дан ортмайди, фақат айрим турларигина 13 см. гача этади.

Тупроқ ва тўшалма (гумус)да яшовчи турлардан итпсигисник турининг узунлиги 13 см. га этади. Тупроқнинг чуқур қатламларида ин кавлаб яшовчилардан итпсий 1егге8Тг1иинг бўйи 25 см.га яқин. Тупроқнинг ишлов қатламида Нисодрилус салигиносус тури бўлиб, кул рангли, узунлиги 15 см. га этадиган, чуқур қатлам чувалчангидар бўлиб, кўпинча тупроқнинг 15 см. гача чуқурлигига ин ковлаб яшайди. У гумус, илдиз қолдиқлари билан озиқлашиб, нам танқислигига тупроқнинг чуқур қаватига тушади. Тўплаб қўйилган гўиг, компостларда яшовчи тури — эисения жоетида ярқироқ қизил раигда бўлиб ўзидан ёқимсиз хид чиқариб туради, Унинг узунлиги 8 см. гача этади, табиатда тез ривожланувчи, иссиқхоналарда тўлиқ йил давомида наслланувчи организмдир.

Ёмғир чувалчангларининг тупроқдаги фаолияти турлича бўлиб, уларниг кўпчилиги тупроқ қатламида ин кавлаши билан тупроқса сув, ҳаво киришини яхшилайди, бундай жойларда ўсимлик илдизи яхши ривожланди. Бушан

тапгәри, унинг донадорлигиниг ортишига ва умуман тупроқ унумдорлигига таъсир күрсатади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан тупроқ тўшалмаси, гўнг, компост ва турли тупроқ қатламларидан олинган намуналардан тукличувалчинглар алоҳида-алоҳида ҳолда умумий қабул қилинган услугуб билан ажратиб олинади. Ҳар бир экологик гурухличувалчангларни ранги, ташки тузилиши кузатилиб, ўлчам-лари олинади.

2. Дарсдан бўш вақтда маълум майдондаги ёмғир чувалчангларини ҳисобга олиш учун тупроққа 0.14-0.5 % ли формалин эритмаси қуиши билан уларниш миқдори аниқланади.

3. Ҳар бир экологик гурухнинг турлари аниқланади ва биомассаси ҳисоблаб чиқилади. Натижалар амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4. Ёмғир чувалчангининг боши, маълум қисмлари аниқланали. Унинг ҳаракати кузатилади, қаттиқроқ қоғоздаги ҳаракат товушлари эшитилади. Стол лупаси осгида белбоғ қисми, бош ва анал қисмлари аниқланади, Уининг тўғирилагич нина билан механик таъсирларга жавоб реакцияси ва бош қисмига эфир, спирт, одеколонни паҳтага шимлирилиб яқинлаштириш билан ҳид сезиш крibiliяти кузатилади.

5. Ёмғир чувалчангининг чиқарган капролитлари шаклига ва миқдорига аҳамият берилади.

6. Ёмғир чувалчангининг тана бўғинлари ва ундаги тукчалар расм дафтарига чизилади.

Мухокама учун саволлар:

- 1.Халқали чувалчанглар нима орқали нафас олади?
- 2.ЁМИФ чувалчангининг тупроқ қоплпмидаги аҳамияти.
- 3.Халқали чувалчанглар гурухига мисоллар келтиринг.

9-МАВЗУ: Тўгарак чувалчанглар (*Nemethelminthis*)


Тупрокда яшовчи кўп хужайрали ҳайвонларнинг хилма-хил катталиқдаги ва турлар сони кўп бўлган гурухи нематодалардир. Уларни тупроқ кўп хужайрали умуртқасиз ҳайномлар ичидагенг тарқалганлиги учун доминант гурух деб хисоблаш мумкин. Айииқса уларнинг ўтлоқли тупроқда миқдорий зичлиги юқори бўлади ва 1 m^2 майдоида бир неча миллиота этиши мумкин. Уларнинг эркин яшовчи турларининг узунлиги 0.05 мм.дан 5 ммлача этади. Тупроқ нематодаларини озиқланиш турига кўра ҳақиқий сапробионтлар, чала сапробионтлар, илдиз атрофида эркин яшовчи ўсимлик текинхўрлари ва йиртқич турлари бўлади. Тупроқда учровчи турларнинг кўпчилиги сапробионт нематодалар бўлиб, раблитидлар туркумига мансуб (13-чизма вл). Ўсимлик илдизи яқинида учровчи эркин яшовчи нематодалар анча йирик бўлиб узунлиги 5 мм. гача этади. Улар маҳсус ўсимталар билан ўсимлик илдизини тешиб

хужайра суюқлиги билан овқатланади. Фитопаразит нематодалар ўсимликка түғридан-түғри ёки воситали заар стказиши мумкин. Улар ўсимлик хосилдорлигини 80% гача камайтиради. Йиртқич турлари ўзларидан майда бўлган ҳайвонлар, коловраткалар думоёқлилар билан озиқланади. Нематодаларнинг овқати таркибида оқсиллар қўп бўлганлиги учун уларнинг чиқиндисида азот қўп бўлади. Бундан ташқари, уларнинг биомассаси ҳам тупроқ учун азот манбаи ҳисобланади.

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, Берман воронкаси. 4 %ли формалин, таблитсалар, тупроқ намуналари.

Дарс мақсади: тупроқ нематодалари билан танишиш.

Вакил. Раблитидлар. Бу тупроқ иематодалари ҳақиқий сапробионт организмлар бўлиб, органик чиқиндилар, гўнг, компост, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари, ўрмон тўшамаларида яшаб, чириётган муҳит микрофлораси би-лаи озиқланади. Уларнинг узунлиги 1 мм атрофида бўлиб, шакли узун урчуқсимон бўлади, серпушт ва гез ривожланади.



13-чизма.

Тупроқ коловраткалари: (а, б) оғиз айлангичлилар ва (в, г) нематодалар.

Айрим турларининг ривожланиши учун 12-14 соат кифоя. Уларни чала ва ҳақиқий сапробионт турлари тупроқда қўп учрайди ҳамда тупроқ бактериялари, турушлар, бир ҳужайрали ҳайвонлар ва ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. Улар тупроқнинг азот мувозанатини сақлашда катта аҳамиятга эга.

Ишнииг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан олиб келинган гўигли чиринди тупроқлар ва илдиз ризосфераси атроф намуналари «Берман воронкаси»дан ўтказилиб, тупроқ нематолаларипинг алоҳида гурухлари йигиб олинади ва фиксациялаиади.

2. «Берман воронкаси» орқали ҳар хил тупроқ турларидан 1 г тупроқдаги нематолалар микдорини аниқланг ва уларнинг биомассасини ҳисобланг. Натижаларни амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинг.

3. Намуна олинган ҳар бир биотопдаги тупроқ нематодаларининг тузлишини қиёсий ўрганинг. Тасвирларни расм дафтарига чизиб, тузилишини номланг.

4. Тавсифли турлардан тарқатма материал учун 4% ли формалин идишида фиксатсиялапг. Намуналарни ёрликланг.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқ нематодалари озиқланишига кўра қайси гурухларга бўлинади?
2. Нематодаларнинг еркин яшовчи турларининг узунлиги қанча?
3. Тупроқда яшовчи нематодалар ўсимлик хосилдорлигига таъсири қандай?

10-МАВЗУ: Моллюскалар типи (Mollusca)

Дарс жиҳозлари: микроскоплар. Петри косачалар, 0,5 : 1 : 3 л ҳажмдаги шиша банкалар, пинтсетлар, белкураклар, тешалар, тупроқ элаклари, кимевий пробиркалар. фиксаторлар, пахта, эфир, ҳашарот аниқчагичлари. Тарози ва тошлар.

Дарс мақсади: маҳаллий шароитнинг тупроқ биотасига мансуб ҳашаротлар синфининг вакиллари билан табиатда танишиш.

Млюскаларнинг танаси бўғинлар билан бўлинмаган ва мантият деб аталувчи тери билан қопланган. Танасининг асосий қисми охак мoggдадан иборат чиганоқ билан қопланган.

Тупроқ биотасига киравчи моллюскалар қорин оёқлилар синфига мансуб. Қорин оёқлилар гавдаси бош, тана ва мускулли ясси оёқдан иборат. Тупроқда қорин оёқли моллюскалардан ҳар хил шиллиқ куртлар учрайди.

Шиллиқ куртлар ўпка билан нафас олувчи хайвонлардир. Улардан мамлакатимиз худудида 700 дан ортиқ тuri учрайди.

Шиллиқ куртлар тупроқ гексонлари хисобдланади. Улар тупроқга ту хим кўяди ва унда қишлиайди. Иссиқ ёз даврида пана жойга бекинади. Шилликлар ясси оёғининг товони билан сирғалиб харакат қиласиди. Шиллик куртлар орасида яшил ўсимликлар билан озиқланувчи фитофаглари, тўкилган барглар билан озуқланадиган сапрофаглари хамда хайвонлар билан озиқланувчи йирқич вакиллар бор.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқ биотасига киравчи моллюскалар қайси синфига мансуб.?.
2. Қорин оёқлилар тана қисмларини санаб беринг?
3. Шиллиқ куртлар тупроқдаги аҳамияти?

11-МАВЗУ: Бўғимоёқлилар типи (Artropoda). Хелецералилар (Chelecerata) кенжা типи.

Дарс жиҳозлари: микроскоплар. Петри косачалар, 0,5 : 1 : 3 л ҳажмдаги шиша банкалар, пинтсетлар, белкураклар, тешалар, тупроқ элаклари, кимевий пробиркалар. фиксаторлар, пахта, эфир, ҳашарот аниқчагичлари. Тарози ва тошлар.

Дарс мақсади: маҳаллий шароитнинг тупроқ биотасига мансуб ҳашаротлар синфининг вакиллари билан табиатда танишиш.

Ҳашаротлар синфининг вакиллари эр юзасида кенг тарқалган ҳайвонлар гурухи бўлиб, ҳозиргacha уларнинг 1 млн.дан ортиқ тури фанга маълум. Улар турли шарошларда яшашга мослашган. Уларнинг танаси яққол ажралган бош, 3 сегментли кўкрак ва кўп бўғимли қоринча (абдомен)дан иборат.

Уларнинг бош қисмида II жуфт бўғимлашган мўйловлари, I жуфт мураккаб фасеткали ва айрим турларида 1-3 тадан оддий кўзлари ҳамда оғиз аппарати жойлашган. Огиз аппаратлари 5 турда бўлиб, қаттиқ ёки суюқ озуқа билан озиқланиши мувофиқлашган. Ҳашаротларнинг кўкрак қисмида 1 ёки 2 жуфт қанот ва 3 жуфт хар хил турда тузилгап бўғимли оёқлари бор. Қоринча қисми куп сегментли бўлиб, ундан тсерклар, эркакларида грифелск найза, урғочиларида тухумдан (тухум қўйгич) жойлашган бўлади, шираларда шира найчалари бор. Айрим жинсли, баъзи гуруҳлар партенегонез йўли билан кўпайиш хусусиятига эга.

Вакил. Ўрта Осиё сувараги. Суварак органик қолдиқлар кўп бўлган жойда, ёки ўг-ўланлар орасила кўп учрайди. Танаси тсилиидрсимон. 2-3 см узунликда бўлиб, элка қорин томонга яссилашган. Жинсларнинг бир-биридан фарқи яққол ажралиб туради. Урғочиларнинг танаси эркагиникига иисбатан кенгроқ ва қаноти ривожланмаган. Бу суваракни қора суваракдан фарқи шундаки, унинг охирги кўкрак ва қорин қисмининг дастлабки сегментлари устида сариқрангдаги нукталари бор. Ўрта Осиё сувараги эркаклариинг қанотлари танасига нисбатан анча узун.

Суваракнинг танаси бошқа ҳашаротларники сиигари уч қисм: бош, кўкрак ва қориндан иборат. Усти қалия хитин қопламаси билан қоплашсан. Бошида оғиз аппарати, бир жуфт мўйлаб ва бир жуфт мураккаб фасеткали кўзлари жойлашган. Кўкрак 3 бўғимдан иборат, унда 3 жуфт бўғимлашган оёқлари жойлашган. Оёклар югурувчи турда.

Суваракнинг қорин қисми 10 сегментдан иборат. Қориннинг охирги бўғимида жуфт тсеркалари жойлашган. Эркакларида бир жуфт грифелкилари бор. Қорин қисмидаги сегментларнинг пастки томонида нафас олиш тешиклари жойлашган, урғочиларида қоринчанинг охиррида тухумдан бўлади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатда — тажриба участкаси, экинзор, ўтлоқзор майдонидаги тупроқ биотасининг турли зекологик гуруҳларига мансуб ҳашарот намуналари йиғилиб,

уларнинг яшаш тарзи, тузилиши, ҳаётий формалари билан танишилади. Бунинг учун гурух талабалари 3-4 нафардан майда гурухларга олдиндан ажратилиб, зарурий жиҳозлар билан таъминланади. Сўнгра ҳар бир кичик гурух табиатдан майдони катта ёки кичиклигига қараб $0,25 \text{ m}^2$ ($0,5 \text{ m} \times 0,5 \text{ m}$) ёки 1 m^2 ($1 \text{ m} \times 1 \text{ m}$) майдон бўйича учраган ҳашаротларнинг вакиллари-ни тўпдайди ва ўрганади. Намуналар тўшашда тупроқ элаклари, сафар элакларидан фойдаланади.

2. Тупроқ тўшапмаси, гумус қатлами, тупроқнинг ишлов қатламигача яруслар бўйича ковлтаниб, ҳар бир қатламдан топилаётган ҳашаротлар ривожланиш фазалари ва турлари бўйича микроскоп, стол лупалари орқали қузатилади. Ўргаишига улгурмаган тупроқ намуналари синтетик ёки пермамент пакетларига олиб келинади. Илдиз ширалари лабораторияга зич беркитиб, ёрликланган ҳолда олиб келинади. Илдиз ширалари ёки нозик тузилган бирламчи қанотсиз ҳашаротлар рақамланган спиртли пробиркаларга кўп оёқлилар, ёмғир чувалчанглари, йирик ҳашаротларнинг личинкалари ва гумбаклар 4 %ли формалин эритмасида кейиначалик ўрганиш учун саклаб кўйилади. Термитлар ва бошқа жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротларнинг инларини бузмасдан ўрганилганлиги маъқул.

3. Намуналар йиғиш пайтида аввало айни ҳашарот тури қандай вазиятда учрагани, қайси риюжланиш фазасида экаилиги, қандай озиқланаётганлиги, инлари ва келтираутган зааринииг ҳолати белгилаб олиниши керак. Чумолилар ва ширалар ўртасидаги симбиотик муносабатлар, шира ва жужслитса қўифизи ёки хон қизи қунфизи билан йиртқич ўлжа муносабатлари, ўсимлик ва шира, яйдоқчи ва капалак личипкаси ўртасидаги паразит-хўжайн муносабатлари диққат билан қузатилади, хулосалар амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4. Имкониятига қараб ҳар бир майдондаги ҳашорат турларининг миқдори ва биомассаси аниқланиши маъқул.

5. Ҳар бир кичик гурухнинг қузатиш натижалари ва ҳашаротлар намунаси тўғрисидаги ҳисботлари эшитилиб, коллектсиялар тайёрланса дарс самарадорлиги яхши бўлади. Топилган турларнинг расми чизилиб, номланади.

Мухокама учун саволлар:

1. Ҳашаротлар синфининг нечта тури маълум?
2. Осиё суваригининг қора суваракдан фарқи нима?
3. Суваракнинг қорин қисми нечта сегмент бўлади?

12-МАВЗУ: Қисқичбақасимонлар (Crustacea) кенжা типи.Юксак

қисқичбақасимонлар синфи.

ЗАХКАШЛАР БИЛАН ТАНИШИШ


Дарс жиҳозлари: стол лупалари. Эфир, липейка ёки метр. таблитсалар. Табиатдаги ўлчаш-ҳисоблашлар дарс бўлишидан бир кун олдин талаба томонидан мустақил бажарилади.

Дарс мақсади: жабра билан нафас олувчиларнинг кенжә турига мансуб қуруқлиқда яшашига мослашган маҳаллий тур вакиллари билан танишиш.

Жабра билан нафас олувчилар кенжә турининг бирдан-бир қуруқлиқда яшашига мослашган гуруҳи бу тенг оёқлилар туркумииинг захкашлар туридир. Захкашлар ўрмон тўшалмалари ва ўт-ўланлар орасида, тош кесаклар остида тупроқ қатламларда 40-45 см чукурликкача, айрим ҳолларда 80 см.лик қатламгача ин ковлаб, тўда шаклида яшайди. Ўрта Осиё Козоғистон чўлларида, даштлар ва адирликларда, дарёнинг эски ўзанларида қисқичбақасимонларнинг бу гуруҳлари кўплап учрайди. Улар ин қуриш жараёнида тупроқ қатламларини юзага чиқариб, кавлаган инларида тупроқ ўрнига экскрементларини қолдиради. Бу чиқинди ўт таркибида органик моддаларни кўп сақлаши билан тавсифланади. Бир гектар эрдаги захкашлар ёз давомида 0,5 т.гача тупроқни чиқариб, ўриига таркибида азотли органик бирикмаларга бой гўигларни тупроқ қагламига киритади. Шуидай қилиб, ёмғирчувалчанг бўлмаган чўл, дашт тупроқларда захкашлар ёмғирчувалчангнииг ўрнини босади. Улар тупроқада ин ковлаб тупроқ қатламига сув, ҳаво киришининг имкониятини ва органик минерал моддалар билаи озиқланишини яхшилади.

Вакил. Одтсий захкаш (*Popsellio*).

Захкашлар оч ғишт рангли, қорамтири нозик тузилишли, катталаги бир неча см келадиган, кўкрак оёқлари 7 жуфт, оқиши тусли, бўғинлашган, гавдаси элка қорин томонидан яссилаган, ўртача катталиқдаги қуруқлик ҳай-вонидир. Бош кўкрак қисми қалқонсиз, танаси кўп бўғинли. Бош қисмидаги кўз ва мўйловлари яхши ривожланган. Қоринининг охирги бўғинлари қўшилиб кетган ва плеотелсонни ҳосил қиласи (14-чиша, г). Уларни ўсимлик қолдиқлари кўп бўлган, тош, ғишт ва зах деворлар орасида куплаб учратиш мумкин. Ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. Урғочи захкашлар 100-150 тагача, айрим турлари 2.5 минтагача тухум қўйиб кўпаяди.



14-чизма.

Тупроқ кўп оёқлилари ва қисқичбақасимонлари:

- а) сколопендра;
- б) пауропода;
- в) полидасмус;
- г) захкаш;
- д) қирқ оёқ;
- э) пашша тутар;
- з) костянка.

Ишниш бажарилиш тартиби:

1. Турли биотоплардан йиғиб келинган захкашларнинг турлари стол ва қўл лупаси ёрдамида кузатилади. Ударнинг гавдасининг элка томони қорин

томонига нисбатан тўқроқ рангда эканлиги, мўйдовлари, кўзлари ва оёқ тузилиши билан танишилади. Расмлари чизиб номланади.

2. Табиатда маълум биотопдаги захкаш инларининг тузилиши кузатилиб, ин эгаллаган майдон ҳисобланади. Шу майдонлаги захкашлар микдори саналади ва биомассаси ҳисоблаб чиқилади.

3. Табиатда битта тўда қазиб чиқарган тупроқ массаси тортиб кўрилади. Кузатиш натижадари амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4. Йифилган намуналар келгуси дарсдарда фойдаланиш учун 4 %ли формалин эритмасида фиксатсияланади.

Мухокама учун саволлар:

1. Жабра билан нафас олувчи қисқичбақасимонларга нималар киради?
2. Захкашнинг хаёт тарзи қандай?
3. Тупроқ кўпоёқлиларига мисол келтиринг.

13-МАВЗУ: Вирусларни юқтириш усуллари

Дарс жихозлари: микроскоп, стол лупалари. липейка ёки метр. таблитсалар. Табиатдаги ўлчаш-ҳисоблашлар дарс бўлишидан бир кун олдин талаба томонидан мустақил бажарилади.

Дарс мақсади: Вируслар билан танишиш ва уларни юқтириш усулларини ўрганиш.

Тупроқда хам бир қанча вируслар учрайди. Ўсимлик вируслари билан касалланган барг, поя, илдиз қолдиқлари, ўсимлик уруғлари хамда тупроқда яшайдиган нематодалар ташиб ўтказадиган вируслар, тупроқ орқали тарқаладиган буғдой мозайикаси, вируси каби вируслар учрайди. Шу билан бир қаторда дуккакли ўсимликлар туганак бактерияларининг бактериофаглари, хамда ролиедроз касаллигини кўзғатувчи хашорат вируслари хамда одам ва хайвон вирусларидан қутириши ва бошқа хайвон қолдиқларида учрайдиган вируслар тупроқ биогасига киради.

1898 йили голландиялик олим Бейерик “вирус” атмасини фанга киритди. Шу йилдан бошлаб бир қаича ўсимлик хайвон бошқа организм вируслари кашф қилина бошланади: 1898 йил яшур, 1901 йил сариқ безгак, 1909 йил полимиелит, 1911 йил Раус, саркомаси 1912 йил герпес, 1931 йил чўчқалар ва отлар вируси каби бирқаича вируслар кашф қилинди.

Вирусларнинг ўлчами 20-300 нм, гача бактериялардан 50 марта кичикроқ келадиган энг майда трик организмлар ҳисобланади. Вируслар тузилиши одий бўлиб ДНК ёки РНК иборат гентик материалдан ва уни ўраб турувчи капсид деб аталадиган оқсилдан тузулган химоя қобиги бор.

Тўлиқ шакилланган инфекцион қисми – вирион деб аталади. Баъзи мураккаб тузилган (грипп ёки гирпис) хўжайнин хужайранинг оплазматик мембронасидан бўлган қўшимча липопротеми қобиги бўлади. Симметрияси юқори даражали структуралар кансонерлардан хосил бўлади. Тамаки мозаикаси вирусидаги симметрия спиралсимон 2130 бир хил оқсил суб бирликлари РНК билан биргаликда тузилган. Вирусларнинг шакли хар хил – таёқчасимон, ипсимон, сферик, кубсимон ва тўқмоқсимон. Вируслар бактериологик фильтирларда тўсиққа учрамайди,

хужайра тузилишича эса эмас, факат бир турли нуклеин кислота ДНК ёки РНКдан иборат. Ўзларини тиклаши учун фақат нуклеин кислоталари керак бўлади, ўз оқсилини хосил қилиш учун хўжайн хужайра рибосомасидан фойдаланади. Сунъий озиқали мухитда кўпаймайди, фақат хўжайн хужайра ичида яшайди, автоном генетик тузилма, хужайра ичи паразити, хўжайн хужайра ичида тушгач, улар ўзларининг ДНК ёки РНКларини ишлатиб хужайрага вируснинг янги копияларини яратишини буюуради. Вируслар фақат муайян хўжайн хўжайраларда паразитлик қиласди. Ўсимликлар, хайвонлар, микроорганизмларни касаллантиривчи вируслар бор: булар: бактериофаг, актинофаг, ционофаг. Вируслар тупроқда кўпаймайди, узок вақт сақланади. Баъзилари хўжайн хужайра ДНКсига қўшилиб биргаликда редукликсиняланади. Бундай фаглар фаол бўлмаган фаглар хисобланади, улар жойлашган бактериялар лизоген бактерия деб аталади.

Мухокама учун саволлар:

1. Вируслар тузилишига кўра қайси гурухларга бўлинади?
2. Вирусларнинг шакиллари хақида нималар биласиз?

14-МАВЗУ: Фитопатоген вирусларнинг симптомлари.

Дарс жиҳозлари: микроскоп, стол лупалари. липейка ёки метр. таблитсалар. Табиатдаги ўлчаш-хисоблашлар дарс бўлишидан бир кун олдин талаба томонидан мустақил бажарилади.

Дарс мақсади: Вируслар билан танишиш ва уларни юқтириш усулларини ўрганиш.

Вирусларнинг катталигини ўлчаш учун ҳар хил усуллардан фойдаланилади.

Улардан бири вирусларни тешикларнинг катталиги, аввалдан маълум каллодий пардалари орқали ўтказиш йўли билан аниқлаш бўлса, иккинчиси - юқори тезлик билан (бир минутда 30-60 минг. марта) айланувчи сентрифугаларда вирус зарраларини чўқтириш йўли билан аниқлашдир. Бир неча минг марта катта қилиб кўрсатиш қобилиятига эга, электрон микроскопнинг кашф этилиши, вирус заррасининг катталиги, шакли ва нозик қисмларини кўриш ва вирус заррасининг ташкил топиши ҳақида маълумот олиш имконини беради

Вирусларнинг қиёсий ўлчамлари

Вируслар	Ени x бўйи ёки диатметри (нм)
Учуқ вируси	150
Грипп	115
Бактериофаг T2	60 x 80 .
Бактериофаг T3	45
Тамаки мозаикаси вируси	18x300

Яшур (оқсим)	20
Гемоглобин молекуласи	3 x 15

Вирусланинг кимёвий тузилишини ўрганиш, уламинг асосан нуклеин кислота, оқсил ва кул элементларидан ташкил топганлигини қўрсатди. Бу уч кисм ҳамма вируслар таркибида учрайди.

Оқсил, нуклеин кислота ва кул элементларидан ташкил топган вируслар оддий ва минимал вируслар деб аталади. Уларга ўсимлик вируслари ҳамда баъзи бир ҳайвон ва ҳашарот вируслари киради. Аммо кимёвий жиҳатдан оддий вирусларга яқин бўлган бактериофагларнинг тузилиши жуда мураккабdir.

Таркибида юқорида айтилган уч қисмдан ташқари липид ва углеводлар, гликопротеидлар, ферментлар учрайдиган вируслар мураккаб вируслар дейилади. Бу гурухга кирувчи кўпгина вируслар одам ва ҳайвонларда касаллик туғдиради.

Агар вируслар мураккаблигига қараб, бир қатор жойлаштирилса, улар жонсиз органик материя билан жонли, бир ҳужайрали организмлар орасидаги бўш жойни эгаллайди. Бу қаторда оддий ва мураккаб вируслар билан бирга, хламидозоалар ҳам туради. Риккетсийлар вируслар билан бактериялар орасида турувчи организмлардир.

Улар синтетик аппаратларнинг йўқлиги ва ҳужайрада паразитлик қилиши билан вирусларга яқин бўлсада, морфологияси, кўпайиши, кимёвий тузилишининг мураккаблиги билан бактерияларга яқин туради.

Вируслар табиатда, ҳужайралардан ташқари ("вирион") ва ужайра ичida ("вегетатив" вирус формасида) учрайди.

Вирусламинг мураккаблиги ва хусусиятларига кўра , олимлар (Атабеков, 1971) уларни шартли равишда бир неча гурухларга бўлади.

1. Таёқчасимон вируслар. Бу гурухга кирувчи вируслар тўғри, букилмайдиган, мўрт, силиндр шаклида бўлиб, улар тамаки чипорланиш касаллиги вируслари гурухи дейилади. Бу гурухга узунлиги 130- 300 нм, эни 20 нм га яқин вируслар киради.

2. Ипсимон вируслар. Ипсимон вируслар заррачалари осон букулуввчан, эластик ва бир-бири билан маташиш хусусиятига эга бўлади. Ипсимон вирусламинг эни 10 нанометр атрофида бўлиб, узунлиги 1 микронга этиши мумкин.

Вирусламинг ипсимон шакли фақат ўсимлик вирусига хос деб ҳисобланар эди. Аммо кейинги вақтларда ДНК ва РНК тутувчи бактериофагламинг ҳам ипсимон шакллари топилди.

3.Шарсимон вируслар. Бу гурухга жуда кўп ҳайвон, ўсимлик, ҳашорат, замбуруғ, сувўтлари ва бактериофаг вируслари киради. Шарсимон вирус зарралари икосаедр типида бўлади. Бу хил вирус заналарининг диаметри 20 нм

дан 130 нм гача етиши мумкин Бу гурухга бактерия, ўсимлик, ҳайвон ва одамларда касаллик туғдирувчи вируслар киради.

4. Тухумсимон (узунчоқ овал) вируслар. Бу гурухга киравчи вируслардан беда чипорланиши вирусини (20 X 60 нм) кўрсатиш мумкин.

5. Мураккаб вируслар. Бу гурухга биологияси ва морфологияси жуда хилма хил, юқорида келтирилган вируслардан ўзининг мураккаб тузилиши билан фарқланадиган вируслар киради. Миксовируслар (грипп, ОИТС вируси, қушлар ўлати вируси ва бошқалар) шу гурухга кириб, анча катта (100-250 нм) ва комплекс структура ҳосил қиласди. Миксовирусларга ҳос хусусиятлардан бири полиморфизм ва вирус заррачаси ичидаги спирал структурасига эга нуклеопротеид ипининг борлигидир.

Колбасимон вируслар ҳам мураккаб вируслар гурухига кириб, вирус заррасига икки морфологик қисм - бош ва дум қисми борлиги билан ҳарактерланади. Бу гурухга кўпгина бактерия, актиномитсет вируслари чечак ва баъзи ҳайвон вируслари киради.

Ҳозирги вақтда физик-кимёвий, физика ва иммунокимё методлари ёрдамида вирусламинг нозик структуралари ўрганилмоқда. Вируслар морфологияси ва ултраструктураларини ўрганишда, айниқса электрон микроскоп мухим рўл ўйнайди. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, етилган вирус заррачалари - вирионларини асосан икки турга: оддий ва мураккаб вирионга бўлиш мумкин. ўз навбатида оддий вирионламинг икки типи мавжуд бўлиб, булардан биринчиси сферасимон, иккинчиси эса таёқчасимон вириондир. Таёқчасимон вирионлар ўз навбатида таёқчасимон ва ипсимон прусларга бўлинади.

Вирионнинг оқсил пардаси кўпинча капсид, ичидаги нуклеин лислотаси билан бирга нуклеокапсида деб аталади. Капсидни ташкил қилувчи элементлар капсомер дейилади. Капсомерлар бир хил полипептид занжирларидан тузилган агрегатлардир.

Тамаки мозаикаси вируси тузилиши. Бу вирус илк кашф этилган витус бўлиб, оддий вируслар гурухига киради. У бошқа вирусларга нисбатан мукаммал ўрганилган. Бу вируснинг таёқчасимон шаклга эга эканлиги, 1933 йилда америкалик олимлар Такахashi ва Роулириз томонидан соғ ва касалланган ўсимлик шираларини солиштириб ўрганиш асосида аникланган. Кейинчалик америкалик олим Стенли тамаки мозаикаси вирусининг соғ препаратини олиб, вируснинг узунлиги 300 нм ва эни 18 нм молекуляр массаси эса 40 000 000 эканлигни аниклади.

Оқсил ҳамда нуклеин кислотаси ҳар томонлама ўрганилиб, бу вирус таркибида молекуляр оғирлиги бир хил (18 000) оқсил ва молекуляр оғирлиги 2 000 000 бўлган нуклеин кислота борлиги аникланди. Нуклеин кислота вирус оқсими билан муҳофаза қилинади. Вирус зарраси ичидаги, спиралсимон жойлашган битта нуклеин кислота, унинг ташқарисида эса 2200 суббирликларда ташкил топган оқсил парда бор.

Оқсил суббирликлари ҳам вирус зарраси ўқи атрофида спиралсимон бўлиб жойлашган. Вирус заррачасининг 95% оқсил, 5%ни эса нуклеин кислотаси ташкил қиласди. Аммо, нуклеин кислота миқдор жиҳатидан кам бўлсада, вирус заррачаларининг хусусияти унга боғлиқ.

Агар вирус заррачаларидан нуклеин кислоталарини кимёвий йўл билан ажратиб олиб, уни соғлом тамаки баргига юқтирилса, соғ тамакида худди бутун вирус зарраси юқтирилгаридек, касаллик аломатлари кўринади. Соғлом тамаки баргига вирус оқсили юқтирилса, ҳеч қандай касаллик аломатлари кузатилмайди. Шунга қарамай касаллантириш жараёнида оқсил ҳам маълум рол ўйнайди. У нуклеин кислотани ташки мухитдан муҳофаза қилиш билан бир қаторда касаллантирадиган ҳужайра билан вирус орасидаги муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

Муҳокама учун саволлар:

1. Вируслар мураккаблагига ва хусусиятларига кўра нечта гурухга бўлинали?
2. Оддий ва мураккаб вирусларнинг бир биридан қарқи нимада?
3. Нуклеокапсида деб нимага айтилади?

15-МАВЗУ: Бактерияларнинг ҳар хил систематик гурухларга мансуб вакиллари морфологиясини ўрганиш.

Дарс жиҳозлари: микроскоп, стол лупалари. липейка ёки метр. таблитсалар. Табиатдаги ўлчаш-ҳисоблашлар дарс бўлишидан бир кун олдин талаба томонидан мустақил бажарилади.

Дарс мақсади: Бактерияларнинг ҳар хил вакилларини ташки кўринишини ўрганиш.

Табиий экосиёмеларда муҳим организмлардан бири прокариотлардир. Барча прокариотлар микроскопик организмлар бўлиб, уларнинг катталиги микролитр(мкм)ларда, ички тузулмалари эса нанометр(нм)ларда ўлчанади. Одатда шарсимон бактерияларнинг диаметри 0.5 – 1.5 мкм, таёқчасимонларининг эни 0.4 – 1 мкм, узунлиги эса 0.7 – 10 мкмни ташкил этади. Кўпинча бактерияларнинг ўлчами мухитдаги шароитга боғлиқ бўлади.

Бактерияларнинг шакли турли – туман бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани шарсимон бактериялар (кокклар) ва таёқсимонларидир. Шарсимон бактериалар орасида – монококклар, диплококклар, тетракокклар, стрептококклар, стафилококклар ва сарциналари мавжуд. Таёқсимон бактериялар орасида спора хосил қилувчилари ватцилла, спора хосил қилмайдиганлари эса бактерия деб номланади. Булардан ташқари табиатда буралган таёқчалар (спирилла ва вибрион) шарсимон таёқчалар (спирохетлар), ипсимон ва турли ўсимтасимон бактериялар, юлдузсимон, учбурчак ва бошқа шакилдаги бактериялар ҳам учрайди. Бактериялар қаттиқ озиқали мухитларда ҳужайралари бўлиниб кўпайиб, тўпламколониялар хосил қиласди. Колониялар оддий кўз билан кўринади ва ҳар бир тур бактериалар ўзига хос колониялар хосил қиласди. Тупроқда амонификатор, нитрофикатор, азотофикатор,

денитификатор, темир, олтингугурт, метан хосил қилувчи ва мочевинани, цемолозани, пектинни парчаловчи бактериялар кенг тарқалган.

Бактерия хужайрасининг энг муҳим элементларидан бири хужайра деворидир. Хужайра девори чигид ва шу билан бирга эластик бўлиб, хужайра шаклини таъминлайди. Ташқи муҳитнинг ноқулай омилларидан сақлайди, хужайранинг ноқулай омилларидан сақлайди, хужайранинг бўлиниши ва ўсишида иштирок этади. Хужайра деворининг қалинлиги 10нм дан 80нмгacha бўлиб бактерия хужайрасининг қуруқ вазнининг 20%ни ташкил қиласди. Хужайра деворининг асосий компоненти пептидогликан (мурееп) гетерополимери бўлиб, дисохоридлардан тузулган. Дисохоридлар таркибида ацетилгиокомазин ва ацетилмурали кислота киради.

Полисахарид занжирлар ўзаро пептид кўприкчалар орқали боғланади ва муреен “қони” хосил бўлади. Бу модданинг бўлиши бактериянинг хужайра деворининг Грамм усулида бўялишига сабаб бўлади ва шунга асосланиб бактериялар граммисбат ва грамманфий бактерияларга ажратилди. Ҳар иккаласининг хужайра деворининг тузилиши бир биридан фарқ қиласди. Граммусбат бактериянинг хужайра девори кўп қаватли муреиндан ташқари тейх – кислоталари ва базида оқсиллар ва полисахаридлар киради. Грамманфий бактериялар хужайра деворининг таркибида 1-3 қаватли пептидогликандан ташқари, фосфолифидлар, липопротсинлар, оқсиллар ва липополисахаридлардан тузулган ташқи мембрана киради. Баъзи бактериялар имулеон хужайра деворига эга бўлмайди.

Цитоплазма колоид система бўлиб, унинг ичида хужайранинг структурали элементлари (нуклеотид, рибосомалар, қуритмалар, бўлади. Нуклеоид ядро вазифасини бажаради ва таркибида ДНК молекуласи бўлади. Бази бактерияларда нуклеоиддан ташқари қисқа элементлардан тузулган плазмидлар бўлади. Бактерия хужайраси таркибида рибосомалар бўлиб, уларнинг катталиги 10-20нм, сони эса хужайранинг ўсиш тезлигига боғлиқ бўлади. Оқсил синтезида полирибосомалар иштрок этади. Қурилмалари кўп тарқалган захириа моддалар сифатида гранулюза, попи бетта оқсил, мой кислотаси, валютин ва бош.

Кўнчина бактерияларнинг юзаем шилимшиқ модда – капсула билан ўралган. Капсулалар микро ва макро капсулаларга ажратилади. Капсулаларнинг таркиби 98% гача сув, қолганидан иборат. Капсулалар қўшимча ўсмотик тўғон вазифасини бажаради ва ташқи муҳитнинг ноқулай омилларидан сақлайди.

Хивчинлар кўпгина бактерияларнинг харакатини таъминловчи восита хисобланади. Бактерия хивчинларининг сони турлича бўлади хивчинли бактерия – момнотрих, бир кутубда бир тўп хивчинга эга бактерия – лофотрих, иккала қутибида хивчин тутувчи бактериялар – амфитрих, бутун юзаси бўйлаб хивчинларга эга бўлган бактериялар – перитрих деб номланади. Хивчинларнинг узунлиги 3-15 мкм, эни 10-20нм бўлиб, спиралсимон кўринишга эга. Хивчинларнинг кимёвий таркиби флагелин симидан иборат. Спиралсимон ип илмок орқали базан тангача билан боғланган. Бактериаларнинг харакатланиши тезлиги муҳит шароитига боғлиқ. Баъзи бактериялар йўналган равишдаги харакаттаксийларга эга. Таксиеларни

чақи्रувчи омилга кўра хемотаксис, аэротаксис, фототаксис ва бошқаларга ажратилади.

Бактериялар бошқа турдаги ўсимталарга хам эга. Улар ингичка, узун, тўғри иплар кўринишида бўлиб, фимбрыйлар деб аталади. Улар хивчинлардан ингичкароқ ва калтароқ бўлиб, сони қўп бўлади (100-200та). Узунлиги 0.3-4мкм ва эни 5-10нмга teng бўлиб, питен оқсилидан тузулган. Фимбрыйларнинг бир неча тури бор. Биринчи турдаги фимбрит агар бирор субстратга ёпишиш органи вазифасини бажаради. Иккинчи турдаги фимбрыйлар жинсий фимбрыйлар – пилилар дейилади. Пилилар коногация жараёнида иштирок этади. Патоген микроорганизмларнинг фимбрыйлари одам ва хайвон тўқималарига ёпишиш вазифасини бажаради.

Bacillus, Clostridium ва Desultotomacilum авлодлари вакиллари баъзи кокклар ва спириллар ташқи мухитнинг нокулай омилларига чидамли бўлган спораларни хосил қиласди. Нур синдириш коэффициенти баланд бўлгани сабабли споралар ёруғлик майдонли микроскопда равshan кўринади.

Спораларнинг хосил бўлиши мухитдаги шароитга боғлиқ. Споралар куритилишига, юқори хароратга ва бошқа кўпгина омилларга бошқа омиллар таъсирига чидамли бўлади. Споранинг таркибида 10-15% миқдорида дипиколин кислота ва қўп миқдорда Ca ионлари кираиди. Спора қуйидагича хосил бўлади: нуклоид алоҳида ажратиб цитоплазма ва икки қават цитоплазматик мембрана билан ўралади, сўнг пептидогликандан тузилган кортекс ва оқсиllар, липидлар, гликолипидлардан тузилган қўшимча бир нечта қобиқлар хосил қиласди. Қобиқ азосида экзоспориум синтезланади. Спора хужайранинг ичидаги хосил бўлиб, хужайра шакли ноғора тайоқчаси ёки теннис ракеткаси шаклига эга бўлса, плектридиал, спора хужайранинг ўртасида хосил бўлиб, вегетатиб хужайра шакли лимонсимон бўлса – клостридиал ва хужайра шакли ўзгармай қолган хол ватциллиар туридги хосил қилиши дейилади. Баъзи бакетрилар циега хосил қиласди.

Мухокама учун саволлар:

- 1.Прокориот организмларни таърифланг.
- 2.Бактериаларнинг ўлчами ва шакиллари.
- 3.Бактерия хужайрасининг тузилиши.
- 4.Бактериаларнинг спора хосил қилиши.

16-МАВЗУ: Ҳаво, тупроқ ва сув микроорганизмлари ва уларни ўрганиш

Асобоб ва реактивлар: Петри идишлари, пробиркада стерилланган ГПА ёки ГПЖ озиқ мухитлари, термостат, Вольфгюгель камерами, микроскоб, микропипетка, тупроқ, буюм ойналари, карбол кислотали эритрозни бўйоғи, окуляр микрометр.

Бу машғулотни ўтказишда Кох усулидан фойдаланиш мумкин. Бунда гўшт-пептон-желатинли (ГПЖ) қаттиқ озиқ мухити ишлатилади.

Тажриба ўтказиш учун қуйидагиларга амал қилиш зарур: а- пробиркада эритилган ГПА ли озиқ мухити Петри идишига қуйилади ва дарҳол идишнинг

қопқоғи ёпилади; б- идиш ичидаги суюқ ГПА қотгунча стол устида қолдирилади; в- идиш ичидаги озиқ мұхити юзасига қотгандан сүнг ҳавоси таркибидаги микробларни аниқлаш мүлжалланган (аудитория, коридор, құча, ошхона ва бошқа) жойларга олиб борилади; г- шу жойида идишнинг қопқоғи 5 минут очиқ туради. Шу вақт ичидә озиқ мұхити юзасига ҳаводаги микроблар тушади. Белгиланган вақтдан сүнг идишнинг қопқоғи ёпилади. Қопқоқнинг устига тажриба үтказған студентнинг исми, фамилияси ва курси ёзилған этикетка ёпиширилиб, идиш қофозға үралғач, 20- 30° иссиқ термостатта қўйилади. Уларни термостатта қўйишдан олдин, қопқоғи пастга қаратилған болиши керак. Акс ҳолда қопқоқ устига тўпланған сув томчилари пластинка юзасига тушади натижада микроблар бир-бирига аралашиб кетади.

Қаттиқ озиқ мұхитидаги ҳар бир микроорганизм ҳужайраси кўпайиб, ўзига хос колониялар ҳосил қиласы. Бу колониялар (тўдалар) микроорганизмнинг турига қараб ҳар хил шаклда бўлади ва турли рангда товланиб туради. Бир неча кун ўтгандан сүнг Петри идишидаги қаттиқ озиқ мұхитида пайдо бўлган колонияларнинг сони ҳаво таркибida қанча микроорганизм борлигини аниқлашга имкон беради.

Петри идишидаги озиқ мұхитидаги бактериялар сонини Вольфгюгель камераси¹ ёрдамида аниқлаш жуда осон. Бунинг учун камера ичига Петри идиши тўнтариб қўйилади. Камеранинг юқори томонидаги ойна 1 см² тенг бўлган катакларга бўлинган. Петри идишининг сатҳига рўпарама-рўпара келган 10-20 катакчадаги колонияларнинг сонини санаб 1 см² сатҳга тенг келган бактерияларнинг ўртача сони топилиди, сўнгра бу сон идишдаги озиқ мұхитининг умумий сатҳига кўпайтирилади. Натижа ҳавонинг микроорганизлар билан ифлосланғанлик даражасини кўрсатади.

1 м³ ҳаво таркибидаги микроорганизмлар сонини топиш учун аввал 100 см² озиқ мұхитидаги микроорганизмлар колониясини аниқлаш керак. Чунки В. С. Омелянский маълумотига кўра, 10 л ҳаво таркибida бўлган микроорганизмлар 5 минут ичига 100 см² юзага тушар экан. Бу кўрсаткич аниқланғандан сўнг 1 м³, яъни 1000 л ҳаво таркибидаги микроорганизмлар сони аниқланади. Демак, В. С. Омелянский маълумотига асосланиб, 10 л ҳаво таркибida 35 дона бактерия борлиги аниқланди. Энди 1 м³, яъни 1000 л ҳаво таркибидаги бактериялар сонини аниқлаш учун тубандаги пропорция тузилади:

Формула

Тажриб материалларини чукурроқ анализ қилиш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилади:

1. ГПА пластинкаси устида ўстган колониялардан бир нечта (2- 3 та) сини танлаб, тубандаги жадвалда кўрсатилған саволларга тўла жавоб қайтирилади:

Колониянинг номери	Колониянинг ранги	Колония четининг кўриниши	Колониянинг шакли (юмалок, боттган ва ҳоказо)	Колониянинг ички тузилиши (зич, нуктасимон ва ҳоказо)
1				
2				
3				

2. Танлаб олинган колониялардаги микробларнинг ҳаракатланиши, шакли, ва бошқа кўрсаткичлари тубандаги жадвал саволларига оид жавобларда аниқланади:

Формула:

Эслатма: бактерияларнинг ҳаракатланишини аниқлаш учун эзилган томчи препарати тайёрланса, шаклини, ҳажмини аниқлаш ва спораларини кузатиш учун мазок тайёрланиб фиксацияланади, бўялади. Бу ишни бажариш тартиби 116-119-бетларда батафсил баён этилган.

Сув микрофлораси: Сув тартибидаги органик ва анорганик моддаларнинг микдорига қараб, микробларнинг сони ҳам турлича бўлади. Сувдаги микробларнинг кўпчилиги сапрофит ҳаёт кечиради. Улар орасида касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар ҳам учрайди. Буларнинг кўпчилиги сув остидаги лойқага жойлашади. Унинг таркибида микроблар яшashi учун барча зарур шароит мавжуд. Лекин сувга тушган қуёш нурлари ва сув таркибидаги бактериофаглар, содда хайвонлар, антогонист организмлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар таъсирида микроорганизмлар кенг тарқала олмайди. Шунинг учун сувда микроблар сони тупроқдагига нисбатан анча кам бўлади.

Тупроқ таркибидаги микроорганизмлар сонини аниқлаш учун 5 г тупроқ олиб, 250 мл ҳажмли колбага солинади. Шу колбага 50 мл стерилланган сув кўшиб 5 минут чайқатган сўнг 1-2 минут тиндирилади. Буюм ойнасига эни 1 см ва узунлиги 4 см келадиган квадрат чизиб, унга юқорида тайёрланган эритмадан 0.01 мл олиб бир текисда юқтирилади. Бу мазок қуритилгандан сўнг абсолют спирт эритмаси билан ёки спирт лампа алангасида фиксацияланаб, карбол кислота (фенол) да эритилган эритрозин бўйоги билан бўялади. 30 минутдан кейин бўёқ ювилиб, препарат қуритилади ва бир томчи кедр мойи томизиб, иммерсион объектив орқали микроскопда кузатилади. Энди 1 г тупроқ таркибидаги микроорганизмлар сонини аниқлаш учун қўйидаги ишлар бажарилади:

1. Микроскопда кўринган доиранинг умумий сатҳи аниқланади. Бунинг учун окуляр микрометр ёрдамида доиранинг радиуси аниқланиб, қўйидаги формулага мувофиқ умумий сатҳи топилади:

Формула

Бу ерда: S - Исталган доиранинг юзаси; n - 3.14 (3.14159) ириацион сон – доира айланасининг диаметрига бўлган нисбати; r² – доиранинг радиуси.

$$S = nr^2 = 3.14 \times (0.08)^2 = 3.14 \times 0.0064 = 0.020094$$

Демак, микроскобда кўринган доиранинг умумий сатҳи 0.20094 ёки 0.02 мм^2 га тенг экан.

2. Микроскоп доирасида микроорганизмлар сони саналади. Бу ишни бажариш учун уларнинг доира ичидағи сони аниқланиб дафтарга ёзилади. Сўнг столчани ҳараркатлантирадиган винтлар ёрдамида препаратни силжитиб, унинг бошқа жойида кўринган доира ичидағи микроорганизмлар сони ҳам дафтарга ёзиб қойилади. Шу усулда (препаратни ҳаракатлантириб) 50 – 100 та доирадаги микроорганизмлар сони аниқлангач, уларнинг ўртачаси топилади. Фараз қилайлик, кузатилган 50 та доира ичидаги 1500 дона микроорганизм бўлса, битта доира ичидагиларнинг ўртача сони: $1500:50=30$ дона бўлади. Демак, олинган тажриба далилларига асосланиб, битта доира ичидағи микроорганизмлар сони 30 дона дейиш мумкин.

3. Юқоридаги сонларга асосланиб, тажриба ўтказилаётган буюм ойнасининг 4 см^2 юзасига юқтирилган ёки 0.01 г (мл) аралашма ичидағи микроорганизмларнинг умумий сонини аниқлаш учун қўйидаги тенгламадан фойдаланилади:

Формула

1 г тупроқ таркибидаги микроорганизмлар сонини аниқлаш учун тубандаги тенгламадан фойдаланилади (бунинг учун 0.01 аралашмадаги тупроқнинг вазни 0.001 г га тенг деб олинади):

Формула

Демак, текширилган тупроқнинг бир грамида 600 000 000 дона микроорганизм бор экан.

Ҳаво микрофлораси. Тупроқдан кўтариладиган чанг ўзи билан бирга микроорганизмларни ҳам ҳавога тарқатиб, ҳавони ифлослайди. Ҳавонинг қуруқ бўлиши ва ультрабинафша нурлар ҳаводаги микроорганизмларнинг ҳаёти учун ҳавфлидирию Уларнинг сони йил фаслларига қараб ўзгариб туради: қишида оз, ёзда коп, кузда ва баҳорда ўртача бўлади. Ҳавонинг юқори қатламларига томон микроорганизмлар сони камая боради.

Мухокама учун саволлар:

1. Сув микрофлораси нима?
2. Тупроқ таркибидаги микроорганизмлар сони қандай аниқланади?
3. Ҳавонинг юқори қатламларида микроорганизмлар сони қандай ўзгариади?

17-МАВЗУ: Азотфиксация жараёнлари ва эркин яшовчи азотфиксаторлар.

Сайёрамиздаги азот заҳираси унинг оксидланиши ва қайтарилиш натижасида бир турдан иккинчисига айланиб туриши (N_2) $\text{NH}_3 - \text{N}_2\text{O} - \text{NO} - \text{NO}_2$) азотнинг атмосфера ҳавоси таркибидаги миқдори 78,09% хажмли бўйича 75,6%ни ташкил қиласди.

Азотнинг тупроқдаги миқдори, ўсимлик ва хайвон биомассасидаги нисбатан уч баравар кўп. Тупроқда доимо азот минимум яъни ўсимлик

ўзлаштирилмайдиган шаклда бўлиб, чириндилар таркибига кириб аста секин минириалицацияланиб туради. Бу хар йили халқ хўжалигида кўплаб азотли минерал ўғитларни ишлатишга олиб келади. Тупроққа солинган 1 кг/га азотли минерал ўғит буғдойнинг хосилини 10 кг га оширади. Ҳар йили дунё қишлоқ хўжалиги экинлари хосили билан тупроқдан ҳосил билан 110 млн тонна азот чиқиб кетади, 48 млн тонна минерал ўғитлар билан тупроққа қайтади. Агар минерал ўғитларни фойдаланиш кофициентини 50% деб хисобласак ҳосил учун талаб қилинган азотнинг 20 – 25% минерал ўғитлар хисобидан қопланса қолган кисми, азотнинг биологик фиксацияланиши натижасида тупроқда тўпланган захира хисобидан қопланади.

Табиатда азотнинг микроорганизмлар иштирокида айланиб туришининг бир нечта бўғими мавжуд. Ушбу айланишда молекуляр азот, ҳамда унинг органик ва минерал бирикмалари иштирок этади.

Азотнинг фиксацияланиши – азот айланишининг асосий бўғими, бўлиб қолган бўғимларнинг боришини бошқаради. Микроорганизмлар томонидан азотнинг фиксацияланиши ахамияти жихатидан, яшил ўсимликларда борадиган фотосинтез жараёни билан teng. Табиатда микроорганизмлар томонидан йилига 270 дан 330 млн тонна азот атмосферадан тупроқа фиксацияланади шундан куруқликда 160 – 170 млн тонна 70 – 100 млн тоннаси океан сувларида бўлади.

Молекуляр азот – инерт газ бўлиб унинг икки атоми учта боғ билан мустаҳкам боғланиб туради. Ушбу боғнинг биринчисини узиш учун 125 ккал, иккинчиси учун 63 ккал ва учунчиси учун 57 ккал энергия талаб қилинади. Азотнинг фиксацияланиши жараёни унинг қайтарилиш ёки электронларнинг боғланиши билан боғлиқ бўлиб, мухитда ўзгарувчан элементлар туман хромЮ молибден вольфром тузлари бўлганида анча оссон боради.

Молекуляр азотнинг биологик фиксацияланишида асосан прокароит микроорганизмлар иштирок этади.

Азот фиксацияловчи микроорганизмлар молекуляр азотни оддий атмосфера босимида, хаёт учун зарур бўлган нормал ҳароратда ўзлаштириб олади. Азотнинг ўзлаштиришида икки атом молибдун ва ўттиз атом темир сақлайди иккинчи молекуласида фақат темир атоми бўлади. Бу ерда молибден азот молекуласининг фаоллаштиради, темир атомлари электронлари ташийди, жараёнда иштирок этадиган АТФ молибденнинг тикланишида, энерги молибайи хисобланади.

Бактерия хужайрасида нитрогеназа ферментиннинг хосил бўлишида хужайрада мавжуд бўлган ниф – плазмид муҳим ахамият касб этади.

Азотофиксаторлар анаероб клстридилаr, сулвератредукцияловчи бактерия, энтеробактериялар, фотосинтезловчи анаероб спириллалар псевдомонидалар, актиномицетлар кўк яшил сув ўтлари каби прокароит организмлардир.

Азотофиксация жараёнининг боришида жуда катта энергия талаб этилади, шу туфайли азотофиксацияловчи микроорганизмлар энергия манбайи бўлган ўсимликвар билан ўзаро муносабатда бўладилар. Бактерия диллопенилар барг юзасида, ризоплоидлар – илдиз юзасида ёки илдиз тўқималарига кириб олиб

туганак бактериялар симбиотик, ўсимлик юзасида яшовчилари ассоциантар деб аталади.

Туганак бактериялар. Туганак бактериялар дуккакдошлар оиласининг илдизи билан симбионт ҳамда яшайди. Бурчоқдошлар оиласига 13000 га яқин тур киради шундан 1300 турнинг илдизида тугунак бактериялар яшаши аниқланган.

Табиатда туганак бактерияларнинг ўсимликлар илдизидаги ишлар яъни туганаклар ичида бўлишини 1866 йилда М.С.Воронин аниқланган М.Бейерик 1888 йилда туганак бактерияларининг тоза соф культурасини ажратиб олади. Бейерик туганак бактерияларни *bacillus radieicola* деб номланади. Ҳозирги кунда барча туганак бактериялар *Rhizobium* авлодига киритилган. Туганак бактерия турларининг номи қайси ўсимлик илдизига яшашига қараб айтилади. *Rhleguminosaruz* – нўхат илдизда *Rh? Phascolinosuld*, *Rh/japonicum* – солда *Rh/lupinimonun*, *Rh.Trifoli* себарга, *Rh.melliloti* – бедада ва бошқалар.

Туганак бактерия – асосан тупроқ бактерияси ҳисобланиб, жуда кичик харакатчан таёқчасимон узунлиги 3мкм граммусбат бўлиб кўп жихатдан псевдомоносга ўхшаб кетади. Уруғ унабошлагач куртакдаги бошланғич илдиз тукчалари билан, туганак бактерия таъсирашганда, илдиз тукчасидан мухитга лектин номли оқсил синтезланади, бактерия эса унга нисбатан полисахарид ва оқсил моддаларнинг ўзаро тасирланиши ўсимлик ва бактерия таъсирида илдиз тукчаси вергилсимон бўлиб эгилади ва бактерия хужайрасидан ажралаётган пописахаридга жавобан полугалактуроноза ферментини синтезлаб ўз қобигини эритиб ўзидан бактериянинг кириши учун йўл очади. Бактерия шилимшиқ модда ажратиб ва кўпайибтунча бўйлаб суткасига 100 – 200мкм харакатланиб илдиз хужайрасига тушиб таёқчасимон холатдан колбачасимон шакилга кириб бактероидга айланади. Бу вақтда илдиз тўқимаси хужайралари тез бўлинниб кўпайиб пушти ранг берувчи мегемолгабин моддаси бўлган туганакни ҳосил қилдаи. Леггемоглабин кимёвий таркиби жихатдан, эритроцитлар ичидағи гемоглабинга яқин туради.

Леггемоглабин туганакда бактереоид хужайраси билан илдиз хужайраси ўртасидаги ҳосил бўлган бўшлиқда жойлашади. Леггемоглабинни ўсимлик хужайраси ўртасидаги ҳосил бўлган бўшлиқда жойлашади. Леггемоглабинни ўсимлик хужайраси синтезлайди, унга жавобан бактероид хужайрасидан протоген моддаси синтезланиб ўсимлик хужайраси билан бактериоид ўртасидаги узлуксиз алоқани ҳосил қиласди.

Азотфиксацияланишининг асосида азотнинг қайтарилиши ётади яъни нитрогенеза ферменти таъсирида молекуляр азот водород билан бирикиб аммиякни ҳосил қиласди кейинчалик аминокислотага айланади.

Аммонификация – азотли органик моддаларнинг аммиа ҳосил қилиб парчаланиши. Аммонофиксация жараёнида – оқсиллар, пепдит, аминокислота нуклеин кислоталари, пурин ва пириимидин асослари, мочевина, сийдик кислотаси, хитин ва гумус каби моддалар иштирок этади.

Оқсил аммонификацияси. Трик организмлар ўлгандан сўнг улар тартибидаги оқмилнинг микроорганизмлар томонидан амиак ажратиб парчаланишига – оқсил аммонификацияси деб аталади. Аммонификацияда бактериялар, актиномитцитлар, замбуруглар иштирок этади. Бактериялардан *Pseudomonas* ва *Bacillus* авлодига мансуб *B.Putrificus*, *B.Sporogenes* ва бошқалар аммонификация жараёнининг бориши субстратдаги С:H нинг нисбатига боғлиқ. Ҳар 100г чириган органик модданинг аммонификацияланадиган бактерия ўз биомассасини ҳосил қилиш учун азотдан фойдаланади. Шунга кўра С:H=25 нисбатидан паст бўлса ҳосил бўлаётган амиак бактериялар томонидан тўлиқ иммобилизацияланади. С:H<25 бўлган муҳитда амиак тўпланади.

Нитофикация. _Тупроқда нитратланади биологик усулда ҳосил бўлишини 1878 йилда Уорнгтон томонидан аниқланади. Нитротларнинг ҳосил бўлишида микроорганизмларнинг иштирок этиши мумкинлиги ҳақидаги дастлабки фикр Пастерга тегишли. С.Н.Виноградский тупроқдаги нитробактерияларни ажратиб олиш учун қремний кислотаси гелга аммоний сулфат кислотаси ва бошқа минерал тузлар эритмасини сингиздирилган маҳсус озуқали муҳит тайёрлади ва 1891 йилда ушбу микроорганизмлар азотни оқсиллаш жараёнига қараб икки группага бўлинади яъни нитритлар ва нитратлар. Углерод нитрификацияловчи бактериялар CO_2 ангидридни ўзлаштириб, азотнинг оксидланишидан ҳосил бўлган энергиядан фойдаланиб органик модда ҳосил қиласи бу хемосинтез деб аталади.

Нитрификация жараёнининг босқичлари:

1. $2\text{NH}_3 + 3\text{O}_2 = 2\text{NHO}_2 + \text{NH}_2\text{O} + 158\text{kcal}$
2. $2\text{NH}_2 + \text{O}_2 = 2\text{NHO}_3 + 43\text{kcal}$

Барча нитрификацияловчи хемоавтотроф микроорганизмлар облигат аэроб грамманфий бактериялар хисобланади. С.Н.Виноградский нитрифиқа жараёнининг биринчи бошыарувчиларини эса *Nitrobacter* авлодига киритди. Тупроқдаги субноер хивчинли, кичик оввал шаклдаги тайёқчасимон *Nitrosomonas eurepea* кенг таркалган. *Nitrobacter Winogradskyi* – нонасиомн куртакланувчи харакатчан ва харакатсиз фаолият навбутлашиб турувчи CO_2 - ўзлаштиришдан ҳосил бўлган энергия хисобга нитридни нитратгача оксидловчи 4 та авлод, нитритни нитратга айлантирувчи 3 та авлод бактерияларининг мавжудлиги фанга маълум.

Д.Н.Прянишников томонидан, ўсимликларнинг тупроқдан аммоний бирикмалар таркибидаги азотни ўзлаштириб олиши аниқланган ўсимликларни озиқланишида тупроқ нитритининг муҳим эканлиги янада ойдинлашлади. Тупроқса солинган минерал ўғитлар таркибидаги азотнинг 50%ни ўсимликлар ўзлаштириб олади, қолган қисми органик ва минирологик моддаларга бирикади, микроорганизмлар хужайрасига иммобилизацияланади молекуляр азотга қайтарилади ва бир қисми тупроқ профилидан ювилиб сизот сувларга тушади. Азотнинг тузли бирикмалари сувда осон эриб тупроқдан ювилиб сизот сувлври орқали зовур дарё кўл денгиз ва океан сувларига қўшилиб уларда тупроқдан

миллион тонналаб азот нитрат ҳолида ювилиб чиқиб кетади. Шунинг учун нитрификация жараёнини ингификаторларнинг фаолиятини – фулигант ва гербицитлар тўхтатар яхни ингибиторлар экан.

Тупроқда хосил бўлган аммиак нитритва нитратга айланади. Нитритва нитратлар эса қуйидагилар учун сарфланади.

1.Юксак ўсимликлар томонидан

2.сув хавзаларига ювилиб уларнинг автрофизатцияланади – яъни ўзлаштирилади

4.Молекуляр азотгача қайтарилади яъни денитрификация жараёнига учрайди

Денитрификация. Денитрификация – нитратларнинг нитритга ва молекуляр азотгача қайтарилиши яъни $\text{NO}_3 \rightarrow \text{NO}_2-\text{NO} \rightarrow \text{N}_2\text{O} \rightarrow \text{N}_2$ тупроқдаги азотнинг молекуляр азотга айланиб атмосфера хавосига чиқиб кетиши ва тупроқда азотнинг камайишига олиб келади.

Денитрификация жараёни асосан микроорганизмлар иштирокида боради. Фаол деритрификаторлар псевдомонодалар бўлиб, улардан тупроқда қўп тарқалгандар Pseudomonas aeruginosa, Ps. Fluorescens, PS. Stutzeri хамда Micrococcus denitrificans Bacillus авлодининг бაъзи бир мезофил ва термофил турлари ўзига хос данитрификаторлардан – олtingугурт бактерияси – Thiobacillus denitrificans ва бошкалар.

Денитрификация жараёни туфайли хар йили атмосферага 270-330 миллион тонна азот қайтарилади. Бу жихатидан денитрификация жараёни, азотификация жараёни билан тенгdir. Денитрификация жараёни ўсимликларнинг илдизлари томонидан музитга органик модда ажралиб туради. Ундан ташқари дентрификация жараёнининг жадаллиги тупроқ аэроциясига сув режимига кимёвий азот оксиди N_2O_2 хосил бўлса, ишқорий тупроқларда эса N_2 азот хосил бўлиб атмосферага ажралиб чиқади.

Мухокама учун саволлар:

1. Қайси олим томонидан, ўсимликларнинг тупроқдан аммоний бирикмалар таркибидаги азотни ўзлаштириб олиши аниqlанган?
2. Туганак бактериясининг тупроқдаги рўли?
3. Денитрификация жараёнига изох беринг.

18-МАВЗУ: Грамм усулида бўяш, ҳар хил микроорганизмларни дифференциациялаш

Бу машғулотни ўтқазишда бактерияларнинг Грамм усулида бўялиши ёки бўялмаслигига катта эътибор берилади. Грамм усулида бўялиш даражасига караб, бактериялар мусбат ва манфий группаларга бўлинади. Масалан, Грамм усулида бўялса *грамм-мусбат*, бўялмаса *грамм-манфий* деб аталади. Грамм-мусбат бўялганда бактериялар қорамтири-бинафша рангли, грамм-манфий бўялганда қизил рангли бўлиб кўринади.

Бактериялар Грамм усулида қуидаги бүялади: фиксацияланган ва ювилган мазок устига генциан-виолет бүёғидан күпроқ томизилади, ва 1-2 минутдан кейин у ҳам ювиб ташланади, сүнг препарат устига 95% ли этил спирт томизилиб, 0.5-1 минутгача тинч қолдирилади. Спиртни ювиб ташлагандан кейин препарат устига суюлтирилган фуксин бүёғи томизилади ва у 1-2 минут давомида бүялади, шундан сүнг фиксин бүёғи ювилиб, препарат фильтр қофоз билан қуритилади. Кейин устига бир томчи кедр мойи томизилиб, микроскобда аввал қуруқ, сүнгра иммерсион объектив орқали кўрилади. Кейин устига бир томчи кедр мойи томизилиб, микроскобда аввал қуруқ, сүнгра иммерсион объектив орқали кўрилади.

Микроорганизмлар Грамм усулида манфий ва мусбат бўялишини аниқлашда ачиб қолган пиво қолган пиво юзасидаги парда таркибида мусбат бўяладиган ачитқи замбуруғлари (дрожжилар) хамда сирка кислотали бижғиши процессини қўзғовчи манфий бўяладиган бактериялар тўпланган бўлади. Препаратда мусбат бўяладиган ачитқи замбуруғлари тўқ бинафша, манфий бўяладиган сирка кислота бактериялари қизил рангда товланиб туради.

Грамм усулида бўяш учун зарур бўёқларни тайёрлаш қўлланма охиридаги қўшимча материаллар бўлимида кўрсатилган.

Мухокама учун саволлар:

1. Грамм-мусбат бўялганда бактерияла қайси рангда кўринади?
2. Микроорганизмлар Грамм усулида манфий ва мусбат бўялишининг фарқи нимада?

19-МАВЗУ: Озиқа муҳитлари. Электив озиқа муҳити.

Микроорганизмлар устида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқот ишлари уларнинг «екмалар»ини ва озуқа муҳитини хосил қилмасдан амалга оширилмайди.

Тупроқ муҳитида яшовчи микроорганизмлар озуқа манбаига ва уларнинг таркибида нисбатан турлича эҳтиёжда бўлганликлари учун тупроқ биотасидаги ҳамма таснифий (систематик) гуруҳларга яроқли, универсал (ҳаммабоп) озуқа муҳитини тайёрлаш мумкин эмас. Микроорганизмлардаги ўзига хос модда алмашинув жараёни асосан С ва Н манбаларига нисбатан белгиланали. Микроорганизмлар учун тайёрланадиган озуқа муҳитлари таркибида кўра табиий ва сунъий бўлади.

1. Табиий озуқа муҳитларига сут, қайнатилган тухум оқсили, қон зардоби, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда уларнинг қайнатмалари, гўшт, балиқ шўрвалари, турушлар киради. Кўпчилик тупроқ бактерияларини ўстириш кўпайтириш учун гўштли-пентонли озуқа муҳити ишлатилади. Уни гўшт қайнатмасига ош тузи ва пентон қўшиш йўли билан тайёрланади- Замбуруғлар, турушлар ва айрим бактериялар учун узум аталаси ҳамда тупроқ муҳити қўлланилади. Тупрокдан озуқа муҳити сифатида фойдаланишнинг тупроқса

турли моддаларни қушиб пластинкачар тайёрлаш ҳамда озуқа муҳитига тупроқ намуналаридан қушиш каби бир қанча йўллари мавжуд.

2. Суний озуқа муҳити муайян таркибдаги ва миқдордаги кимёвий моддалар йифиндисига эга. Энг муҳими бу моддалар аниқ аналитик тарозида тортилган бўлади. Бунда афтотроф организмлар учун озуқа таркибига ноорганик тузлар, гетеротроф организмлар учун сунъий озуқа муҳитига қанд молдалари, органик кислоталар, крахмал ва ҳоказолар қўшилади.

Тупроқ микроорганизмларини ўрганишда электив озуқа муҳити микробиологияда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу усулни биринчи бўлиб С. Н. Виноградский микробиологик тадқиқотларда қўллаган эди. Мазкур усул муайян таснифий (систематик) групҳо организмларни кўпайтириб ўрганиш имкониятини беради (масалан, атмосферадаги Н ни тўпловчи ёки тселлюзани парчаловчи ва ҳоказо). Электив озуқа муҳитининг камчиликларини йўқотиш учун унга витаминалар, туруш зардолари, гўштли шўрвалар қўшилади.

Физиологик жиҳатдан озуқа муҳитлари суюқ ва каттиқ муҳитларга бўлинади. Каттиқ озука муҳитини тайёрлаш учун желатин ва агар-агардан ҳамда бошқа моддалардан фойдаланилади.

Тупроқ сув ўтлари учун озуқа муҳити

1. Бриспюл-Гошербах озуқа муҳитини (миқдор-гFл ҳисобида).

Тупроқ сув ўтлари учун сувли ва агарли минераллашган озуқа муҳити кенг қўлланилади. Бу озуқа муҳитини дис-тисланган сувда минерал моддаларни эритиш йўли билан тайёрланади: Ка КО.-0.25; КН₃РО⁴-0.25; М₆5О₄-0.15; CaC₁?-0.05; КаСТ-0.05; FeC₁,- оз миқдорда; рх-4.3.

2. Бенекнинг дистсистанган сувли эритмаси (миқдор-гFл ҳисобида).

КНРО₄-0F1; М₆5О₄-0.1;

Fe₂C₁— оз миқдорда.

CaC₁2-0.1;

Ҳар иккала эритма тубли колбага қўйилиб оғзи пахта тиқини билан ёпилади ва 120°C ҳароратида 20 дақиқа стерилланади. Бу озуқа муҳитларига табиатдан олиб келинган тупроқ намунаси (1-2 г) қўшилиб, 2-3 марта такрорий ўстириш тажрибалари қўйилади. «Екма» ёрут тушадиган, иссиқ шароитда сақланади.

Тупроқ сув ўтларининг табиатдаги намуналарида тўғридан-тўғри кузатиш

Ўзбекистоннинг иқлими ва тупроқ шароити тупроқ сув ўтларининг ривожланиши учун қулай бўлганлигидан баҳорги-кузги ёмғирдан сўнг санг жойларда, сув шимилмайдиган қаттиқ жойларда, дараҳтлар остида, биноларнинг тўғридан-тўғри қуёш тушмайдиган сояларида, экинлар ора-сида, ариқлар четидаги тупроқларда унинг физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ ҳолда 2-3 кун ичидәёқ, у ёки бу таснифий (систематик) грухга мансуб сув ўтларининг тупроқни «гуллатиб» кўпайганини кўриш ва улардан вақтинчалик ёки тотал микропрепаратлар тайёрлаб ўрганиш мумкин.

Тупроқ замбуруғлари учун озуқа мұхитини тайёрлаш

Ўзбекистоннинг тупроқ ва об-ҳаво шароити мевали боғларда, омборларда, экинзорлардан түқилган донларда, сабзавот меваларида, тупрокда намлик ва иссиклиқ этарли бўлғанлигидан замбуруғларнинг кўпайиши учун қулай. Шунинг учун бу маҳсулотларда кўпайган замбуруғлар микроскоп остида осонгина ўрганилиши мумкин. Микроскопик тулроқ замбуруғларини ўстириш учун кўпинча озуқа мұхитини тайёрлаб, унда ўрганилади.

Тупроқ замбуруғларини ўстириши учун Чапек озуқа мұхити (миқдор гFл. ҳисобида).

Сахароза-20.0; КаМО₃-2.0; КНРО₄ -1.0;-Ме5О₄ - 7; Н₂O- 0.5; КС1~ 0.5; Fe3O₄- 0.01; агар - 20; мұхитни кислотали даражада ушланса бактериялар кўпаймайди. Бактерияларнинг ривожланишини тўхтатиб туриш учун озуқа мұхитига бўёқлардан бенгал пуштиси, кристаллик сафсар ёки бўёқларга антибиотик моддалар қўшиб ишлатилади. Масалан, бенгал пуштисига стрептомитсин (5гFл), номитсин (50-100 мгFл), полимиксин (50 мгFл), эндомитсин (5-10 мгFл) ингибиторлар сифатида озуқа мұхитига қўшиб куйилади.

Тупроқ замбуруғларининг ҳамма таснифий гурухлари учун яроқли универсал озуқа мұхити бўлмайди, чунки ҳар бир гуруҳ турлича таркибдаги моддаларга талабчандир. Масалан, ликсомитсетлар тез эрувчан қандсимон моддаларда яхши кўпаяди. Улар Чапск, Мартин озуқа мұхитларида осон кўпайтирилади. Тупроқдан тセルлюзани, лигнинни, гумус моддаларини ўзлаштирувчи (парчаловчи) миромитсетларни кўпайтириш учун минераллашган сунъий озуқа мұхитидан фодаланилади. Табиатдан олинган тупроқ майдаланиб, 100 мл сувга 1-10 г тупроқ намунаси солинади ва миксер биилан яхшилаб аралаштирилади. Тупроқ ўстирувчи сифатида қўшилади. Мұхит органик минерал кислоталар қўшиш йўли билан рx — 4.5 атрофида сақланади.

Замбуруғларнинг ўсиши чеклаш учун озуқа мұхитига дифснил (0.01—0.5%), ҳайвон ўти (0.25—0.5%), калий теллурит (0.05—0.15%), натрий пропинат (0.15—0.25%) ёки бўёқлардан бенгал пуштиси (0.003%), кристалл сафсарни (0.001%), қушиш мумкин.

Мезофил тупроқ турушларини ўстириш 20-25-28°C, психрофиллар учун —5°C ҳароратда, озуқа мұхитининг сақланиши эса 2X°Cда4-5 кун, 5°Cда 14 кун. Табиатдан олинган тупроқ намунаси озуқа мұхитига экилганда турушлар 2-3 марта куп бўлади. Сахароза қушилган ушбу озуқа мұхитига тупроқ намунаси экилганда липомуқес авлоди турушлари яхши кўпаяди.

Тупроқ бактериялари учун озуқа мұхити

Туттроба бактерияларининг ҳамма таснифий гурухларини ўстириш учун универсал озуқа мұхити мавжуд эмас. Шунинг учун уларни гўштли-петонли қайнатма (ГПК), гўштли петонли-агарли (ГПК) озуқа мұхитларида кўпайтириб ўрга-тилади. Булардан (ГПК) ўн марта суюлтирилган ҳолда ГПАга эса суелло (ёрма) қилиб, эшиб, Гетигинсон ва ГПА-ларга тухум сарифи қўшиб

фойдаланилади. Юқоридагилардан ташқари, тупроқ эритмасида ҳам бактерияларни кўпайтириш мумкин.

Тупроқ эритмасида бактерияларни кўпайтириш

Тупроқ эритмасини тайёрлаш учун 1 л водоправод сувига 1 кг унумдор тупроқ солиниб, автоклавланади ва тиндирилади. Сўнгра тупроқ эритмаси икки қаватли філтрдан ўтказилади, муҳит 7.2 бўлгунча нейтралланади. Філтрланган эритмадан 100 мл олиниб, унга 900 мл дистсилланган сув ва 15 г агар қўшилади. Тайёрланган тупроқ эритмаси қайнатиб, стерилланади ва пробиркаларга кўиилиб, 12 0 ҳароратда 30 дақиқа давомида автоклавланади.

Тупрокдаги спора ҳосил қилувчи мусбат бактерияларни ажратиб олиш учун тупроқ эритмаси 80°C ҳароратда 10-15 дақиқа пастеризатсия қилиб олинади. Бунда тупроқтаги вегетатив ҳужайралар ўлади ва споралари сақланиб қолади. Шундан кейин бу эритмадаги споралар ГПАга экилиб синалади. Т. Г. Доброволская актиномитсетлар, илдизсимон бактериялар ва грамм мусбат бактерияларни тадқиқ қилиш учун озуқа муҳитига метил қизили (0.015%) бўёғидан қўшиб юборишни таклиф қиласи. *Илдизсимон грамм мусбат бактерияларни тупроқдан, ўсимлик тўшамасидан ва қолдигидан ажр-тиб олиб, экиш учун қуйидаги тартибда озуқа муҳитига экиласи (миқдор гFл ҳисобида):* пептон — 10, туруш экстрати — 5, казеин эритмаси — 5, гўшт экстракти — 2, солод экстракти — 5, глитсерин — 0,2, MgSO_4 — 1, твин — 80, сирт актив модда — 0,05, дистсилланган сув — 1 литр.

Табиатдан чиритувчи, ачнтувчи бактерияларни сифати бузилаётган мевалар, гўшт маҳсулотлари, сабзавотлар, усимлик чириндилиари, сут маҳсулотларидан, қайнатмалардан намуналар ажратиб олиб, ўқув мақсадида фойдаланиш мумкин. Актиномитсетларни кўпайтириш ва ўрганиш учун тул-роқ эритмасини — крахмали-аммиакли, крахмали-казеинли, казеинли-глитсеринли, хитинли қаттиқ озуқа муҳитларига экиш усулидан фойдаланилади. Тупроқааги бошқа микроорганизмларнинг ўсишини тўхтатиш учун ингибиторлардан антибиотиклар (пенициллин — 1 мгFл, стрептомитсин — 25, полимиксин — 5, нистанин — 50 ва ҳоказо). фенол каби кимёвий моддалар озуқа муҳитига қўишилади.

Углеродли бирикмаларнинг ўзгаришида иштирок этувчи микроорганизмлар учун озуқа муҳити

Крахмалнинг ўзгаришида иштирок этувчи микроорганизмларни кўпайтиришда агарлашган озуқа муҳитига крахмал (ерувчан) ёки крахмал клейстери қушиб тайёрланган муҳитга тупроқ эритмаси «екилиб», унда кўпайган микроорганизмлардан крахмални гидролизлаш хусусиятидан фойдаланилади. Бунда «екмаоли муҳитга ёд томиздириса муҳит кўк рангта киради.

Пектинни ўзгаришга учратувчи микроорганизмлар учун қуйидаги таркибдаги маҳсус озуқа муҳити тайёрланади: картошка қайнатмаси — 1 л, пектин — 7 г, туруш эритмаси — 5 мл, тиогликолев кислотаси — 1 мл, 0,5% ли

бромметил кўки — 1 мл, озуқа муҳити 0,5 атм. босим остида 30 дақиқа стерилланади. Стериллапгандан кейин муҳит рх — 7,2-7,5 га NaOH билан келтирилади. Кўпайиш даври 370С ҳароратда 1-4 қун (сутка).

Целлюлозани анаероб шароитда ўчлаштирувчи микроорганизмларни кўпайтириш учун Петри косачаси остига намланган филтр қофози солинади, унинг устига 1.5% ли КМО, эритмасидан 2 мл қуйиб бойитилган 50-60 г нам тупроқ солинади. Тупроқ устидан филтр қопқоқ зич қилиб ёпилади. Микроорганизмларнинг тез кўпайшиши нам камерада яхши боради. Кутиш мулдати тупроқ турига боғлиқ.

Гетчинсоннинг тўпловчи озуқа муҳити (миқдор — гГл ҳисобида):

KH_2PO_4 - 0,1; NaCl , - 0.1; CaCl_2 - 01; FeCl_3 — 0.1; MgCO_4 — 7; H_2O — 0.5; NaNO_3 —2.5: дистсильланган сув. Бунла озуқа муҳити колбага ёки пробиркага қуйилади ва унга тахланиб букланган филтр қофози солинади (С маибаси сифатила). Муҳит стериллангандан сўнг идишда тупроқ доначалари ташлаб қўйилади.

Целлюлозани анаероб шароитда ўзлаштирувчи микроорганизмлар учун озуқа муҳити

Бунинг учун Л.Л. Имигенстский таклиф қилган қуйидаги таркибдаги очуқа муҳити қулланнлали.

1. *Тупловчи озуқа муҳити (миқдор — гГл ҳисобида):* $\text{NaNH}_4\text{HPO}_4\text{H}_2\text{O}$ - 1.5; KH_3PO_4 – 0.5; MgCO_4 – 0.4; NaCl — 0.1; MgCO_4 ва FeCO_4 ларнинг филтр қофози — 15.0; рх - 7.4.

2. *Соф тўпловчи «екмалар» учун гўштили-пентонли шўрва:* CaCO_3 — 2 г; филтр қофози — 15.0 г; водоправод суви 0.5 литр. Бунда озуқа муҳити пробиркага тулароқ қўйилиб, унга лентасимои кесилган филгр қофози солинади ва озуқа тупроқ намунасидан ташланиб. 30-35 С ҳароратда термостатга қўйилади. Термофиллар 60 С да кўпаяди. Айни микроорга-низмларни озуқа муҳитида ёки муҳитдаги филтр қофозни фиксатсиялаб бўяб. микроскоп остида кутитиш мумкин.

Азотли бирикмаларни ўзлаштирувчи микроорганизмлар учун озуқа муҳити

1. Тупроқ намунасидан 60-100 г тортиб олиниб, ластлаб водопровод сувида ивитиб эзилади ва *паста ҳолатига келган тупроқ эритмасини қуйидаги таркибдан иборат озуқа муҳитига экиласди (миқдор — гГл ҳисобида):* KH_2PO_4 ~ 0.2; $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ - 2; NaCl -0.2; KH_2PO_4 - 0.1; CaCO_3 , - 5.0; монит ёки сахароза — 20.0; агар-агар — 20,0; дистсильланган сув.

Бунинг учун тайёр бўялган озуқа муҳитига микробиологик илмоқ билан Петри косачаларига 50 тадан тупроқ эритмаси (ивитилган тупроқ) солиб нам камерали термостятда ундирилади. Кутиш муддати 5-6 қун (сутка).

2. Ўтсимон ўсимлик илдизи 5-8 мм узунликда кесилиб. қуйидаги таркибдаги озуқа муҳитига қўшиб. *азоспирилум авлодига мансуб бактериларни*

*кўпайтириш мумкин (миқдор— гЛ ҳисобида). Олма кислотасининг натрийли ёки калцийли тузи - 5; KH₂PO₄- 0.4; K₂HPO₄ -0.1; MgSO₄*7H₂O - 0.2; NaCl - 0.1; CaCl₂ - 0.02; FeCl₃, - 0.01; туруш экстракти —5 мл; агар — 1,75; бромтимол қўки—5 мл (0,5 %ли сииртли эритмаси), р — 6.8 Кутиш муддати 320С да 5-7 кун.*

Азот спирилл тўдалари 2-4 мм катталикда оқ рангда бўлади. Азот тўпловчи бактериялар учун Виноградскиининг тўпловчи озуқа муҳити (миқдор — г/л ҳисобида). Глюкоза — 20; KH₂PO₄- 0.1; MgCO₄; NaCl; FeCl₄ - оз-оздан; Mg SO₄7H₂O — 0.5; CaCO₃ — 20.0. Озуқа муҳитини пробиркаларга қуйиб; унга текширилаётган тулроқ намунаси эки-лади ва 80°C ҳароратда 10 дакиқа пастеризадия қилинади. Кутиш муддати 2-3 кун. Бунда озуқа муҳити лойқаланиб ҳаво пуфакчалари чиқа бошлайди.

Тиона бактерияларини ажратиш ва «екмалар»ни ҳосил қилиш учун қуидаги таркибдан иборат 2 хил озуқа муҳитини тайёрлаш мумкин:

1) (NH₄)₂SO₄- 0.2; MgCO₃*7H₂O - 0.1; FeCO₃ - 0.01; CaCl₂- 0.25; KH₂PO₄ - 3; янгиланган 5-10 г(С-ни «екиши» олдидан қўшилади).

2) Na₂CO₃*5H₂O-5.0; (NH₄)₂SO₄-0.4; KHPO₄-1.5; CaCl₂-0.25; MgCO₃*7H₂O - 0.5; FeCO₃ - 0.01; муҳит рх - 7.

Ундириш термостатда 1-2 ҳафта муддатда олиб борилади. Тион бактерияларининг кўпайганлиги озуқа муҳитнинг лойқаланганидан билинади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Микроорганизмлар учун тайёрланадиган озуқа муҳитлари таркибига қўра қандай бўлади?
2. Тупроқ бактериялари учун озуқа муҳити қандай бўлади?
3. Целлюлозани анаероб шароитда ўзлаштирувчи микроорганизмларни кўпайтириш учун Петри косачаси остига нима солинади?
4. Электив озуқа муҳити усулини ким биринчи бўлиб тадқиқотларида қўллаган?

ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШЛАРИ

1. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари.
2. Тупроқ мухитининг хусусиятлари.
3. Босферада модда ва энергиянинг даврий айланиши.
4. Тупроқ биоценози ва озуқа занжири.
5. Тупроқ ҳосил бўлишининг биологик жараёнлари
6. Тупроқда зонал типлари биоценози
7. Тупроқ профили бўйлаб ҳайвонларнинг тарқалиши, ўлчами ва гурухлари
8. Стериллаш усуллари ва озуқа мухитини тайёрлаш
9. Бактерия ва бошқа микроорганизмларнинг спора ҳосил қилиши
10. Кўк яшил ва яшил сувўтларини вакилларини ўрганиш
11. Замбуруғларнинг систематик гурухлари
12. Тупроқ унумдорлигини оширишда микроорганизмлар ферментлари
13. Бактериофагларнинг бактериал препарат ишлаб чиқаришдаги роли
14. Саноат биотехнологияси

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

Вариант 1.

1. Лишайниклар ҳақида умумий маълумот
2. Табиатда моддаларнинг кичик биологик айланишини таърифланг.
3. Метаннинг ҳосил бўлиши ва оксидланиши
4. Табиатда азотнинг айланиши
5. Табиатда калий айланиши

Вариант 2.

1. Табиатда кислород ва углерод бирикмаларининг айланиши.
2. Азот айланишининг бўғимлари
3. Ўсимлик қолдиқларининг чириши ва тўшаманинг ҳосил бўлиши
4. Тупроқ яшаш мухити
5. Табатда фосфор айланиши

Вариант 3.

1. Фотосинтез жараёни ва унинг аҳамияти
2. Крахмал, целлюлоза ва бошқа углеродли органик моддаларнинг парчаланиши
3. Аммонификация жараёни
4. Гумус ҳосил бўлиши ва парчаланиши
5. Тупроқнинг қаттиқ қисмида яшовчи организмлар

Вариант 4.

1. Хемосинтез ва унинг аҳамияти
2. Азотнинг биологик йўл билан фиксацияланиши
3. Нитрификация жараёни
4. Ўрмон тўшамаларининг қўйига қараб чириш қатламлари
5. Тупроқнинг суюқ муҳитида яшовчи организмлар

Вариант 5.

1. Азотнинг иммобилизацияланиши
2. Фосфор бирикмаларининг минерализацияси
3. Углеродли органик моддаларнинг парчаланиши
4. Ачитқи замбуруғлари
5. Тупроққа тушган азотли бирикмаларнинг тақдири.

Вариант 6.

1. Азотнинг иммобилизацияланиши
2. Хемосинтез ва унинг аҳамияти
3. Метаннинг ҳосил бўлиши
4. Табиатда углерод айланишининг бўғимлари
5. Лишайниклар, тузилиши ва тур ҳиллари

Вариант 7.

1. Денитрификация жараёни
2. Табиатда фосфорнинг айланиши
3. Тупроқ профили бўйлаб микроорганизмларнинг тарқалиши
4. Гумус ҳосил бўлиши ва парчаланиши
5. Тупроққа тушган азотнинг тақдири

Вариант 8.

1. Табиатда олtingугуртнинг айланиши
2. Табиатда моддаларнинг кичик биологик айланиши
3. Азотнинг биологик йўл билан фиксацияланиши
4. Тупроқнинг суюқ муҳитида яшовчи организмлар
5. Микроорганизмларнинг ташқи муҳит факторларига жавоб реакцияси

Вариант 9.

1. Табиатда темир айланиши
2. Табиатда кислород ва углероднинг айланиши
3. Азот айланиш бўғимлари
4. Ўрмон тўшамаларининг чириш қатламлари
5. Тупроқ яшаш муҳити

Вариант 10.

1. Табиатда калий айланиши
2. Метаннинг ҳосил бўлиши ва оксидланиши
3. Фотосинтез жараёни ва унинг аҳамияти
4. Нитрификация жараёнининг фазалари
5. Тупроқ профили бўйлаб организмларнинг тарқалиши

ТЕСТ ТОПШИРКЛАРИ

1. Фотосинтез жараёнини амалга оширувчи организмларни белгиланг.
А) Кўк яшил сув ўтлари ва ўсимликлар В) Хайвонлар С) Бактериялар Д)
Микроорганизмлар
2. Органик моддаларнинг парчаланишини таъминловчи организмларни кўрсатинг.
А) Микроорганизмлар В) Хайвонлар С) Цианобактериялар. Д) Ўсимликлар
3. Куйидаги қайси олим “Биогеохимия” фанига асос солган?
А) В.И.Вернадский В) В.В. Докучаев С) С.Н. Виноградский Д) Л. Пастер
4. Қайси олим “тирик организмлар ер юзидаги геологик жараёнидаги энг катта куч” деб таърифлаган.
А) В.И.Вернадский В) Л.Пастер С) С.Н.Виноградский Д) В.В. Докучаев
5. Қуйидаги қайси олим, сут кислотали, сирка кислотали, спиртли бижгишни ўрганиб, мой кислотали бижгишни кашф қилди?
А) Л.Пастер В) В.В.Докучаев С) С.Н.Виноградский Д) Э.Геккель
6. Қайси олим кислород бўлмаган мухитда яшовчи анаэроб бактерияларни кашф қилди?
А) Л.Пастер В) К.Линней С) Чаттоп Д) В.А.Ковда
7. электив озиқали мухит услубида, микроорганизмлар иштирокида, аммиак аэроб оксидланиб нитратга айланиши кашф қиласди?
А) С.Н.Виноградский В) Э.Геккель С) Е.Н.Мишустин Д) М.С.Воронин
8. Ер юзидаги барча тирик организмлар узоқ вақтгача қандай шохликка бўлинган?
А) Ўсимликлар ва хайвонлар В) Ўсимликлар ва замбуруғлар С) Хайвонлар ва бактериялар Д) Ўсимликлар ва бактериялар
9. Баъзи бир хивчинли содда хайвонларга ранг берувчи органоидни кўрсатинг.
А) Хромотофор В) Митохондрия С) Хлоропласт Д) Хромопласт

10. Ўсимлик ва хайвонлар ўртасидаги оралиқ формани кўрсатинг.

- A) Эвгилена ва вольвокс B) инфузория ва амёба C) одий амёба ва лейшмания D) вольвокс ва оддий амёба

11. Тўқима тузилишли эукариотларни кўрсатинг.

- A) ўсимликлар ва хайвонлар B) сув ўтлар замбуруғлар содда хайвонлар C) содда хайвонлар цианобактериялар, актиномицетлар D) Хайвонлар, замбуруғлар сув ўтлар

12. Бир ва кўп хужайрали эукариот организмларни кўрсатинг.

- A) Содда хайвонлар замбуруғлар, сув ўтлар B) ўсимликлар, хайвонлар, бактериялар C) цианобактериялар, замбуруғлар, хайвонлар D) хайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар

13. Бир ва кўп хужайрали прокариот организмларни кўрсатинг.

- A) цианобактериялар, бактериялар, актиномицетлар B) ўсимликлар, замбуруғлар, содда хайвонлар C) хайвонлар, замбуруғлар, кўк яшил сув ўтлари. D) кўк яшил сув ўтлари, замбуруғлар, актиномицетлар

14. Қуйидагилардан фототроф озиқланувчи организмларни кўрсатинг.

- A) ўсимликлар, сув ўтлар, кўк яшил сув ўтлари B) ўсимликлар, хайвонлар, содда хайвонлар C) ўсимликлар, бактериялар, замбуруғлар D) ўсимликлар, замбуруғлар, хайвонлар

15. Осмотроф озиқланувчи организмларни кўрсатинг.

- A) замбуруғлар, бактериялар B) ўсимликлар, хайвонлар, C) замбуруғлар, хайвонлар D) замбуруғлар, ўсимликлар.

16. Голозой озиқланувчи организмларни кўрсатинг.

- A) Хайвонлар, содда хайвонлар B) хайвонлар, замбуруғлар C) хайвонлар, бактериялар D) хайвонлар ва ўсимликлар

17. Йирик организмлар қандай экологик гурӯҳларга бўлинади?

- A) продуцентлар, консументлар, редуцентлар B) продуцентлар, замбуруғлар, бактериялар C) ўсимликлар, хайвонлар, бактериялар D) продуцентлар, хайвонлар, редуцентлар

18. Қуйидагилардан қайси бирлари продуцентлар хисобланади?

- A) ўсимликлар, сув ўтлар, цианобактериялар B) ўсимлилар, замбуруғлар, содда хайвонлар C) ўсимликлар, хайвонлар, замбуруғлар D) ўсимликлар, микроорганизмлар, хайвонлар

19. Қуидагилардан консументларни күрсатинг.
А) Юксак хайвонлар ва содда хайвонлар В) хайвонлар ва ўсимликлар С)
хайвонлар ва замбуруғлар Д) бактериялар ва замбуруғлар
20. Қуидаги организмларнинг қайси бири редуцентлар хисобланади?
А) замбуруғлар ва бактериялар В) замбуруғлар ва ўсимликлар С) замбуруғлар ва
хайвонлар Д) замбуруғлар ва қўк яшил сув ўтлари.
21. Озиқланиш типи бўйича тирик организмлар қандай гуруҳларга бўлинади?
А) фототроф, осмотроф, голозой В) фототроф, автотроф, хемотроф С) фототроф,
хемтроф, хемосинтез Д) тўғри жавоб берилмаган.
22. Тупроқда яшовчи барча тирик организмлар қандай аталади?
А) тупроқ биотаси В) тупроқ яшовчи тирик организмлар С) тупроқ профили
организмлари Д) тупроқда яшовчи микроорганизмлар ва ўсимликлар
23. Тупроқ сув ўтлари яшаш муҳитига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
А) тупроқ юзасида ўта нам тупроқда, тупроқ қатламлари орасида В) қуруқ
тупроқда, ботқоқ тупроқда, тупроқ қатламлари орасида С) тупроқда сув ўтлари
учрамайди Д) ўта нам, доимий сув бўлган тупроқларда, қуруқ тупроқларда,
тупроқ юзасида
24. Тупроқ сув ўтлари қандай усулда озиқланади?
А) фотоавтотроф В) автотроф С) гетератроф Д) осмотроф
25.Биогеоцинози эндиғина шакланиб келаётган тоғли худудларда
вулканларнинг отқинди жинслари устида, ва қайтадан тикланаётган ерларда
мухим ахамиятга эга?
А) сув ўтлар В) хайвонлар С) бактериялар Д) замбуруғлар
26. Тупроқда яшовчи сув ўтларнинг ... тури бор.
А) 2000 та В) 5000 та С) 500 та Д) 300 та
27. Қайси олим неchanчи йилда ердаги тирик организмларни эукариотлар ва
прокариотларга бўлишни таклиф қилган?
А) Чаттоп, 1937 йилда В) М.С.Воронин. 1866 йилда С) М.Бейеринк 1886 йил
С.Н.Виноградский 1891 йил
28. Қўк яшил сув ўтларига қайси пигментлар йифиндиси қўк яшил рангни беради?
А) фикоцианин, фитоэритин, каратиноид В) фикоцианин, хлорофилл, хромопласт
С) фитоэритин, хлоропласт, каратиноид Д) хлоропласт, хлорофил, хромопласт

29. Тупроқ биотасида ... сув ўтлари вакиллари энг кўп тарқалган.
А) яшил В) кўк яшил С) диатом Д) қизил
30. Қайси организмлар р усти биоценозининг ядросини ташкил қиласди?
А) юксак ўсимликлар В) сув ўтлари С) хайвонлар Д) замбуруғлар
31. Моддаларнинг кичик биологик айланиши ... моддаларнинг хосил бўлишидан бошланади.
А) органик В) анорганик С) минерал Д) органоминерал
32. Тупроқ хайвонлари ўлчамига қараб неча гурухга бўлинади?
А) 5 В) 3 С) 6 Д) 2
33. Тупроқ хайвонлариининг ўлчамларига қараб тўғри жойлаштирилган қаторини кўрсатинг.
А) нонофауна, микрофауна, мезофауна, макрофауна, мегафауна В) микрофауна, нонофауна, мезофауна, мегафауна, макрофауна С) макрофауна, мегафауна, мезофауна, микрофауна, нонофауна Д) нонофауна, макрофауна, мегафауна
34. ... йирик ўсимликларининг илдиз тўқималари билан озиқланиб қишлоқ хўжалигига зарар келтирувчи тупроқ хайвонлариидир.
А) фитофаглар В) зоофаглар С) некрофаглар Д) сапрофаглар
35. йиртқич ёки паразит бўлиб бошқа тупроқ хайвонлари билан озиқланади.
А) зоофаглар В) фитофаглар С) некрофаглар Д) сапрофаглар
36. Қайси гурух хайвонлар ўсимликларнинг ер усти ва ер ости қолдиқларини қайта ишлайди.
А) сапрофаглар В) некрофаглар С) фитофаглар Д) капрофаглар
37. Хайвонларнинг ўлик қолдиқлари билан озиқланувчилар ... деб аталади.
А) некрофаглар В) сапрофаглар С) капрофаглар Д) фитофаглар
38. Тупроф мухитида хаёт кечиришига қараб тупроқ хайвонлари қандай гуруғларга бўлинади?
А) геобионтлар, геофиллар, геоксинлар В) геобионтлар, некрофаглар, сапрофаглар С) геофиллар, тупроқ юзасида яшовчилар, тупроқ ичида яшовчилар
Д) геоксинлар, некрофаглар, геофиллар.
39. Қўйидагилардан тубан эукариот организмларни кўрсатинг.
А) замбуруғлар В) ўсимликлар С) бактериялар Д) хайвонлар
40. Замбуруғлар қандай усулда озиқланади?

А) осмотроф В) автотроф С) гетеротроф Д) фототроф

41. Замбуруғнинг танаси қандай аталади?

А) мицелий В) гифа С) таллом Д) қаттана

42. Экологик гурух ичида замбуруғлар типик ... хисобланади.

А) редуцентлар В) продуцентлар С) консументлар Д) фототрофлар

43. Хақиқий замбуруғлар қандай аталади?

А) эумукота В) муксомукота С) макромицет Д) микромицет

44. Шилимшиқ замбуруғлар қандай аталади?

А) мусомукота В) эумуота С) микрмицет Д) макромицет

45. Қайси замбуруғларнинг вегетатив танаси ялонғоч плазмадан иборат бўлиб, плазмодий деб аталади?

А) миксомицетлар В) микромицетлар С) макромицетлар Д) эумукоталар

46. Плазмодийлар манфий ... ва мусбат ... хусусиятига эга.

